

**ЎЗБЕҚИСТОН ССР  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**

**А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ  
ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ**

# ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

ТҮРТ ТОМЛИККА ИЛОВА



УЛУФ ОКТАЯБРЬ  
СОЦИАЛИСТИК  
РЕ ВОЛЮЦИЯСИГАЧА



ҒА ФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
Тошкент — 1968

# ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

• БЕШИНЧИ ТОМ •

\*\*\*

ИККИНЧИ КИТОБ



ФАФУР ФУЛОМ НОМИДАГИ БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
Тошкент — 1968

Ўзбекистон ССР  
Фанлар Академиясининг академиги  
ВОҲИД ЗОҲИДОВ  
таҳрири остида

Редакторлар:  
Раҳмат МАЖИДИЙ, Порсо ШАМСИЕВ

Ўзбек адабиёти. Улуг Октябрь социалистик революциясигача. ЎзССР  
Фан. Акад. академиги, фалсафа фанлари док. В. Зоҳидов таҳ-  
рири остида. Ред. Р. Мажидий, П. Шамсиев. Т., Ғафур Ғулом  
номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968.  
352 бет. (ЎзССР ФЛ А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт  
ин-ти).  
Т. 5. К. 2. 1968, 352 бет. Тиражи 15000.

Ўзбекская литература, Т. 5. Кн. 2.

Б

## РЕДАКТОРЛАРДАН

У нашрдаги Ҳакима, Мутриба, Сиддиқий ижодларидан олинган намуналарни М. Маҳмудов, Ниёзий асарларидан олинган намуналарни Э. Иброҳимова, Рожий асарларидан олинган намуналарни В. Мўминова, Мутриб Хонахароб, Чокар, Фақирий асарларидан олинган намуналарни В. Мирзаев, Табибий асарларидан олинган намуналарни Ф. Фанихўжаев, Девоний асарларидан олинган намуналарни Ф. Мусамуҳамедова, Анбар отин асарларини Ф. Ҳусаинова, Нодим асарларидан олинган намуналарни А. Халилбеков, Абу Али ибн Сино қиссаларини А. Йрисов, араб тилида ижод этган шоирлар асарларидан олинган намуналарни И. Абдуллаев тайёрланган.





# ҲАКИМА





# II

Оири Ҳакима Абдураҳим қизи 1840 йилда Каттақўрғоннинг Алижон қишлоғида мактабдор домла оиласида туғилди. У болалигига ёқ ота-онадан етим қолиб, кичик акаси Аброрқулнинг қўлида тарбияланди. Замонасининг талантли шоири ва олими Муҳаммад Шариф Шавқий билан қўшни ва дўст бўлган шоиртабиат Аброрқул ёш Ҳакиманинг ўқиб маълумот олиши учун кўп ғамхўрлик қилди.

Ҳакимани 20 ёшида шаҳарнинг Мавриқўрғон маҳалласида яшовчи Мирсултон номли этикдўз-косибга турмушга берадилар. Оилада кўп ўғил-қизлар туғилган бўлса-да, улардан фақат икки қиз омон қолади: Нигина ва Олима. Олимадан икки фарзанд бўлади: Муҳаммади ва Ҳалима. Олима жинни бўлиб, эри Қаримбойвачча томонидан икки боласи билан ҳайдалади. Ҳакима қизини кўп табибларга кўрсатса ҳам нафи бўлмайди...

Алам-кулфатлар, жудолик ва моддий қийинчиликлар билан эзилган шоира бадавлат, ўзига тинч қариндошларидан ҳам ҳеч қандай «меҳру вафо» кўрмайди. Бу ҳол унинг айрим шеърларида акс этган. Ҳакима 1919 йилнинг 20 декабрида вафот этди.

Шоира меҳнаткаш халқ ҳаёти ва ўзининг аччиқ тақдири устида чукур муҳокама юргизади, фарёд солади. Ўзи яшаган шароитда инсоннинг баҳтли бўлиши мумкин эмаслигига кўзи етгач, келажакда бундай адолатсиз дунёнинг ўзгаришига («тасрифи дунё») зўр умид боғлайди:

Утубдур қанча олам халқи қилмай тасрифи дунё,  
Ҳакима ҳам ўтар уммид билан — ҳасрат-фифони бор.

Ҳакима бу ғазалда улкан шоирларнинг дунё, шоҳ, бой ва гадо ҳақидаги қарашларини ўзича ривожлантиради.

Шоира ўзининг «Бурга» шеъри билан салафларнинг ҳажвчиликдаги традициясини ҳам давом эттириди.

Ҳакима ўз давридаги ғайри инсоний ижтимоий воқееликка ва бемеҳр, зулмкор одамларга танқидий муносабатда бўлиш билан бирга ҳаёт ва умрни, дўстлик ва садоқатни, муҳаббат ва вафони, ғазал, куй ва табиат гўзалликларини бутун қалби билан қадрлайди ва севади.

Умуман айтганда, Ҳакима жафокаш халқнинг куйчиси сифатида майдонга чиқди. Унинг асарлари ҳаёт иллатларини фош этиши, мазмундорлиги ва самимийлиги билан диққатга сазовордир.

Шоиранинг автографлари бизгача етиб келмаган. Бу ердаги шеърлар унинг шогирди Мутриба қўлидаги дафтар ва хотиралардан ёзиб олинди.



---

## ФАЗАЛЛАР

*K*

ел, эй кўнгул, ҳаво домин тутуб, дил берма  
дунёға,  
На хуш давлат, ўзунг банд айладинг зулфи сумансоға.

Работи кўхна дунёниг вафоси йўқ, биродарлар,  
Ғаниматдур сиза айём, на етгай бундай асноға.

На хуш кундур баҳор айёми, олам сабзапўш, рангин,  
Иигитлик ҳам анингдекдур тушунган аҳли маъноға.

Эрур фасли баҳор янглиғ азиз ёшлиқ, на хўб роҳат,  
Қариган сўнг зимиstonдур, кўнгул қолмас таманноға.

Келинг, ёшлар, қуруб суҳбат, кўнгулни хуш этинг бул  
чоқ,  
На етгай ҳофизу, дўсту ширин сўз бирла мийноға.

Бу дунё бир саройдек манзилу, одамлари меҳмон,  
Ҳакима, ўтди умринг, етмадинг ул маҳфилороға.

\* \* \*

Жаҳон барнолари, эй шўх, кирдордингдин айлансун,  
Муқобил бўлса, ҳар ойина дийдорингдин айлансун.

Малоҳат гулшанида ғунча янглиғ, эй пари пайкар,  
Очилса гул юзунг, булбул кўруб хорингдин айлансун.

Балофат бобида яктои даврондурсан, эй гулруҳ,  
Ўқурда булбули хушконлар ашъорингдин айлансун.

Хиром этсанг чаман сори, аё эй дилбари раъно,  
Кўрубон кабки хушрафтор рафтордингдин айлансун.

Қаёнда ганжи зардур ҳалқа урган аждаҳоси бор,  
Жаҳон ганжи сенинг зулфи сияҳ торингдин айлансун.

Жаҳон шоирлари мафтун бўлуб ширин мақолингга,  
Асирингдур Ҳакима, келди гуфторингдин айлансун.

\* \* \*

Ажойиб турфа савдо кўҳна дунёи дағо ичра,  
Бу мискин бошима минг турли ғам бул бевафо ичра.

Гаҳи гирён, гаҳи нолон, ажаб афтодаман ҳайрон,  
Эруман зору саргардон бу золим пуржафо ичра.

Кўзим ёши оқар тинмай, кеча-кундуз надур билмай,  
Анисим, мунисим бўлмай бу ҳасратхона — жо ичра.

Кўрубон бир неча фарзанд, нечун ҳеч бўлмади дилбанд,  
Бири ҳам қилмади хурсанд жаҳони бебақо ичра.

Ичиб жоми жафодин май, бу бўлса қисматим қайтай  
Кима йиғлай, кима айтайки бу зулматсаро ичра.

Қани манга қариганда, боламни бири ёнимда —  
Бўлуб ғамхўр маконимда меҳр янглиғ само ичра.

Үғул-қизлар сафар қилди, ҳамаси бир йўла кетди,  
Қари она кейин қолди, бутун оҳу наво ичра.

Мени бечорани ташлаб, нетай икки кўзум ёшлаб,  
Либосим танда ўт яшнаб, жаҳон жоми намо ичра.

Ҳакима зор йиғлайдур, куюб дардини куйлайдур,  
Ҳамон бир чора излайдур бу дарди бедаво ичра.

\* \* \*

Адамдин ҳар киши дунёга келди пешвоси бор,  
Ки ҳар ким кўнглида бир ўй илан кўп муддаоси бор.

Скандар бистари кимхобу баҳмал узра хоб этса,  
Аларнинг қолини бўлса, гадонинг бўрёси бор.

Такаббур аҳлиға зинҳор салом-алик демай ўтгил,  
Аларнинг бошида шайтони малъуннинг ҳавоси бор.

Жаҳоннинг боғидин гуллар очилур ранг-баранг, кўргил.  
Агарчи яхши одам кўп, ичида ҳам ёмони бор.

Ҳамиша хушфеъллик бўл ҳалойиқ ичра сен зинҳор,  
Қўнгулни оқу пок этсанг, ҳама коринг барори бор.

Қарама бад назар бирла, бу душман, деб, ҳақир айлаб  
Магар бир кун бўлур дўст ул киши, сирри ниҳони бор.

Эрур ҳар дам ғанимат, хуш тутуб ўткар азиз умрунг,  
Бу дунёning каму кўстин на суду, на зиёни бор.

Үтубдур қанча олам ҳалқи қилмай тасрифи дунё,  
Ҳакима ҳам ўтар уммид билан—ҳасрат-фигони бор.

## МУХАММАСЛАР

\* \* \*

Нечук айлай, ёронлар, мен ғариби мазлуми noctor,  
Ҳама туққан оғо-ини, опаларим қилибон ор,  
Бўлиб бегона кетдилар, бўлиб мандин бари безор,  
Қолиб танҳо ўзим ғурбат уйида кўз ёшим хунбор,  
Ўзимга машқ этиб ҳасрат била гоҳида бу ашъор.

Алардин кўрмадим меҳру вафо дунёда бир кун ҳам,  
Ўлиб кетди ўғил-қизлар, фарофат кўрмади дийдам,  
Сени фарзанд дебон меҳру муҳаббат айладим бул дам,  
Саломат бўл, қизим, дунёда кўрма зарра кулфат, ғам,  
Будур мендин васият ҳам дуо, эй оқилу ҳушёр.

Ки бир кун катта оғам уйига бордим мани маҳзун,  
Юмубон кўз, қабоқ солиб деди:— Келдинг нима учун?!  
Дедим:— Кирдим ўтар йўлдин, кўрай деб бир йўла  
акнун,  
Ки бул баҳтсиз қизим тиндирмади, қилди жигарни хун,  
Цаво истаб юруман кўчаларда, дарду ғам бисёр...

Яна эрмиш муддаррис, жумла олимларга аълам бул,  
Нечук бемеҳру бадфеъл, бўлмади одамга ҳамдам бул,  
Жигар пайванд бўлмасму, қилибон силаи раҳм ул,  
Узиб уммедин андин бормадиму, кўрмадим бир йўл,  
Ҳакима қон ютар баҳтсизлигидин, эй азиз дилдор.

\* \* \*

Чаман зеболари, эй сарв, рафторингдин айлансун,  
Тамоми хушсуханлар табъи шаҳворингдин айлансун,  
Эшитса маст ўлур ҳар банда гуфторингдин айлансун,  
Фалотунлар қолур лол, ақли хушёригдин айлансун,  
Кўролмай бағри доғ ҳар лола руҳсорингдин айлансун.

Қизил гулким аниңг ҳажрида юз минг булбули шайдо,  
Қилур ҳар субҳи дамда тинмайин фарёду вовайло,  
Гули савсан, гули насрин, гули шабюз, гули раъно,  
Гули қаҳ-қаҳ, гули райҳонки, бир гул қолмасун асло,  
Гулистон гуллари, эй тоза гул, хорингдин айлансун.

Замоне жустужўйингда тиниб ўлтурмадим ҳаргиз,  
Босиб муҳри хамуши тилга, ҳеч дам урмадим ҳаргиз,  
Сўроғинг рашк этиб, ағёрлардин сўрмадим ҳаргиз,  
Сенингдек гавҳари қимматбаҳони кўрмадим ҳаргиз,  
Ақиқу лаълу маржон гавҳари борингдин айлансун.

Ҳакиманинг кўрар кўзи, жаҳон ичра саломат бўл,  
Дуо айлай, гулум, доим, ҳамиша боғазилат бўл,  
Баланд иқболу роҳатлик, илоҳи босаодат бўл,  
Дейин беҳад санолар, то абад кони шарофат бўл,  
Саховатлик, муруватлик бу кирдорингдин айлансун!

## МАСНАВИЛАР

\* \* \*

Эй сўзи ширин гулъузорим,  
В-эй ваъдада турмаган нигорим.

Гар бўлсаки менда неча минг жон,  
Айларман ани йўлунгда иҳсон.

Қўйғил қадамингни бошим узра,  
Йўқ, йўқ, қора кўзу қошим узра.

Эй ёри ситамгару жафожўй,  
Зулму ситамингни айлама, қўй.

Эмди менга айлагил тараҳҳум,  
Қил кулбама бир сафар тақаддум.

Лҳд айладингу, исга бузарсан?  
Сен буздингу, лек бузмадим ман.

Жондин кечадур Ҳакимай зор,  
Жон бергучи чун ўзингсан, эй ёр.

\* \* \*

Езиб байт бургадин, мен айлайин дод,  
Ширин уйқумни золим қилди барбод.

Қоронғуда нечук йўлни топадур,  
Тузуб лашкар, ўнгу сўлга чопадур.

Чақадур ҳеч бир парвое қилмас,  
Фақири бойларни кўзга илмас.

Чақадур неча бир гул-ғунчаларни,  
Қўли боғлиқ, бешикда баччаларни.

Гаҳи тез ўрмалаб сакраб учадур,  
Гаҳи шум тулкидек боқмай қочадур.

Тутуб бўлмас, кўринмас майда нарса,  
Ётолмас чақса роҳатда кимарса.

Ҳакима ҳолини этти кўп абтар,  
Йўқолиб бургалар, қолсун бу дафтар.

## ҚИТЪА

Аё эй гулшани диллар сафоси,  
Юзунгдин ахтари гардун жилоси,  
Баҳор айёми бўлди, келди наврӯз,  
Муборакбод этарман, эй дилафрӯз.







# НОДИМ







C

уляймонхўжа Улуғхўжа ўғли Нодим 1844 йилда Намангандарининг Жоме (ҳозирги Байналмилал) маҳалласида зиёли оиласида дунёга келди. Унинг отаси Улуғхўжа Зокирхўжа ўғли Намангандаги Сайдқулбек мадрасасида бир неча йил мударрислик қилган. Сулаймонхўжа бошланғич маълумотни уйида олди, сўнгра Сайдқулбек мадрасасида таҳсил кўрди.

Нодим ёшлигиданоқ адабиётга, санъатга жуда қизиқади. Ўзбек, форс-тожик ва озарбайжон классикларининг асарларини зўр иштиёқ билан ўрганади.

У ғазаллари ва мухаммасларида, айниқса Навоий анъаналарини давом эттиради. Барча ижод кишилари кўнглига илҳом солган чин инсоний мұҳаббат Нодим лирикасининг ҳам асосий темаси бўлиб қолади. Бундай лирик шеърларга шоир бир қатор ижтимоий мотивларни ҳам сингдириб кетади.

Нодимнинг адабий мероси орасида ҳажвий асарлар катта ўрин тутади. Ҳажвий шеърларда даврдаги ижтимоий ҳодисаларга ўз муносабатини билдиради, шу ҳаёт картиналарини реалистик асосда чизиб беради, бойлар, маҳаллий амалдорлар, чор чиновниклари ва руҳонийларни фош қилади.

Нодим ўзбек демократик адабиётининг етакчи на民政далари—Муқимий, Фурқат ва Завқийлар билан дўст ва ижодда ҳамкор эди. Бу дўстлик ва ҳамкорлик изларини Нодим асарида яққол кўрамиз. Муқимий, деярли, ҳар йили Намангандаги кўзга кўринган шоирлар, санъаткорлар Нодим уйига тўпланишар, адабий-бадиий мажлислар уюштиришарди.

Нодим ҳам Кўқондаги ва Тошкентдаги адабий ўти-ришларда кўп қатнашган.

Нодим 1910 йилда Наманганда вафот қилди. Шоирдан унинг ўзи баёз шаклида тартибга келтирган қўлёзма «Девони Нодим» мерос қолган. «Девон»нинг бир нусхаси Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида 4179 инвентарь номери остида сақланмоқда. Тўпламнинг иккинчи нусхаси — шоирнинг ўғли Мусалламхон ота Бобохоновда сақланган. Нодим шеърлари айrim баёзларга ҳам киритилган.



## F A Z A L L A P

\* \* \*

E

р этиб азми сафар, ман зори тирён қолмишам,  
Нолау афғон чекиб, бесабру сомон қолмишам.

Ул гули навраста ҳижронида йиғлаб зор-зор,  
Булбули шайдо каби ман тортиб афғон қолмишам.

Ул неча аҳбоби дилхоҳи била айлаб сафар,  
Ман ғаму ҳасратда ёлғуз сийна бирён қолмишам.

Офтоби осмони ҳусн этиб ногаҳ ғуруб,  
Соядек ман нотавон ер бирла яксон қолмишам.

Кўз кўруб, кўнглум асир ўлди каманди зулфига,  
Войким, зулмат аро табъим паришон қолмишам.

Неча кундурким хаёлидан даме бўлмай халос,  
Кўзга уйқу келмайин то субҳ ҳайрон қолмишам.

Дўстлар, бир чора айланғ дардима, ўлмай ҳалок,  
Доғи ҳижронига топмай ҳеч дармон қолмишам.

Қайси кун бўлғайки, Нодим, васлифа маҳрам бўлуб,  
Арзи ҳолимни десамким:—Сансиз, эй жон.  
қолмишам.

\* \* \*

Эрур кўнглум паришон, токи айрилдим диёrimдан,  
Диёrim йўқки, ёру ошною, ғамгусоримдан.

Кўзум намнок, сийнам чок, бағрим таҳ-батаҳ қондур,  
Қачонким айрилибман ул ниgorи гулъузоримдан.

Сунурлар дам-бадам ишрат майин аҳбоб ғурбатда  
Талаттиф кўрсатиб минг навъи, тушмасман  
хуморимдан.

Хазон япроғидек сўлдум самуми ҳажридин, ҳайҳот,  
Насимо, муждаи етқурмадинг файзи баҳоримдан.

Деманг, эй дўстлар, бир гўшае тут, истиқомат қил,  
Нечук қилғум дурур, йўқ хуш ила сабру қароримдан.

Фигоним раъд, оҳим барқ, ашким сели тўфондур,  
Қочинг зинҳор, эй аҳбоб, мўҳлик раҳгузоримдан.

Қуюндеқ дашт ила водида саргардон бўлубдурман,  
Қачонким айри тушдим хоки пои шаҳсуворимдан.

Қадардантур бу ғурбат, инжима, сабр айла, эй Нодим,  
Иноят бўлса етгайсан ватанга, биру боримдан.

\* \* \*

Фигонким, чарх бедоди била қўнглум паришондур,  
Балоу дарду ғам қайдида зору, дийда гирёндур.

Баҳори гулшани оламда осиби ҳаводисдин,  
Очилмай ғунчай пажмурда янглиғ таҳ-батаҳ қондур.

Қеча то субҳидам шабнам каби қўздан тўкуб ёшин,  
Суруди ноладин булбул каби дойим дарафғондур.

Хаёли лолагун рухсоралардин, гоҳ савдодин  
Самандардек кириб ғам оташига сийна сўзондур.

Гаҳи қаттиқ мусибатдин фалакфарсо эрур оҳи,  
Сиришкидин гаҳи қўз мардуми гарқоби тўфондур.

Тани фарсуда, бағри пора-пора, чок домони,  
Ҳамиша дарди-доғу ғусса бирла ашқ резондур.

Фано сарманзилин истар кечиб бу хонумонидин,  
Бу дунё гулшани аҳбобсиз гўёки зиндондур.

Паёпай тут қадаҳ, эй соқий, ўзлукдин халос айла,  
На хуш улким, адам кошонасида масти ҳайрондур.

Вужудим най каби сўроҳ-сўроҳ ўлди, эй ҳамдам,  
Фигону нола ҳар бир банд-бандидин намоёндур.

Қолиб бу кўҳи ғам остида юз минг доғлар бирла;  
Таажжубким, уриб юз пеҷтоби ўлмаган жондур.

Ҳазин жонимни, эй гардун, мени оғритма, дилшод эт,  
Даме бир ўткучи бу даҳри фоний ичра меҳмондур.

Гаҳи вобастаи занжири ҳасрат, гаҳ асири ғам,  
Тутолмай ҳеч бир домони мақсад, доғи хирмондур.

Ғизо бобида аҳволини, ё раб, мустақим айла,  
Қулинг Нодим мусоҳиблар кетиб, бесабру сомондур.

\* \* \*

Баҳор айёми келди, дашту саҳро лолазор ўлди,  
Замин сар сабзу гулшан тоза, ер ойинавор ўлди.

Қўтарди қумрию булбул фигону нола ҳар ёндин,  
Басе ҳусну назокат сарви гулдин ошкор ўлди.

Насими руҳпарвар ҳар тарафдин юрди боғ ичра,  
Димоғ ўлди муаттар, бўйи гулдин мушкбор ўлди.

Терилди барги гулга дона-дона гавҳари шабнам,  
Этарда сайри гулшан ёр аёфина нисор ўлди.

Замони айшу ишратдур, шароби лолагун тутғил  
Менга, эй соқий гулчехра, кўнглум кўп хумор ўлди.

Фаниматдур замоне сайри гулшан, бўмағин ғофил,  
Неча сандек сиҳи қад лоларуҳ бундоғ ғубор ўлди.

Фигонким, ғунчай баҳтим очилмай ушбу гулшанда,  
Самуми ҳажридин пажмурдаи бебару бор ўлди.

Фано машшотасидин ёзмайин то уқдалар, Нодим,  
Бу олам боғидаким комёби комкор ўлди.

\* \* \*

Ҳарфи ишқингни ёзарда куйди дил жонигача,  
Хома ҳам кул бўлди, эй бедард, девонигача.

Ул шафақ эрмас, кўзум қон ёши шоми фурқатинг,  
Мавжлар айлаб етибдур чарх домонигача.

Анжум эрмасдур бу оҳимнинг шарори, бу кеча—  
Равшан айлар олами то кўкни кайвонигача.

Маснади ҳусн узра то бўлдунг азиз, эй сарвноз,  
Шоҳлар даргоҳингга қул бўлди ҳоқонигача.

Ҳар қачонким новаки мужгонинг, эй абру камон,  
Ўтди ўқи сийнадин жонигача пайконигача.

Қайси кунким давлати васлингдин ўлди ноумид,  
Кетди кўнглумнинг қарори сабру сомонигача.

Бул нечук жавру ситамдурким чекиб тийғи ситеz,  
Қасд этарсан ошиқи бечорани қонигача.

Нодим ўлди ажз ила хижлат тариқатда фано,  
Шояд ўлғай маҳв деб бу журму исёнигача.

\* \* \*

Токим бошимга тушди ситамкор эҳтиёж,  
Қилди кўнглумни сарбасар афгор эҳтиёж.

Бир лаҳза гар фароғати топсам бу даҳрдин,  
Андуҳу ғуссалар бирла тайёр эҳтиёж.

Косид матоменки, бирор сўрмагай мани,  
Ҳар қайда бўлса лек харидор эҳтиёж.

Келса кўзумга бир кечагар хоби роҳати,  
Албатта, айлагай мани бедор эҳтиёж.

Бор эҳтиёж ҳар куни, аммоқи кўп эмас,  
Қилғай ҳужум ҳар шаби бозор эҳтиёж.

Ҳарчанд юз ўгурсаму сўксам келур яна —  
Олдимга тўғри, шилқиму беор эҳтиёж.

Дунёда ёру гор анисим эрур магар,  
Ҳар дарду ғам етишса, мададкор эҳтиёж.

Йўқтур жаҳонни молу матои каминада,  
Ҳар қанча сўрап эсалар бор эҳтиёж.

Мости майи нашоту фароғат эди кўнгилд,  
Қилди мукаддар, айлади ҳушёр эҳтиёж.

Бўлмам ўз ихтиёrim ила эҳтиёжманд,  
Тушгай бошимға бир йўли ноchor эҳтиёж.

Муҳтоjлиқдин энди бориб кимга дод этай,  
Этти ёруғ жаҳонни менга тор эҳтиёж.

Фарзанди аржуманди жигарбандлар учун  
Бергай ҳамиша жонима озор эҳтиёж.

Ё раб, халос айла мани эҳтиёждин,  
Жону дилимдин айлади безор эҳтиёж.

Солсам назар тамоми оламға сарбасар,  
Албатта, бўлгай анда падидор эҳтиёж.

Ҳар субҳу шом бесару сомон кезар, басе  
Изҳор этиб бу гумбази даввор эҳтиёж.

Умру саломатию маошу беҳиштдур,  
Ҳар одамийға лозими бу чор эҳтиёж.

Зоҳидға ҳуру жаннату кавсар мурод эса,  
Ишқу муҳаббат аҳлиға дийдор эҳтиёж.

Нодим, сипосу шукр қил, изҳор айлама,  
Билгай худой, ҳеч кима зинҳор эҳтиёж.

\* \* \*

Илоҳи, бўлмасун ҳеч одамига ошно безгак,  
Мани бечорага кўп айлади жавру жафо безгак.

На бедоду ситамдур ҳар кеча тутса тонг отгунча,  
Киши кўрган эмасдур мунча золим беҳаё безгак.

Таним куйдурди, сабрим кетди, аҳволим хароб ўлди,  
Ўзидин ҳам баттарроқ дардга бўлғай мубтало безгак.

Дилу жонимда осори фароғат қолмади ҳаргиз,  
Худовандо, қачон бўлғай бу жисмимдин жудо безгак.

Нашоту айшу роҳат кетди, дард ила алам етди,  
Бу жисми нотавонимға қадам келтурди то безгак.

Жаҳон танг ўлди, олам бу жафожӯ ҳамнишинимдин,  
Тўюндим жондин эмди, ман турай бу ерда ё безгак!

Тилар ҳар дардким бордур паноҳ оламда безгакдин  
Ювулсин оти, лавҳи кавндин бўлсун фано безгак.

Агар тушса қўлумға тийғ тортиб қаҳру кийн бирла,  
Кесиб қўлу оёғин айласам бедаступо безгак.

Баҳаққи анбиё тарки жафою зулму бедод эт,  
Гўйқ эрса ҳаққа илкингдин бўлурман додхоҳ, безгак.

Видоъ айлаб агар кетсанг, кўруб бу ҳолу зоримни,  
Чу жоним борича айлай сени дойим дуо, безгак.

Агар бу илтижою илтимосим бирла кетмассан,  
Қиёмат кун муazzаб бунда бўлғил бенаво, безгак.

Бу дарду меҳнатиким тортаман сандин иложим йўқ,  
Нечукким ҳақ таолодин эрур бўлдим ризо, безгак.

Қилурман шукрким, бир неъматидур жумла мўминға  
Демиш аҳли салаф куффорни журму хато, безгак.

Агарчандики қўпдур нафъи ухро бобида, лекин,  
Манға берди бу дунё ичра бафоят жазо, безгак.

Деди Нодим бу безгак зулми бедодин халойиққа,  
Илоҳо, қилмасун ҳеч кимсани ҳаргиз худо безгак.

## МУХАММАСЛАР

### Навоий ғазалига мухаммас

Токи савдодин думофим куйдуур хирмон иси,  
Чарх домонин тутар бу нолау афғон иси,  
Гунчадек қон этди дил бир Юсуфи Қанъон иси,  
Гар баҳор эл топса бўстондин гулурайхон иси,  
Келур ул райхон ила гулдин манга ҳижрон иси.

Махфили имконда ишратдин сабуий топмадим,  
Нашъайи кайфи бақодин тоза рўйи топмадим,  
Ушбу гулшан ичра ранги орзуйи топмадим,  
Менки бир гулдин жаҳон боғида бўйи топмадим,  
Найлайин қилса муаттар даҳрни бўстон иси.

Орзуйи васлидин кўнглумда юз минг можаро,  
Сурмасо кўзлар фироқидин бу жон мотамсаро,  
Зору маҳзунман, эрур бағрим яро, эй ошно,  
Лаъли ҳажринда ниҳон ашким сўзин ағёр аро,  
Деса бўлмаским келур бу навъ сўздин қон иси.

Қайси боғу дашт аро ул сарвиноз этди хиром,  
Сабзау гуллар унуб топди саботи мустадом,  
То дами маҳшар муаттар бўлғуси андин машом,  
Қайдаким жон бахш лаълидин Масеҳосо калом —  
Сўрди, ул ердин келур юз қарндин сўнг жон иси.

Эҳтиёжингдин худодин ўзга оғаҳ демаким,  
Тут қаноат домонин, сulton ила шаҳ демаким,

Мунъиму муҳсин ҳақиқатда сувалло демаким,  
Эй гадо, олам элиға шайъалиллаҳ демаким,  
Бу чамандин келмади ҳаргиз гули эҳсон иси.

Олами мадҳушдир ул зулфи анбар бўйига,  
Риштай жонлар эрур пайванд ҳар бир мўйига,  
Топшириб жон ила кўнглумни қади дилжўйига,  
Жон иси тутди жаҳонни, мен борурман кўйига,  
Ким тиласр эл жон иси, мен истарам жонон иси.

Лолаю гул бирла саҳрою чаман жаннат, намуд,  
Чекди сарви гул шоҳида қумрию булбул суруд,  
Гулситон ҳар баргидин Нодим фалак айлаб ҳусуд,  
Чун Навойига келур ҳижрон иси ҳар дам, не суд,  
Гар баҳор эл топса бўстондин гулу райҳон иси.

### **Махмур ғазалига мухаммас**

Дер сани манзалату қадрингга аҳсанта малак,  
Раъд ила барқ сани шавкату жоҳингга чафак,  
Гарчи одобдин эрмас сиза афсона демак,  
Эй жаҳондори зафар кавкаби даври фалак,  
Эшитинг қиссаи қишлоғи хароби Ҳафалак.

Камбағал жумла бу қишлоқ элини бандалари,  
Малаху, бургаю, бит, тошбақа, даррандалари,  
Заъфдин йўл юра олмас ҳама чаррандалари,  
Турфа қишлоғи жин урган ани паррандалари,  
Товуқу игначию, ўрдагу ғози — кафалак.

Ери шўр, аҳли қўтири, паст ҳаво иссиғ дам,  
Мутааэзизир юрмоқ ёғса агар қатраи нам,  
Қаламушдек қозибон ерни ётарлар беғам,  
Дари йўқ уйларини, банда баён, гар қилсам,  
Бир ката, икки ката, уч олачуқ, тўрт каталак.

Эртадин кечгача кетмон чопиб, иссиғда куюб,  
Емагайлар зофора, арпани нонига тўюб,  
Эру хотин талашиб қўлини кўлмак била юб,  
Ажириғ томирини келисида майда туюб,  
Қайнатиб кунда ичар, отини дерлар сумалак.

Бирини эгнида йиртиғ тўну, қўйлаклари тор,  
Томга таппи ёпадур (кўкси) очуғ, очу наҳор,  
Аралаш эркак ила модалари кунда қатор,

Гар таҳорат қилур ўлса сув тополмай ночор,  
Юзини қум била юб (қўлига) сурттар гувалак.

Ҳамаси мустаҳиқи садқаю эҳсону закот,  
Ярамай ишга ётар оч, на тирикдур на мамот,  
Келсалар ой ила йилда агар баҳри салот;  
Масжиди ертўла, бир эски қоронғу зулмот,  
Кўр қилур кирса киши кўзга уруб кўршапалак.

Кўчди бўйнига илиб эшаку отин ипини,  
Қочди кўзлаб Қоракўл, Балху, Бадахшон йўлини,  
Ушлашиб йиғлашибон бир-бирисини қўлини,  
Кеча ногаҳ эшитиб, шуҳрати тилло пулини,  
Ҳафалак қўрқусидин учди мисоли кафалак.

Шоҳким, бўлса дуогўйи Ажам бирла Араб,  
Ноумид ўлмас ани давлатидин аҳли талаб,  
Деди Нодим: бу шаҳаншоҳа қилиб тарки адаб,  
Кечса Махмурι учун шоҳ карамдин, не ажаб,  
Ҳафалак юртиға тушган пул агарчи лак-лак.

\* \* \*

Фам даштида бу оҳу овора экан мендек,  
Тоғу туз аро ёлғуз сайёра экан мендек,  
Қўз ёши равон, жисми кўп ёра экан мендек,  
Сайдинг қўябер, сайёд, бечора экан мендек,  
Фам тийғи била бағри садпора экан мендек.

Банд айламағил они, кўз ёшига раҳм айла,  
Саргаштаи ҳар води бу бошиға раҳм айла,  
Ҷўх жавру ситам қилма, бардошига раҳм айла,  
Сайдинг қўябер, сайёд, бечора экан мендек,  
Фам тийғи била бағри садпора экан мендек.

Кўп ҳоли забун эркан, афтодау дилхаста,  
Қўйғил они, то бўлғай авлодига пайваста,  
Бўлсун ғаму кулфатдин роҳат била вораста,  
Сайдинг қўябер, сайёд, бечора экан мендек,  
Фам тийғи била бағри садпора экан мендек.

Кўп қийнамаким, жисми домингда фигор ўлмиш,  
Ўз хайлидан айрилғач, маҳзуну низор ўлмиш,  
Минг дард ила ҳасратга илкингда дучор ўлмиш,  
Сайдинг қўябер, сайёд, бечора экан мендек,  
Фам тийғи била бағри садпора экан мендек.

Эрди бу Хўтан дашту тоғи била саҳроси  
Ушбу қора кўзларни ўйнар жойи маъвоси,  
Қўнглида эди мушкин соchlарни таманноси,

Сайдинг қўябер, сайёд, бечора экан мендек,  
Фам тийғи била бағри садпора экан мендек.

Домингни гирифтори ўз ҳолиға ҳайрондур,  
Бошдин оёғи захму сандин юраги қондур,  
Бу зулму ситамлардин пайваста дарағондур,  
Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мендек,  
Фам тийғи била бағри садпора экан мендек.

Гуллар очилиб эмди айёми баҳор ўлди,  
Ҳақ раҳмати бу тоғу саҳрога нисор ўлди,  
Сарсабзи зумурратгун бегарду ғубор ўлди,  
Сайдинг қўябер, сайёд, бечора экан мендек,  
Фам тийғи била бағри садпора экан мендек.

Мажруҳ эрур жисми оё на кабоб ўлғай,  
Гар бўлса ҳам, аммо ул фарзанди хароб ўлғай,  
Ул икки қаро кўзлар йўлларда пуроб ўлғай,  
Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мендек,  
Фам тийғи била бағри садпора экан мендек.

Қесма они бошини, жонига ситам қилма,  
Бўйниға суруб тийфинг, роҳини адам қилма,  
Бу нахли ҳаётини раҳм айла, қалам қилма,  
Сайдинг қўябер, сайёд, бечора экан мендек,  
Фам тийғи била бағри садпора экан мендек.

Ўз ёру диёридан маҳжуру жудо бўлғон,  
Дарду ғаму ҳасратни кўп тортиб адо бўлғон,  
Вобастаи занжири бедоди бало бўлғон,  
Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мёндек,  
Фам тийғи била бағри садпора экан мендек.

Қўй ўйнасун ул оҳу ҳар водию төр узра,  
Ҳар бешаи сарсабзу анҳору булоқ узра,  
Лолаю гул очилған ҳар гулшану бօғ узра,  
Сайдинг қўябер, сайёд, бечора экан мендек,  
Фам тийғи била бағри садпора экан мендек.

Мажнуни биёбони исёну хато Нодим,  
Савдозадаи ишқи оҳу-ю Хито Нодим,  
Сайёди ажал бир кун етгай санга, ё Нодим,  
Сайдинг қўябер, сайёд, бечора экан мендек,  
Фам тийғи била бағри садпора экан мендек.

## **Мухаммаси Нодим ба аҳволи замон**

Бўлди авзои замона била даврон ғалати,  
Расм ойин ила атвори ҳар инсон ғалати,  
Муфтию, аъламу, қозию қаламдон ғалати,  
Кийиму лафзу ёзув, лампау шамдон ғалати,  
Лампау печкау курсио кайвон ғалати.

Кўчаю кўйда фанор равшану йўллар сангин,  
Беибо жумла тарантос ила избош нишин,  
Беҳаё кўчада бебок очиб элга жабин,  
Тенг ўлуб олим ила жоҳилу, ёлғон била чин,  
Бир-бirisига қилиб ҳар киши бўхтон ғалати.

Ёш йигитлар кезибон лафказ ҳар раста аро,  
Қўлида шишаи май, оғзида куфр ила наво,  
Хар каби ҳанграшибон шаҳрни айлаб ғавфо,  
Йўқ алар юзларида ҳеч дами шарму ҳаё,  
Бўлубон хар каби ўтгай ҳама хандон ғалати.

Эл этиб мансаб учун бир-бирига жангуталош,  
Ёрилиб фурсати сайловда кўп кўз ила қош,  
Берибон ришва бўлур қозию аллома тарош,  
Пул олиб макру ҳиял бирла қилур айшу маош,  
Бўлди аҳволи тамоми Намангон ғалати...

Баъзи даъво чўзилур неча ою неча йил,  
Муддай бирла бўлур хасми бу эҳмол ила сил,  
Муфтии можину суллоҳу вакил хайли далил,

Пулу молини қилур ғорат, ўзин зору залил,  
Тўлдуур ақча била киссаю ҳамён ғалати.

Халқقا тұхмату бўҳтону хусумат бисёр,  
Даъвии кизбу анонияту ифсад шиор,  
Ҳаққи мардумга қилиб зуъмлиғ ила инкор,  
Қизитиб маҳкамалар ичра дамодам бозор,  
Бўлди суллоҳу вакил зумраси шайтон ғалати.

Аҳли зиндиқу зино эгнида кимхобу самур,  
Остида абллаҳи хушгашту тараантосу кўчур,  
Баъзиси растаю шаҳр ичра бўлуб гоҳи жужур,  
Хамр ичиб, маст бўлуб, зоҳир этиб кибру ғуур,  
Фисқ жойиға бориб, бўлғуси меҳмон ғалати.

Сайланг элликбошиға одами доноладдин,  
Мунсиғу аҳли хирад кўнгли мусаффолардин,  
Содиқулқавлу расо, марди тавонолардин,  
На гадо табъи жафокор ҳаюлолардин,  
Гар ёмон сизга бўлур дод ила армон ғалати.

Саъй этинг, мингбоши то соҳиби эҳсон бўлғай,  
Халқقا марҳамату лутфи фаровон бўлғай,  
Фуқаропарвару одил, ўзи чаққон бўлғай,  
Юртнинг аҳли била бир тану бир жон бўлғай,  
Бўлса ҳайрот тарийқида шитобон ғалати.

Ахтаринг қозига бир аҳли диёнат бўлсун,  
Олиму хўб боинсоғу фатонат бўлсун,  
Элга анфоси ани субҳи саодат бўлсун,  
Наки бир омии сармашқи залолат бўлсун,  
Токи бўлманг, фуқаро асрү пушаймон ғалати.

Топсангиз яхши киши, қўймай амалдор қилинг,  
Шаръи бўстонин ани даврида саршор қилинг,  
Мадад айланг ишига, лутф ила исор қилинг,  
Гардани жонга ани сўзини тумор қилинг,  
Сизга то бўлғуси ул яхши нигаҳбон ғалати.

Оҳ, афсуски, бундоғ кишини ахтармай,  
Яхши инсофлик одамни бу мансабға демай,  
Порау ришва олиб сайлагани бир чигатай,

Хўмгўзал, гунгу саранг аблаҳу нодон мамай,  
Кўрмаган бўйла киши дийдаи даврон ғалати.

Йифилиб бир неча жаллоби шарорат пеша,  
Кам этиб жангда олур пахтани беандеша,  
Беху бунёду диёнатга урубон теша,  
Қолмайин зарраи инсоф алардин решা,  
Қилдилар дину диёнатга нуқсон ғалати.

Аҳли дўкону саро фикри ҳаво бирла ҳавас,  
Доми бу зийнат ила зеби жаҳонга побас,  
Зикри савдои Қизилжар била Маскову Адас,  
Охират амрини ёд айламайин ҳеч нафас,  
Айлади мўътақиди шаръини вайрон ғалати.

Яхши от узра миниб саллани харротий қилиб,  
Сўфии харкалла бас орқаю олдида елиб,  
Гоҳ мастона бўлуб, ҳар қадамида йиқилиб,  
Ўзин ул хомтамаъ муршиду аллома билиб,  
Бузди оламни солиб шўришу тўфон ғалати...

Бу мухаммаслар эрур гарчи маонидин дур,  
Бир ҳикоят эрур халқни айлар масрур.  
Бўлса гар зумраи аҳбобга ногаҳ манзур,  
Этмагай Нодими маҳзунни дуодан маҳжур,  
Умрини зое этиб, айлади хусрон ғалати.

\* \* \*

Экмак экин кўмаксиз, эй дўстлар, гумонда,  
Онборинг ичра ғалла кўп бўлса, ақча ёнда,  
Анқони тухмидур бу муҳтожи нотавонда,  
Осон эмас, биродар, деҳқончилик жаҳонда,  
Харжию зўр болу даркор ҳар замонда.

Ҳарёна совуурсан қўлда на бўлса мавжуд,  
Жонингни ўртагайсан меҳнат ўтиға чун уд,  
Аҳлу аёл барча бошдин-оёқ кир-олуд,  
Қўшу аробау от, ағдармау тараддуд,  
Тишу омоч-тиркиш, авқоти чарчагонда.

Кўп жусту-жў керакдур деҳқончилик ишига,  
Езида ер пишигач, гўнг тошигай қишига,  
Қолгай неча замонлар оламни ташвишига,  
Буғдой дема осон ҳосил бўлур кишига,  
Гаҳ йилда бўлмай ул ҳам, деҳқон қолур зиёнда.

Экмакка пахта тухмин кўп боғлар бузулди,  
Саҳроу даштларда ҳангомалар қўзулди,  
Бир неча сарою ҳовли чигитга тўлди,  
Бу пахтаи амиркон нархи зиёда бўлди,  
Мундин бўлак амал йўқ яхши била ёмонда.

Фаллотларга бўлди нархи баҳода фойиқ,  
Кўп одам экди пахта ўз қувватига лойиқ,  
Бу йўлда сарф айлаб илгидаги алойиқ,

Ёмғири бемаҳалдан қўрқиб ҳама ҳалойик,  
Қиши эрта тушмагай деб кўзлари осмонда.

Бир неча камбағаллар авқотин ўтқузолмай,  
Қишилик маошларини асбобини тузолмай,  
Ҳар кимсадин олиб пул, мингдин бирин узолмай,  
Пахтага пул кўториб, вақтида етқузолмай,  
Орқасидин маҳосил, дехқончилик товонда.

Хўкузлари похол дер, қўшчиси ош ила нон,  
Нақдина йўқ қўлида, бисёр дил паришон,  
Юз минг хаёл бирла дармонда у харосон,  
Онбор пулию ўлпон бағрини айлабон қон,  
Кўрқуб, чўчуб тушодур туш кўрса ухлагонда.

Деб пахта сарф айлар ерга ҳама кучу зўр,  
Тиккай чигит жўякка, бошида юз туман шўр,  
Ез ҳам ўтуб бородур, деб бўлмағай туротур,  
Кўсаклари очилмай урди бу қору ёмғур,  
Хайрон бири бу ишдин, нафъ олмоғи гумонда.

Ҳар сийнаға тўлубдур савдосидин таманно,  
Саҳроу шаҳрларда бисёр шўру ғавғо,  
Зикр ила фикри пахта, ҳеч йўқ ёди мавло,  
Ваҳмим ҳарифларидин шул кун дегай мабодо,  
Гўр ичра «пахта-пахта», «манраббика?» дегонда...

Кўп такя айлагонлар дунёйи бевағога,  
Синдию парча-парча бўлди қолиб балога,  
Ҳолини танг қилгач пулдор олиб арога,  
Баъзиси қочди Қашғар, баъзиси Олматога,  
Баъзини кўрди мардум Афғону Бомиёнда.

Бозор кўп кишининг айшини қилди барҳам,  
Бори-йўғини берди кўрдингми, қанча одам?  
Ҳар раста ичра элдин топти шикаст кам-кам  
Баззозу чойфурушлик-мушкил бу иккиси ҳам,  
Кўплар синиб туганди моли қолиб жавонда.

Синмак бу кеча-кундуз кўп элга ом бўлди,  
Тужжорларни субҳи ғам бирла шом бўлди,  
Тўкулиб обрўси бенангуда ном бўлди,

Масковчи бирла девкор —бу ҳам тамом бўлди,  
Синганни йўқ ҳисоби Ҳўқанду Андижонда.

Елғуз ўзум деганлар тоғлар ошиб юрубдур,  
Ёшин чу абри борон тинмай сочиб юрубдур,  
Расволик илки бирла кетин очиб юрубдур,  
Ёрмаҳд бирла Виктор пинҳон қочиб юрубдур.  
Ҳаргиз булар топилмас дунёни излагонда...

Фаввос то пишилмас сувга олурми гавҳар?  
Роҳат жафоу меҳнат чекмай эмас муюссар,  
То нофа бўлмайин хун ҳаргиз бўлурми анбар?  
Алқисса, ҳеч бир иш осон эмас, биродар,  
Бекулфату машаққатроҳат санга қаёнда?!

То ҳақ иноят этмай, етмас қўлингга давлат,  
Лекин умид бирла ҳар кимса чекса заҳмат,  
Ё олим ўлғай охир, ёким бир аҳли санъат,  
Ҳар бир ҳунарга бордур мушкил басе машаққат,  
Бе ранж муфт давлат — бор элга ногаҳонда.

Элни асир кўрдум дунёни ташвишига,  
Босмас фароғат ила бир парча нонтишига,  
Саргаштай жаҳондур ёзи била қишига,  
Машғули жумла олам ўз нафсининг ишига.  
Фикри танур ичинда, андишаси қозонда...

Холи эмас хавониқ сар ҳалқаси риёдин,  
Тазвиру ҳийла нақшин кашф этди бурёдин,  
Мақсади молу зардур азкору инзуводин,  
Бўйини топмадим ман бир фақр ила фанодин,  
Кўп сўфиларни кўрдим икки кўзи шилонда...

Эй Нодими камина, токай сенга бу ғафлат,  
Ногоҳ марг етгай бу умрдур ғанимат,  
Айёми навжувонлиғ ҳайф ўтди яхши фурсат,  
Эндики пири бўлдинг, йўқдур мадору қувват,  
Тоат қилурға ҳаргиз бу жисми нотавонда.

\* \* \*

Гар подشاҳи тамоми кишвар,  
Хуршид лиқоу тож барсар,  
Соҳиб ҳашаму ливоу ханжар,  
Дороу Фаридуну Скандар,  
Мақсуди аларни сийму зардур.

Ул зумраки зўр паҳлавондур,  
Ҳар жангда тийғи хунфишондур,  
Ғайратда шажеу арслондур,  
Ханжарлари тезу жонситондур,  
Мақсуди аларни сийму зардур.

Ул шайхларики бериёдур,  
Сажжодада соҳиби ридодур,  
Жаҳрию хужаста порсодур,  
Қўн халқларга пиру пешводур,  
Мақсуди аларни сийму зардур,

Қуззодки, шарънинг амири,  
Дин чархини бир маҳи мунири,  
Мазлуму шикаста дастгири,  
Минг хавфу хатар миҳан асири,  
Мақсуди аларни сийму зардур.

Муфтики қаламкаши замона,  
Тун-кун они жойи қозихона,  
Хат битмоқ аларга жовидона,

Ижрои шариати баҳона,  
Мақсуди аларни сийму зардур,

Ҳар аҳли мударрису муаллим,  
Айлар ҳама элга дарс таълим,  
Е аҳли ҳакиму ё мунажжим,  
Бордур бу замона ичра, билким,  
Мақсуди аларни сийму зардур.

Савдогари ашрафи жаҳонгард,  
Қилғон ватанини қўнглига сард,  
Рұксораси фикр бобидин зард  
Ташвиш ила умри ғусса парвард,  
Мақсуди аларни сийму зардур.

Бу жумла саронишин дўкондор,  
Саррофу саҳобу аҳли нажжор,  
Бу пахтачию тарозубардор,  
Ҳар касбиким даҳр аро бор,  
Мақсуди аларни сийму зардур,

Ҳар сарв қадеки дилрабодур,  
Даҳр аҳлиға оғату балодур,  
Киприклари ўқу қоши ёдур,  
Шерозаи базми хуш адодур,  
Мақсуди аларни сийму зардур.

Мутрибки эрур басе хуш илхон,  
Лаҳнида олур кўнгул, берур жон,  
То субҳи суруд этар фаровон,  
Элдин олибон саботу сомон,  
Мақсуди аларни сийму зардур.

Созандай дилнавозким бор,  
Қонун ила қўлга олса сетор,  
Бўлғай нағамотлар падидор,  
Таъсирида сеҳрдур намудор,  
Мақсуди аларни сийму зардур.

Ул жамъи мусофири паришон,  
Автон ғамидан жигарлари қон,  
Ошифта дилу, асири ҳижрон,  
Фурбатда наҳийф ўлуб, чекиб жон,  
Мақсуди аларни сийму зардур.

Деҳқон эли айлагай зироат,  
Тун-кун чекибон жафоу меҳнат,  
Сарф айлаб анга куч ила қувват,  
Бу ҳирфадин, эй завил басорат,  
Мақсуди аларни сийму зардур.

Саҳрони кезар ҳамиша сайёд,  
Сайд айламак анга бўлди мұътод,  
Гаҳ төғ узадур мисоли Фарҳод,  
Бу саъиларидин, эй инаку зод,  
Мақсуди аларни сийму зардур.

Шаҳларки жаҳонни айлагай танг,  
Бир-бирига қилиб ситеz ила жанг,  
Юргай неча мийлу неча фарсанг,  
Қилмай бу юришда ном ила наңг,  
Мақсуди аларни сийму зардур.

Бир зумрани халқ дер қаландар,  
Қезгай ҳама ҳол баҳр ила бар,  
Илгида асоу хирқа дарбар,  
Эй дўст, билингки, билмуқаррар,  
Мақсуди аларни сийму зардур.

## **МАҚТУБИ МУҲАББАТ УСЛУБ**

Аё боғи умримда битган ниҳол,  
Кўзум чашмаси бирла топган камол,  
Дилим қуввати-ю, уйим зийнати,  
Кўзум нури, ёлғуз бошим давлати,  
Дуогўйи бу мустаманди гариб,  
Ризожўи афтодаи бенасиб,  
Муҳаббат жаҳонида бир тоза боғ,  
Мани рўзгоримда ёнган чироғ.  
Даме бермаган хотиримга малол,  
Тавозуъдин айлаб қадин мисли дол,  
Қаноат қилиб ҳарна бергонима.  
Қилиб эътиимод аҳду паймонима,  
Мени айлаган эл аро аржуманд,  
Қилиб рўзгорими қадрин баланд,  
Боқиб жумла фарзандими субҳу шом,  
Тутуб гўшай уйда дойим мақом,  
Саранжом этиб ишни шод айлаган,  
Неча мушкулимни күшод айлаган.  
Сенга, эй вафодор ёrim, салом,  
Гуландоми гулгун узорим, салом.  
Салом, эй мен хастанинг ҳамдами,  
Салом, эй ҳарими кўигул маҳрами.  
Ҳама нури чашму ақрабоға салом,  
Ағо-инио ошнога салом.  
Салому таҳиёт адо айлабон,  
Қилай ҳасби ҳолимши бир-бир баён:  
Танимиз эрур сог, юз шукрким,  
Фароғатдадурмиз, ҳамиша салим,

Етиб ҳар диёр аҳлидин шодлиғ,  
 Бузулган кўнгулларга ободлиғ,  
 Саёҳат ишим, гоҳ сайри чаман,  
 Дамо-дам зиёфат, гаҳи анжуман,  
 Кўруб төглар узра ёмғуру қор,  
 Булардин ўтуб чун насими баҳор,  
 Гаҳи дашт ила кўҳсор узра ман,  
 Гаҳи чашмау марғзор узра ман.  
 Тамомиси сарсабзу шодобу тар,  
 Раёхину анвои гул сарбасар.  
 Оқиб чашмалар ишқ әли ёшидек,  
 Унуб лола анда ақиқ тошидек.  
 Етиб энди, алқисса, биз бенаво,  
 Турубмиз бу ердаки—Авлиёто.  
 Ажаб жою хушфайзу осор экан,  
 Баланду фараҳбахш кўҳсор экан.  
 Суви оби кавсар каби оқ эрур,  
 Ичган кимсага таъми шакар берур.  
 Эрур ғарбу шарқу жанубида тоғ,  
 Ҳама сабзау настарину булоқ.  
 Элотия атрофида беҳисоб,  
 Таомининг бойвучаси бениқоб.  
 Ўти сийнадин, молу коли фузун,  
 Қелур эмчагидин сути чун қуюн,  
 Соғарлар соғин ҳар куни тўрт йўл,  
 Қадам-барқадам ҳайма бирла овлу,  
 Қимиз, сув-масаллиқ ичар мардуми,  
 Бўлур наҳру дарё қуялса ками.  
 Сутининг тамомийси қаймоқ эрур,  
 Кинни ичса таъми сариёғ эрур.  
 Йуо бирла ёзди бу Нодим салом,  
 Сўзум кўп эрди, қисқа қилдим калом.\*



\* Бу хатни Нодим 1890 йилда Авлиёотадан ўз рафиқасига ёзган.





# НИЁЗИЙ







# 9

таниёз Охун — Ниёзий 1844 йилда Хоразм область Шовоғ район Бўйрачи қишлоғида дечқон оиласида туғилган.

Ниёзий илк билимини ўз қишлоғида олиб, кейинчалик Хиванинг Арабхон мадрасасига келади. Бу ерда ўн саккиз йил истиқомат қилади. Араб, форс тилларини яхши эгаллади, математика ва астрономия фанларини қизиқиб ўрганади.

Отаниёз ёшлик чоғлариданоқ поэзияни севиб қолади. Ўзбек адабиёти, шунингдек, Шарқ классиклари асарларини меҳр билан ўрганади. Тез фурсатда «Ниёзий» тахаллуси билан шеърлар ёза бошлайди.

Ниёзий умрининг охирига қадар ижод этишни давом этдиради.

Шоир ўз ижодида даврининг муҳим социал масалаларини, кишиларнинг шахсий ҳис-туйғуларини чуқур мазмун ва юксак санъат билан акс этдиради. У ўз замонини гамхона деб рад этади ва хоксор қилинган халқнинг дард ҳамда қайгусини чекади, дод-фарёдини ифодалайди, золим ва боёнларни кескин танқид остига олади.

Отаниёз уста каллиграф ҳам бўлган. Хон топширигига биноан ва ўз истаги бўйича ўзбек классик адабиёти ва шарқ халқлари адабиётида бўлган яхши асарлардан бир қанчасини кўчирган. Жумладан, Хоразмдаги «Мажмуатуш шуаро»нинг литографик нусхаси Ниёзий томонидан кўчирилган нусхадан босилган. Ниёзий бир қанча вақт Хива мадрасаларида мударрислик қилган ва 1928 йилда (84 ёшида) вафот этган.

Ниёзий ўзининг баракали ижоди билан XIX аср ўзбек адабиёти тарихига каттагина ҳисса қўшган. Унинг бизгача иккита мукаммал девони етиб келган бўлиб, бу-

ларда шоирнинг ғазал, мухаммас, мусаддас, маснавий, тарих ва бошқа жанрларда ёзган шеърлари тўпланган.

Бу девонлар Ўзбекистон Фанлар академияси Биурний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги 793, 902 инв. номерлар билан сақланмоқда.

Бундан ташқари шоирнинг ғазаллари айрим баёзларда ҳам учрайди.

Шу китобда келтирилган намуналар шоирнинг ўғли Комилжон Отаниёзовнинг қўлида бўлган Ниёзийнинг ўз қўлёзмаси ва юқорида кўрсатилган девонлардан олинди.



## ФАЗАЛЛАР

M

\* \* \*

манзурим ўлди бир гўзал, эй дил, букун гулзор аро,  
Хусн ичра якто, мабдаи ҳилму адаб, кони ҳаё.

Гулбунға гуллар ул замон қилди муборакбодлик,  
Ҳам таҳния оҳангизда булбуллар этгандек садо.

Хўбларға султон бўлмоқи шаъниға ансабдур басе,  
Ким билдилар ҳукмин карам фармонини кулфатзадо.

Бу турфадурким топмади истаб назирии ишқ эли,  
Гўёки чекмиш бебадал сурат анга килки қазо.

Меҳри жамоли тальяти ҳусн осмони узрадур.  
Ишқ олами ҳар кун топар онинг шуоидин зиё.

Дайри фаноға қилдилар зуҳд аҳли масжиддин ружуъ,  
Маҳбуб васли анда деб гўё эшиитмишлар нидо.

Ишқиға бўлса мубтало ҳар ким Ниёзийдек анинг,  
Кўргай фироқи даштида ҳар лаҳза юз турлук бало.

\* \* \*

Кўнглим ичра тушди ўт ўтлиғ узоринг бир кўруб,  
Раҳм қилмассан фироқинг заҳматин кўб еткуруб.

Доим ишқингга асир ўлғонлиғим билдинг, ва лек—  
Келмадинг кулбам сориға лутф этиб, ҳолим сўруб.

Тан уйига солди ҳижронинг басе ўт, оҳким,  
Қетди сўндиранг висолинг чашмасидин сув уруб.

Лабларинг лаълин кўнгул ичра ниҳони фикр этиб,  
Шуълаи шавқи била бағрим кул этдим куйдуруб.

Гарчи жисмим байтул-аҳзонимда эрди мустақим,  
Жони зорим даргаҳингда турса, тонг йўқ, телмуруб.

Фақр-ажзин туҳфа қилмоқға кўнгул кўйинг сари,  
Қилди оҳанг, эмди етгай гаҳ йиқилса, гаҳ туруб.

Даргаҳинг тавфи Ниёзийға қачон бўлгай насиб,  
Дашти ҳижронинг ичиди тинмайин йўртуб юруб.

\* \* \*

Дедим: мени бир ларзаи ҳажрингда қўйма титратиб,  
Дедики: қўйғум рашк ўтин кўнглунгда эмди ўртатиб.

Дедим: тараҳҳум айлагил атрофим олди хайли ғам,  
Деди: алардур мунисинг танҳо қолурсан тарқатиб.

Дедим: дариф этма манга саҳбои васлинг журъасин:  
Деди: кетар ҳушу, хирад, неткунг аларни тебратиб.

Дедим: жафоу жаврдин озурда бўлмасму дилинг,  
Деди: демакка бошладинг ҳар сўз забонинг ўргатиб.

Дедим: қилурсан зулму кийин, журмим на эркан  
билмадим,  
Дедики: ишқинг сиррини фош эттинг, элга англатиб.

Дедим: келурдин кўйингга, комим рикобинг бўсидур,  
Дедики: эмди келмагил, келсанг юборгум қавлатиб.

Дедим: Ниёзий хотирин ҳаргиз паришон қилмагил,  
Деди: фироқ андуҳидин ўлтургум они интратиб.

\* \* \*

Эй, солиб меҳри жамолинг чашми хунборимға ўт,  
Ахгари шавқин урубдур жони беморимға ўт.

Тийғи ҳажрингдин етуштан заҳмларда қон эмас,  
Гўйё бу тийғ солмиш жисми афгоримға ўт.

Оразингнинг оташи бир турфа машъал ўтидур,  
Ким тушар парвонадек андин дили зоримға ўт.

Сақламоқ ишқингни пинҳон жон аро душворким,  
Шуълаи оҳим солур ҳар дам йўқ боримға ўт.

Субҳи васлингда узоринг меҳри гар қилса тулувъ,  
Зоҳир ўлғай фурқатинг ичра шаби коримға ўт.

Лабларингнинг ҳасрати тан кулбасин ёқди тамом,  
Кўзларинг, бас, солди жони меҳнат осоримға ўт.

Эй пари пайқар, Ниёзий қайдга сокин бўлғуси  
Ким, солибдур фурқатинг ҳомуну кўҳсоримға ўт.

\* \* \*

Маю майхонадин ман нотавонни манъ этар зоҳид,  
Магар файзи илоҳий борига, бу иккода жоҳид.

Вараъ аҳлиға жаннат ичра бўлсун ҳур ила кавсар,  
Манга дайр ичра саҳбо бас эрур, тутғай ани шоҳид.

Бўлур маҳбуб қоши олдида мажнун кўнгул манкуб,  
Анингдекким, жунун аҳли бўлур меҳроб аро сожид.

Жаҳон шавқи аро беҳуда истарсан вафо, эй дил,  
Бу бозор ичра билгил ул матоъ асрү эрур қосид.

Ҳама ишқ аҳли бўлса муттафиқ бардошт бермаслар,  
Муҳаббат бориғаким онча бўлмишдур манга ворид.

Тараҳум қилмоқин дунё арусидин тамаъ қилмоқ,  
Хаёледурки, зиллат мужиби бўлғай даги фосид.

Назар қилмас нисор этмак учун маъшуқ аёқиға,  
Дилу жон бирла дин нақдин муҳайё қилса ҳар нокид.

Инониятни қўй, эй нафс, аслинг тийра туфроқдур.  
Ададсиз умр кўрсанг, ложарам бўлғунг анга оид.

Ниёзий, чарх золин ақд қилғонлар ҳама борди,  
Талоқ эткил ани бўлсанг агар ўз нафсингга оқид.

\* \* \*

Лабларингнинг шарбатидур оби ҳайвондин алаз,  
Оби ҳайвон демайинким, бал эрур жондин алаз.

Қуфри зулфинг ишқ әлининг коми бўлди негаким,  
Шаҳдин онинг кўрмиш онлар шаҳди иймондин алаз.

Қўзларинг иймосидин лаззат етар дилларғаким,  
Рамзиға лаззат рамзуи чашми хубондин алаз.

Дарди ишқингдин ўлум ҳолига етгонларғадур,  
Нутқи жонбахшинг Масеҳ анфоси даврондин алаз.

Васл умиди бирла бўлғон фурқатинг ушшоқ аро,  
Ноумидликдан етишган доғи хирмондин алаз.

Зулмати ҳижронда қолғонларғадур шамъи руҳинг,  
Дарҳақиқат, юз туман шамъи шабистондин алаз.

Хотирингдин маҳв қилма бир даме маҳбубни,  
Эй Ниёзий, ёр ёди зикри сultonдин алаз.

\* \* \*

Битмайин дунё арусидин муроду комимиз,  
Не тақаррур дашт аро, не шаҳр аро оромимиз.

Не ибодат масдаримиз, не саховат мазҳари,  
Бир киши йўқум сурурига сабаб инъомимиз.

Билмади ҳилму адаб ҳаргиз шиорим эл аро,  
Кимса кўргандур замоне иззату икромимиз.

Қайда дониш қалбимиздур жаҳл нақдин маҳзани,  
Не ажаб топса жаҳолат ичра шуҳрат номимиз.

Ложарам кирдик фано дайрига, бўлдуқ майпараст,  
Дайр аро пири муғоннинг турфа дурд ошомимиз.

Майдин этмас машъ агар аҳли вараъ ҳушёрдур,  
Бодаким гам мусқати гитинамодур жомимиз.

Эй Ниёзий, сайд этарға васл ваҳшийисин кўруб,  
Қилмади беҳуда макру ҳийламиздин домимиз.

\* \* \*

Муҳаббат даштиға раҳбарсиз урғондек қадам ёлғуз,  
Кўрарман даҳри дундин дам-бадам зулму ситам ёлғуз.

Тараб ишратгаҳида бўлмоқимни орзу айлаб,  
Дами йўқ кўрмаганман зорға ранжу алам ёлғуз.

Фано бўлмай фазои ишқ аро кирган қиши янглиғ,  
Замон ўтмас мани маҳзунға етмай дарду ғам ёлғуз.

Эмасдур хублар султонини севмак манинг ҳаддим,  
На мумкиндур тадоға бу сифат урмоқға дам ёлғуз.

Хиёнат зоҳир этди чархи қажрафтор ҳар соат,  
Қачон бағримни қилмай қон қилур кўзларда нам ёлғуз.

Етишмай дарду ғам, ранжу алам зулму ситам ҳар дам,  
Манга, оё, етарму даҳр шўхидин карам ёлғуз.

Ниёзий айлагил аъмоли солиҳ ҳарна мумкиндур.  
Умид эт, кетмагайсан ногаҳон мулки адам ёлғуз.

\* \* \*

Ман ҳазинни, дўстлар, сайр ичра йўлдош айлангиз,  
Ким грифт ўлмиш димоғим, базм аро бош айлангиз.

Иттифоқи қилсангиз ҳар ерга ташрифи қудум,  
Ҳамроҳингиз айлабон асрорингиз фош айлангиз.

Гарчи адноман манга зиллатни нисбат бермайин,  
Чокарингиз бўлғали ўртада қаллош айлангиз.

Ҳар қусури содир ўлса айб-қилманглар мани,  
Қўзларимда, панд бермақлиқ била, ёш айлангиз,

Тушсангиз маъшуқ кўйи итлари ўртосига,  
Анда онлар туъмасига жисмими лош айлангиз.

Ишқ сиррин англамас бўлсам агар мажлис аро,  
Англатурға рамзни, албатта, сирдош айлангиз.

Гар жунун ортар Ниёзийға тани урёнига,  
Отқоли сангি фалохунни қатиғ тош айлангиз.

\* \* \*

Фалак, нетдим сани, комимча даврон қилмадинг ҳаргиз,  
Дами йўқим юрак бағрим тўлуғ қон қилмадинг ҳаргиз.

Наким мақсадим эрди айлабон ондин мани маҳрум,  
Замони бормидур чашмимни гирён қилмадинг ҳаргиз.

Гуруҳи ғам таҳассур хайли кўнглум кишварин олди,  
Бу кишварда фараҳ шоҳини меҳмон қилмадинг ҳаргиз.

Ажалнинг бистариға дарди меҳнат йиқди жисмимни,  
Мунга гарчи шууринг бўлди, дармон қилмадинг ҳаргиз.

Замона аҳлидин ўтлув ситам ҳар дамда еткурдинг,  
Топилмас муддате бағримни гирён қилмадинг ҳаргиз.

Эмасму мунча бас бир дилрабо ишқида зор айлаб,  
Замон борму асири дарди ҳижрон қилмадинг ҳаргиз.

Мани бегона қилдинг ақлу диндин аҳли ишқ ичра,  
Киши бормуки дин мулкини вайрон қилмадинг ҳаргиз.

Ниёзий ложарам дашти адамни илтизом этди,  
Нединким йўқ киши, ер бирла яксон қилмадинг ҳаргиз.

\* \* \*

Зиндалик сури мамоти кулфатига арзимас,  
Асру роҳат жонға назъи меҳнатига арзимас.

Айш агар имкондин ортуқдур вале айш аҳлиға  
Даҳр аро чеккан замони ҳасратига арзимас.

Ҳаддин афзун сайд бордур кимсагаким, даврдин  
Бир дами етган малоли усратегига арзимас.

Эй кўнгул дунё арусидин муродинг орзу  
Қилмагил, васли балои фурқатига арзимас.

Ишрат асбобин тамаъ бирла муҳайё айламак  
Лозими жаннат, валекин зиллатига арзимас.

Қилмагил равшан замирингни сирожи ҳирсдин,  
Эй Ниёзий, ул надомат зулматига арзимас.

\* \* \*

Дил аҳли дилбаридин ўзга ҳикоят этмас,  
Ҳар неча зулм еткач, андин ҳикоят этмас.

Ўз маҳвашидин айру маҳвашлар илтифотин,  
Гар кўрса ҳаддин афзун, ҳаргиз сироят этмас.

Чин ошиқ ул эрурким, маъшуқдин егушса  
Ранжу алам ададсиз, шавқин ниҳоят этмас.

Ҳар навъ бўлса қилғай маҳбубининг ризосин,  
Ўзга ҳабибларнинг васлин риоят этмас.

Қўнгли рамида бўлмай ҳижрон ғамин чекардин,  
Қўйидин ўзга ерга, асло, ҳидоят этмас.

Ужбу риё музирдур, эй шайх, таркин этгил,  
Йўқ эрса ёр қурбин лутфу иноят этмас.

Васл аҳли даргаҳидин қувмаңг Ниёзийниким,  
Ўз ҳолин онглагандур эмди жиноят этмас.

\* \* \*

Хонақоҳ ичра кириб ҳар жеча ғавғо қилди шайх,  
Сода дил бечораларни асру расво қилди шайх,

Чину ёлғонин каромат англағон элни мурид  
Айлабон, суфи деб ахлоқига шайдо қилди шайх.

Гарчи феъли зишт эди, макр айлабон, атрофида  
Неча нодонларни ўз таврида пайдо қилди шайх.

Жаҳри зикри ушбу деб, бу барчаға таълим учун,  
Лафзи қайнин оғзидин ҳар лаҳза ифшо қилди шайх.

Ҳар дами фарёд этиб, секреб, қоқиб ангиштларин,  
Ҳалқада чандин мушаъбидлиқ ҳувайдо қилди шайх.

Ичкаридин тўқ чиқиб, хорижда ўзни рўза деб,  
Кизб ила ўз жонига зулмини амдо қилди шайх.

Дайр пирининг иродат бирла бўлғил бандаси,  
Ким улусдин моли дунёни таманно қилди шайх.

Истасанг хомушлиқ дайр ичра кир, эй аҳли хуш,  
Кўрки ҳардам хонақоҳ ичра алола қилди шайх.

Шукри борий, эй Ниёзий, манъ этиб майдин мани,  
Бил ахир, сажжодасини раҳни саҳбо қилди шайх.

\* \* \*

Кўрубдур кимса эл бедодидин озор, ман янглиф,  
Лакадкўб замондин, ким экан безор, ман янглиф.

Фалакнинг зулмидин йўқтур манга осуда ҳол ўлмоқ,  
Киши бормуки қилсам дардими изҳор, ман янглиф.

Етиб осийби даврон нотавон кўнглим эрур мажруҳ,  
Топилмас дилшикаста даҳр аро бемор, ман янглиф.

Ҳаводис шаҳнаси торож қилди хонумонимни,  
Магар ул топмади яғмоға фақр осор, ман янглиф.

На хушдур улки кўрмай аҳли давроннинг жафосини,  
Замон ўткарса бўлмай кўзлари хунбор, ман янглиф.

Харош этса тонг эрмас оҳу зорим кўкниким, қилди,  
Балият тоши кимнинг кўксини афгор, ман янглиф.

Ниёзий, оқил эрсанг қатъ этиб элдин маошингни,  
Ўзингни анжуманға солмагил зинҳор, ман янглиф.

\* \* \*

Дилбарим қылса не айлай майли ағёр, эй рафиқ,  
Рашк тийғидин қилиб кўксимни афгор, эй рафиқ.

Ул кўзи коғир париваш маҳжабину дилрабо,  
Еткуур жонимға ҳар дам жавру озор, эй рафиқ.

Кўргали мафтуни шайдоу асири бўлмишам,  
Ул парини кўрмагай эрдим мани зор, эй рафиқ.

Ул суманбўларни шоҳи кўргузуб расми ситам,  
Борҳо бўлғуси ағёр аҳлиға ёр, эй рафиқ.

То ул ойни кўргали рухсори оламтобини,  
Бўлмишам юз меҳнату ғамға сазовор, эй рафиқ.

Бўлмайин десанг агар олам аро хору залил,  
Қил ўзингга доимо яхшилиғ атвор, эй рафиқ.

Олди оромин Ниёзийнинг адou ноз ила,  
Бир пари рухсор ёру шўхи ғамхор, эй рафиқ.

\* \* \*

Дарду ғам шикаста бошим узра ғавғо қилдило,  
Олди атрофим жунун хайли алоло қилдило.

Оҳқим, онлар муҳаббат олами ичра мани,  
Аҳли ишқ ўртоларида асру расво қилдило.

Қечалар маҳбуб фикри тонгғача ҳаддин<sup>\*</sup> фузун,  
Қисматим бўлдим қазо ишқ ичра шайдо қилдило.

Жони зоримни солиб оташгаҳи ичра фироқ,  
Коми ранжитмак экан сўзиш ҳувайдо қилдило.

Орзуи васл ҳар дам, дарди ҳижрон дам-бадам,  
Сабру ҳушим мулкини торожу яғмо қилдило.

Ишқ асрорини пинҳон сақлар эрдим найлайин,  
Чашми хунборим сиришки, элга ифшо қилдило.

Эй Ниёзий, ишқ ўтиға ёнмоқинг қилки казо  
Гўйё лавҳи замиринг узра иншо қилдило.

\* \* \*

Фироқинг шиддатидин субҳ ила шомимни билмасман,  
Шуурим бўлмайин жунбишға оромимни билмасман.

Не ман огоҳ эрурман хеш кимдур, ажнабий кимдур,  
Не исмиға аларнинг, балки ўз номимни билмасман.

Не етди ақлу ҳушим қайси жонибда эрур беҳбуд,  
Азимат қай тарафға, қайда иқдомимни билмасман.

Жунун андоғ иҳота айлади бу нотавонингни,  
Бараҳна ёки мастур эрди андомимни билмасман.

Не хористони фурқат, не гулиstonи висолингдур,  
Муродим маъмани, бу турфаким комимни билмасман.

Қаюдур хонаقاҳ, масжид қаюдур, дайр қайсидур,—  
Дебон кимдин сўрарни қайда онжомимни билмасман.

Ниёзий, сафҳаи ишқ ичра сабт этди неча сўзни,  
На сўз мазмуни маълумдуру арқомимни  
билмасман.

\* \* \*

Не тонг афғону зорим кўкка етса ёрдин айру,  
Анингдек нола булбул чекмаги гулзордин айру.

Хуморим бода ичмоқ бирла қайдин мандафиъ  
бўлсун,  
Маишатхона ичра кўзлари хумордин айру.

Не янглиғ маскани сайр ўлғусидур нотовон кўнглум,  
Ҳамиша фурқат ичра васл файз осордин айру.

Маҳалли ҳайрат эрмас оҳ-фарёдим фалак хавфин,  
Харош этса юзи хуршеддек дилдордин айру.

Эмас кўнглум банди хўбрўлар суҳбати ҳаргиз,  
Масехосо нағислиғ шаккарин гуфтордин айру.

Нечук топғай машомим боғ аро гул исидин роҳат,  
Гулосо ораз узра зулф анбарбордин айру.

Ҳазин тутма ўзингни ҳамнишин ағёр бўлди деб,  
Қачон гул бўлғусидур, эй Ниёзий, хордин айру.

\* \* \*

**Эй солиб меҳри жамолинг чашми хунборимға ўт,  
Ахгари шавқинг урубдур жони беморимға ўт.**

Тийғи ҳажрингда етушган захмларда қон эмас,  
Гўйё бу тийғ солмиш жисми афгоримға ўт.

Оразингнинг оташи бир турфа машъал ўтидур,  
Ким тушар парвонадек ондин дилозоримға ўт.

Сақламоқ ишқингни пинҳон жон аро душворким,  
Шуълаи оҳим солур ҳар дам йўқу боримға ўт.

Субҳи васлингда узоринг меҳри гар қилса тулувъ,  
Зоҳир ўлғай фурқатинг ичра шаби торимға ўт.

Лабларингни ҳасрати тан кулбасин ёқти тамом,  
Кўзларинг бас солди жони меҳнатосоримға ўт.

Эй пари пайкар, Ниёзий қайда сокин ўлғуси,  
Ким солибдур фурқатинг ҳомуну қўҳсоримға ўт.

\* \* \*

Сабоҳ пайки сабоҳ вақтида дилдоримни бедор эт,  
Манинг ҳоли низорим қўймайин олдида изҳор эт.

Тағофул шевалиғдур гульузорим ёнида зинҳор,  
Қилурда шарҳи ҳолим ўқсумай бир неча такрор эт.

Фироқим дардини айтурда манъ этса тақаллумдин,  
Мани маҳзун тарафдин маъзарат бобин намудор эт.

Үлар ҳолатға етдим, эй кўнгул, сан ҳам сабо бирлан  
Бориб ёниға ажзим бирла ўз ажзингға иқор эт.

Эмас бесабру беоромлик ишқ аҳли даъби деб,  
Итоб этса қасамёд айлабон, албатта, инкор эт.

Фано зарбафти била нақди динни туҳфаси айлаб,  
Ҳарими даргаҳида нолаи зорим падидор эт.

Ниёзий, сан, доғи жон тандадур, қўйига азм этгил,  
Бориб бу кўй аро қабринг учун бир ерии тайёр эт.

\* \* \*

Эй фалак, комимға юрмай, зоҳир этдинг эъвижож,  
Етмади сендин замирим ичра бир дам ибтиҳож.

Макр ила дунё арусиға мани домод этиб,  
Гарчи йўқдур хоҳишим ўртаға солдинг издивож.

Улки мақсадим эди андин баид айлаб мени,  
Кўрсатурсан нега кўз тутсам манга юз эҳтиёж.

Басталик солдинг тамоми корима зулм айлабон,  
Бир ишимга саҳв этиб, бермай хушомад инфириож.

Мунча бас эрмасу бир гулчеҳрани ишқи аро  
Нотавон кўнгулға солдинг изтиробу ихтилож.

Ҳажрида қилдинг басе бемор, ҳужжат истасанг,  
Чеҳраи зардим била заъфим қилурман эҳтижож.

Эй Ниёзий, шиква қилма чархи дундинки қазо,  
Дарду ғамға айламиш жисми хамирим имтизож.

\* \* \*

Воқиф ўл, эй жону кўнгул, жононингиз келмакчидур,  
Тонг йўқ десам, жононингиз ҳам жонингиз келмакчидур.

Неча висоли ваъдасин қилған ҳамон этган хилоф,  
Айлаб карам, ул ваъдаси ёлғонингиз келмакчидур.

Ииллар анинг ҳажри аро муштоқ эрурсиз кўргали,  
Бу дам сўрарға ҳолингиз сирдонингиз келмакчидур.

Омода айланг кўз уйин, мардум хабардор ўлмасин,  
Ағёрдин пинҳон ўлуб, меҳмонигиз келмакчидур.

Ҳажрида бемор айлабон ишқида зор этган басе,  
Бу тун шифобахш ўлгали дармонингиз келмакчидур.

Гулгун узори партави оламга солган рустахез,  
Исонафас, лаъли гуҳар афшонингиз келмакчидур.

Тил чек, Ниёзий, васфидин токи шуурсиз қолмағил,  
Ким кишвари ҳусн аҳлиға султонингиз келмакчидур.

\* \* \*

Нигоро, мен нетай фирмавсай файзосорни сенсиз,  
Фародис ичра андоқки гулзуорни сенсиз.

Ниҳоли қаддинг эрди сайрдин бўстон аро мақсад,  
Вагар найлагумдур ўзга хушрафторни сенсиз.

Қарорим бўлмағай саҳрова ҳам шаҳр ичра, эй дилбар,  
Не қилғим боғни, не боғ аро асморни сенсиз.

Тузардин мажлис анда эрди мақсадим сенинг васлинг,  
Не янглиғ истарам бир соҳиби асрорни сенсиз.

Агарчи ҳурвашдур базм эли бўлмиш манга ағёр,  
Ки онда истамасман кўзлари хуморни сенсиз.

Жаҳон маҳвашларидин қайси биридур сенга матлуб,  
Демай, эй маҳвашим, неткум пари руҳсорни сенсиз.

Ниёзий маҳв қилмас хотиридин бир даме фикринг,  
Нечук маҳв айлаб истар ўзга бир дилдорни сенсиз.

\* \* \*

Не навъ лаҳн эди бу жонға офат, эй ҳофиз,  
Ки олам аҳлиға солди қиёмат, эй ҳофиз.

Унунгда нағмаи Довудға ҳусул эмди  
Бўлурму булбули жонға саломат, эй ҳофиз.

Ажабки савтинга жонлар қулоқлари сомиъ,  
Магар анга эди асрү шарофат, эй ҳофиз.

Ул эрди — аҳли надомат тиловатинг вақти  
Ёнингда қилмади бир дам иқомат, эй ҳофиз.

Үлук тирилмаги коми эди Масиҳ дамидин,  
Не қасдинг этгали жонни каромат, эй ҳофиз.

Эшитса аҳли вараъ мустақим лаҳнингни,  
Кетар алар ишидин истиқомат, эй ҳофиз.

Ўқурда келди Ниёзий, жанобингга акнун,  
Не ҳуш қасрида бўлгай давомат, эй ҳофиз.

\* \* \*

Эй, дил, жаҳон айвонида мумкин эмасдур шодлиф,  
Не фарҳат ул манзилдаким эрди хароб ободлиф.

Шўхиға мағурур ўлмағил, бўйи вафо йўқ андаким,  
Домиға банд этмак учун кўргузгай ул саёдлиф.

Андин етушган ҳузну ғам бир дамда нобуд ўлғуси.  
Айшу тарабдекким топар бир лаҳзада барбодлиф.

Жавру жафо ойинидур, фикр этса арбоби хирад,  
Англарлар онинг эрканин эл бошиға бедодлиф.

Маҳкамасос эрмаслиги келди муайян негаким,  
Бу гунбази аҳзарғадур сув устига бунёдлиф.

То бордур имкон ҳалқиниг хайриятин андиша қил,  
Бу хислатиниг шуҳрат топиб бўлғай улусга ёдлиф.

Дуцё аруси ақдини қилма, Ниёзий, ихтиёр,  
Хуш аҳли бўлған айламас ҳаргиз анга домодлиф.

\* \* \*

Васл умиди бирла урдим пўя чандон ҳар тараф,  
Тонг эмас, бўлса манга фарҳунда зиндан ҳар тараф.

Бўлмағандин ишқ дашти ичра комимға вужуд,  
Нотавон кўнглимга бўлмиш нори сўзон ҳар тараф.

Кўзларимдин лолагун ашким тўкарман дам-бадам,  
Не таҳайор эмди гар бўлса тўлуғ қон ҳар тараф.

Масканим дашти жунун бўлди муҳаббат дардидин,  
Навҳа қилдим, бўлди ваҳшийлар намоён ҳар тараф.

Ишқ иксiri азалдин даҳр аро мавжуд эрур,  
То абад осор эрур аңдин паришон ҳар тараф.

Қимга кўнгли сафриға бу кимёдин заррае  
Етса, файз олса, ажаб йўқ, қилса жавлон ҳар тараф.

Эй Ниёзий, водийи фақр ичра бўлсанг, маҳвашинг  
Боқгач-ўқ манзуринг ўлмасга ие имкон ҳар тараф.

\* \* \*

Англағил элни жаҳон қасрида меҳмон, эй рафиқ,  
Сўнгра падруд айламасликка не имкон, эй рафиқ.

Дарҳақиқат, саҳв эрур миҳмонлиқ исноди, недин  
Ким ўлумлиғдек олар маҳбуси зиндан, эй рафиқ.

Қилмак уммиди масарратдур абас даҳр ичраким,  
Чарх кимнинг комича кўргузди даврон, эй рафиқ.

Қимсага ногаҳ замон ўлса, хиёнат кўрмайин,  
Қолдиму, бўлмай фалак андин пушаймон, эй рафиқ.

Қил тафаҳҳуским, ҳама амсолу ақронингға ҳол,  
Даҳрдии авқотида ютмоқ эрур қон, эй рафиқ.

Қимни гардун этди амният шароби бирла маст,  
Қилмади ул кимни ер остида пинҳон, эй рафиқ.

Қилмағил дунё арусиға Ниёзийдек назар,  
Бўлмайин десанг анинг ҳусниға ҳайрон, эй рафиқ.

\* \* \*

Эй фалак, турлук ҳиёнатларни изҳор айладинг,  
Билмадим, журмим не эрди, эл аро хор айладинг,

Ҳодисоти даҳрдин ранжида айлаб хотирим,  
Турфа иллатлар била жисмимни бемор айладинг.

Фош этиб афъоли ношойистами даҳр аҳлиға,  
Ижтиоб айларга мандин асру бадкор айладинг.

Қўрсатиб бир дилрабонинг орази гулгунини,  
Ишқида чандин балоларға гирифтор айладинг.

Бермайин васлиға йўл ҳаргиз анинг ҳижронида,  
Кўзларим гирён қилиб, бағримни афгор айладинг.

Нотавон жонимни ташлаб водийи фурқат аро,  
Неча муддат бир кўрарга гул юзин зор айладинг.

Бир даме очмай Ниёзийнинг муроди чеҳрасин,  
Ҳар адсоватким анга олам аро бор айладинг.

\* \* \*

Бўлмағил ҳаргиз вафосиз ёрға ёр, эй кўнгул,  
Баста бўлма зулфи қулобида зинҳор, эй кўнгул.

Даҳр шўхидин вафо кўз тутмаким айёрадур,  
Бўлмоқинг келди абас васли учун зор, эй кўнгул.

Хўблар ҳуснига наққоши азал берганда зеб,  
Қилмади қатъо вафо нақшини изҳор, эй кўнгул.

Ишваи нозиға ман янглиғ бўлуб ошуфта ҳол,  
Қилма ўзни қайди ишқиға гирифтор, эй кўнгул.

Бўлмоқингдин чашми фаттониға мафтун суд йўқ.  
Бешуур алданмаким, ул асру маккор, эй кўнгул.

Орзу айлаб висоли бодасини, фурқатин  
Иҳтиёр этма, ўзингни қилма хумор, эй кўнгул.

Маст ўлуб саҳбойи ғафлатдин Ниёзийдек давом  
Зоеъ этма умрингни, бўл эмди ҳушёр, эй кўнгул.

\* \* \*

Бир парининг ишқи қўйҳосира ҳайрон бўлмишам,  
Телбадек ваҳшийлар ичра дийда гирён бўлмишам.

Ўткариб фарёди афғоним фалакдин фурқати  
Фикрати қурби аро чоки гирибон бўлмишам.

Азм этиб дашти муҳаббатға, ўгут қилмай қабул,  
Эмди билкул мубталои дарди ҳижрон бўлмишам.

Айлабон васлин тахайюл, пўя урдим дам-бадам,  
Англадим айру алохону аломон бўлмишам.

Англанғиз токи сууримни кўруб, эй дўстлар,  
Тушда кўйида аниг бир кеча меҳмон бўлмишам.

Қисматим ҳажрида меҳнат чекмак ўлмиш, эй ажал,  
Жонни чекким, даҳр аро маҳбуси зиндан бўлмишам.

Асраёлмайман Ниёзийдек муҳаббат сиррини,  
Ишқ қофи қулласи узра намоён бўлмишам.

\* \* \*

Маҳвашо, ҳуснинг гули бир неча қун хандон эрур,  
Қадрини бил, эскуча боди хазон меҳмон эрур.

Бўлди чун фарсада, андин сўнг пушаймондин не суд,  
Вақтини тутмоқ ғанимат шеваи жонон эрур.

Ошиқи ошуфта ҳолидин тағофул айламак  
Лойиқ эрмасдур валекин хислати жонон эрур.

Маст эмас васлинг майдидин ишқинг аҳли негаким,  
Қисмат айланған аларға сўзиши ҳижрон эрур,

Фурқат айёми аро ушшоқингга раҳм этмасанг,  
Жонлари кошонасида отashi сўзон эрур.

Шод эрур васлинг таманиси била маҳзун кўнгул,  
Бўлмаса бу орзу олам анга зиндан эрур.

Эй Ниёзий, бу паришон сўзларингни тарк этиб,  
Узрини қилғил, йўқ эрса мужиби хирмон эрур.

## НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Сурат ичра келди инсон зумраси ашбоҳлар,  
Топди фарқ аммо ҳидоят аҳлидин гумроҳлар,  
Ишқ дардин билмас онлардин фалак хиргоҳлар,  
Улки солғай шуъла аъзосиға ўтлиғ оҳлар,  
Қайда билгай куймагин зарбофт кийган шоҳлар.

Эски тўн бечораларни кўзларига илмагай,  
Зулм кўксини адолат тийғи бирла тилмагай,  
Мустағис мазлумлар этган ноласиға келмагай,  
Бағридин қон томғучи ушшоқ заҳмин билмагай,  
Тийғидин қон томғучи бераҳм олий жоҳлар.

Айламас ҳижрон ғамидин ишқ эли парҳезким,  
Васл жомин англағай ҳар дам аро лабрезким,  
Ошиқ эрсанг бўл адам, ошифтогона хезким,  
Шиддатин Фарҳод қилғай, фаҳми йўқ Парвезким,  
Дардни хокийлар англар, йўқ фалак даргоҳлар.

Қасд этибдурму ажал умрим гулини юлғали,  
Ким етушмишдур ҳаётим нахли, барги сўлғали,  
Ишқ аро манзилгаҳим сонсиз балодин тўлғали,  
Жону кўнглим кирдилар ғам даштиға гум бўлғали,  
Ман ҳам этдим жазм, чун азм этдилар ҳамроҳлар.

Улки бошиға муҳаббатдин балолар келтуур,  
Дашти фурқат ичра саргардон кўрунган шул турур,  
Роҳларким андадур, лекин қатиғроқ йўл турур,  
Бўлсалар огаҳки бир бегамни маҳжур ўлтуур,  
Фикр этар ҳолиға ҳижрон дардидин огоҳлар.

Урғанимдин пўя билмаслар тарабгоҳим недур,  
Ишқ майдони сориким анда жонкоҳим недур,  
Васл агар бўлса мұяссар изз ила жоҳим недур,  
Ваҳ, не билгай ҳажр занжирида дилхоҳим недур,  
Ҳалқа урған базм айши даврида дилхоҳлар.

Бўлмаған янглиғ ғанийларда қаноат шукри йўқ,  
Ҳам фақирларға тамаъ сармоя келди, зикри йўқ,  
Муддатедурким Ниёзий жони тайри даври йўқ,  
Эй Навоий, шоҳларға чун гадонинг фикри йўқ,  
Айлагил ҳам тангри даргоҳиға шайъиллоҳлар.

## МУСАДДАС

Ҳодисоти даҳрдин хотир паришон бўлмишам,  
Мубталои фитнаи ошуби даврон бўлмишам,  
Чарх бедоди жафосидин бағр қон бўлмишам,  
Чеҳраи комимни кўрмай дийда гирён бўлмишам,  
Ўткариб ғафлатда умримни пушаймон бўлмишам,  
Ҳасрату ғам чиркидин олуда домон бўлмишам.

Кўрдим анвои хиёнатни фалақдин дам-бадам,  
Қолмади мунглиғ кўнгулга етмаган ранжу алам,  
Қўксими чок этди ҳасрат ниши бирла тифи ғам,  
Етди даврон аҳлидин ҳар лаҳза юз турлук ситам,  
Ҳодисоти даҳрдин хотир паришон бўлмишам,  
Ҳасрати ғам чиркидин олуда домон бўлмишам.

Кўргали дунё арусини эрурман бекарор,  
Айлагум васли таманноси била афтону зор,  
Еткаман деб саъӣ ила йўлида бўлдим асрү хор,  
Қолмади жисимимда они эмди истарга мадор,  
Чеҳраи комимни кўрмай дийда гирён бўлмишам,  
Ўткариб ғафлатда умримни пушаймон бўлмишам.

Кўрмадим аҳли замон ичра мурувватдин нишон,  
Топмадим ҳаргиз алар бедодидин бир дам омон,  
Оташин, оҳим била гардунға еткурдим фифон,  
Бўлмади мумкин манинг фарёдима ғавси замон,  
Ҳасрату ғам чиркидин олуда домон бўлмишам.  
Ўткариб умримни ғафлатда пушаймон бўлмишам.

Қилмадим асло қаноат маъмани ичра мақар,  
Нафси амора муродин истабон қилдим сафар.  
Айши роҳатдин талаб ичра дами топмай асар,  
Балки бу афъоли ношойистадин кўрдим зарар,  
Мубталои фитнаи ошуби даврон бўлмишам,  
Ҳасрату ғам чиркидин олуда домон бўлмишам.

Хонақаҳ сорига майл этдим не топдим инбисот,  
Дохил ўлдим дайр аро юзланмади ондин нашот,  
Ранжу меҳнатдин дигар кўргузмади эски работ,  
Ноилож акнун ажал меҳмонига ёздим бисот,  
Чарх бедоди жафосидин бағр қон бўлмишам,  
Мубталои фитнаи ошуби даврон бўлмишам.

Эй кўнгул, солдим Ниёзийдек паришонлиқға йўл,  
Сунмадим қатъо убудийят таноби сори қўл,  
Топмадим ҳақ йўлниким ҳар неча истаб соғу сўл,  
Даҳр золи қайда кўргай ман каби нодон ўғул,  
Ўткариб ғафлатда умримни паришон бўлмишам,  
Ҳасрату ғам чиркидин олуда домон бўлмишам.







# РОЖИЙ







# Р

ожий XIX асрнинг иккинчи ярмида ўтган хоразмлик, талантли шоир, моҳир таржимондир.

Рожий — Муҳаммад Юсуф Маҳдум Хева шаҳрида туғилган. Туғилган ва ўлган йили номаълум. Унинг отаси қози бўлган, Рожий ёшлигига ёқ мадрасага кириб илм олган. Адабиётни севган ва ўз замонасининг ўтқир шоирларининг ижодлари билан танишиб Рожий тахаллуси билан шеърлар ёзган. Араб, форс тилини яхши билган. Хева хонларининг фармойиши билан бирмунча адабий ва тарихий китобларни ўзбек тилига таржима қилган «Равзатус-сафо»нинг IV, V томини Рожий таржима қилган. Рожий ўз ижодида замондан олган таассуротларини ёзди, подшо, амалдорларни адолатли бўлишга чақирали. Унинг ижодида севги темаси ҳам куйланади. Рожийнинг бизгача етиб келган учта девони бор. Бу девон ЎзФА Бируний номли Шарқшунослик институти қўллэзмалар фондида сақланади.

Бу девонлар асосан бир бўлиб бир-бирини тўлдиради. Бундан ташқари Рожийнинг асарлари Хоразмда ёзилган қўллэзма баёзларда, босма баёзларда ҳам бор. Бу срдаги намуналар унинг девонларидан олинди.



## ФАЗАЛЛАР

X

\* \* \*

Ушо, улким жаҳон аҳлиға майли имтизож этмас,  
Тутуб улфат халойиқ бирла айшу ибтиҳож этмас.

Алойиқ риштасин тажрид тийғи бирла қатъ айлаб,  
Куҳан золи жаҳонға майли аҳди издивож этмас.

Ҳаводис зулматистонида қолса чарх зулмидин,  
Тазаллум кўргузуб, элдин тамаъ шамъи сирож этмас.

Бошиға ёғса борони алам меҳнат саҳобидин,  
Биравга бош этиб дардиға уммиди илож этмас.

Фано хокистаридан ҳаскан этган фақр кўйида,  
Жаҳонда шаҳлиғ истаб, орзуйи тахти тож этмас,

Шаҳаншоҳеки қилмас эрса ройиж нақди эҳсонин,  
Қазо саррофи онинг давлати нақдин ривож этмас.

Кел эй, Рожий, ғанимат тут қаноат кунжи оромин,  
Эр ўғлон, ҳар киши оллида арзи эҳтиёж этмас.

\* \* \*

Айлаб сипеҳр зулмини мен мубталоға хос,  
Ҳар дам қилур бир ўзгача ранжу балоға хос.

Даврон жафоси бормудурур барча әлга ком,  
Ёхуд эмишму жумласи аҳли вафоға хос.

Топди бир ишға ҳар киши оламда хослиқ,  
Жоҳилға роҳат ўлди-ю, доно аноға хос,

Махсус бўлди риндға дайр ичра жоми май,  
Бор хонақоҳда зухд эли, зарку ғиёға хос,

Кўндуруп собаҳат ичра париваш нигорлар,  
Келди малоҳат ул кўзу қоши қароға хос.

Ҳар кимса амглай олмади анжоми корини,  
Файб илми, филҳақиқат, эрур бир худоға хос.

Қуллук тарийқи бими умид ўлди, Рожиё,  
Қил ўзни бандалик аро ҳавфу рижоға хос.

\* \* \*

Бўлмиш манго ул ёри вафодор мухолиф,  
Тонг йўқ, гар эса чархи жафокор мухолиф.

Ашк ўрниға қон тўксам эмас айбки, бўлмиш --  
Мен телбаға ул ғамзаси хунхор мухолиф.

Даврон ситаму чарх жафо, эл қиладур зулм,  
Мени бедилға бўлғоли дилдор мухолиф.

Беҳудман ул ой фурқати андуҳида ғам еб,  
Андакки озор айласа bemor мухолиф.

Ул ёр манга бўлса мувофиқ, не ғамим бор,  
Юз кийн айла гар бўлсалар ағёр мухолиф.

Бир ёри мувофиқ санго ҳақ айласа рўзи,  
Бўлма анга ҳар ҳол ила зинҳор мухолиф,

Рожийга мувофиқ гар эмас даҳр эли, тонг йўқ,  
Бўлмиш неча кундурки, анга ёр мухолиф.

\* \* \*

Оҳқим, умр ўтти топмай ранжу кулфаҳан фароғ,  
Бермади даврони дун бир лаҳза меҳнатдин фароғ,

Дер эдилар ҳар машақат кейнидин роҳат дуур,  
Етти шиддат гардуми, топдим машақатдин фароғ.

Ҳар балият ичра қолғонлар фароғат топтилар,  
Бир мени ғаммодаға йўқдур балиятдин фароғ.

Гоҳ даврондин етар заҳмат, гаҳи давр аҳлидин,  
Топмон, алқисса, даме мен ҳаста заҳматдин фароғ.

Етса аъдадин ситам, аҳбоб қилмас ёрлиғ,  
Хотирим тоғмини жаҳон аҳлига улфатдин фароғ,

Эй кўнгул, майл этма дунё бирла мофиҳо сари  
Истасангким, топгосен ранжу суубатдин фароғ.

Соқиё, ҳар лаҳза Рожийга тараб жомини тут,  
То топай бир умрлиғ андуҳу кулфатдин фароғ.

\* \* \*

Ул париким, барча бўлмиш ошнолар ёт анга,  
Ётларға ошно бўлмиш, недур ҳолот анга.

Ўзгаларга ёру олмас тилга ушшоқ отини,  
Тонг эмас гар бевафо деб қўйсалар эл от анга.

Оразин очfon паривашлар бошидин эврулур,  
Не ажабким ул қуёшдур, бу бари заррот анга.

Кўрган ул лўлившимнинг қомати рафторини,  
Қул бўлурлар гар қиёт ўлсун ва гар қўнғирот анга.

Айланиб ул ҳусн шоҳи чиқса майдон ичра маст,  
Рух қўюб йўлида шаҳлар бўлғусидур мот анга.

Мехри рухсориға кун боқса майдон сув бўлур.  
Қайси важҳ ила муқобил бўлғуси миръот анга.

Ҳусн даврони ғаниматдур, ниgoro, раҳм қил,  
Ҳар баҳор ўлса хазон осиби бордур бот анга.

Ул пари қўйи дурур ишқ элиға дорил-амон,  
Эй кўнгул, олам ғамидин қочсанг ўзни қот анга.

Ваҳки Рожий кулбасиға келмас ул ой бир кеча,  
Ҳар кун айлаб арзи ҳол ирсол этар абёт анга:

\* \* \*

Эй ҳаё маъдани кони адаб,  
Сари кўйинг эрур дўкони адаб.

Адаб эрмаски отинг зикр этмак,  
Деса бўлғай сани жаҳони адаб.

Оразингдин ҳаё бўлур зоҳир,  
Талъатинг фош этар нишони адаб.

Лаби лаълинг тақаллумин кўрсун,  
Кўрмаган руҳ ила равони адаб.

Киприкинг новаки отарға ниҳон,  
Эгма қошингдуур камони адаб.

Адаб эрмас дами фаромушинг,  
Сан-сан оламда қадрдони адаб.

Рожий ашъорин айласун такрор,  
Ҳар қим истар эса баёни адаб.

\* \* \*

Буқун ул дилрабо дилдорлиғ расмин аён айлаб  
Олиб бурқаъ юзидин жилваи хуршид сон айлаб.

Хиромон айлабон зебо қадин нозу адo бирла,  
Қадам қўйди бузуқ кулбам аро рашки жинон айлаб.

Келиб бошим уза сўрди тағофул бирла аҳволим,  
Деди: эй хаста, дардингни манга билдиr баён айлаб.

Гаҳи беҳуд ётарсан, беҳўрду беҳоб ўлик янглиf,  
Гаҳи ер-кўкни кўзғарсан фифон узра фифон айлаб.

Бўлиб гирён анго ман хаста изҳор этмадим чун сўз,  
Кулуб дедики: ҳолинг неткасен мандин ниҳон айлаб.

Бошим ердин канорига олиб лаъли равонбахшин.  
Равон оғзимра қўйди сўз сўроға комрон айлаб,

Сўрубман лаълинию ул сўриб ҳолимни оҳиста,  
Сўрушмоқ бу экан маъшуқу ошиқ иқтирон айлаб.

Қилиб ўлғон танимра бу сифат жонбахшлиf зоҳир,  
Мақомин азмин этти қомати сарвин равон айлаб.

Кел, эй Рожий, бу янглиf ҳарза гўйлиқ таркини эткил  
Таҳайюрга қолур эл бу сўзингни чин гумон айлаб.

\* \* \*

Эй маъдани жуди кони ҳиммат,  
Гулзори баҳору боғи беҳжат.

Бу хастаки коми ҳимматингдин,  
Бахшишдур шафқату муруват.

Айлар бу сифат мақол бирла,  
Изҳори ғаму, баёни ҳожат.

Қим чой эдики бир тасалли.  
Рафъ эткали ҳар нафас малолат.

Ул ҳам кўзидин учубдур андоқ,  
Қим йўқдир анга етарга қудрат.

Асрү буюк эрмиш ошёни,  
Йўқ кимсада еткууррга ҳиммат.

Рожий, қараминга кўз тутубдур,  
Дафъ айласа деб бу навъи кулфат.

\* \* \*

Ҳайфким они дедим маъдани эҳсону саховат,  
Жамъ бўлмиш экан анда ҳам авсофи асосат.

Ўзи васфини дер эркан, уки доим қилур эрди,  
Неча одамни хасосат сифати бирла шикоят.

Санар эрдим они фаҳм аҳлидину, дониш элидин,  
Билмас эрканмен, эмиш бошдин-аёқ лофи жаҳолат.

Тилабон чой юбордим анга ул навъ кишиким,  
Қилур атворию афъоли улуғлиқға далолат.

Рутбаси паст эса ҳам эрди таманнойи буюклик,  
Суврати тифл эса ҳам эрди қорилиқ анга одат.

Қилибон бўйла киши ранжа қадам чой юбормиш,  
Ки бир-икки йўли дамларга қилур қилса кифоят,

Рожийё, ўз тамаин элдину қил ҳаққа таваккул,  
Пеша айлаб ўзунга олам аро сабру қаноат.

\* \* \*

Жон берурда лаълиға қилмиш оби ҳайвон баҳс,  
Уйлаким бирав қилғай жаҳл бирла ёлғон баҳс.

Ой узорига не юз бирла баҳс этак олғой,  
Шарм айлар этмақдин анга меҳри рахшон баҳс.

Сарв қомати бирла дер эмишки, баҳсим бор,  
Айласун қила олса қоматин хиромон, баҳс,

Баҳс айлагандекдур боғи жаннату дўзах.  
Кўйи бирла ул гулнинг айласа гулиётон баҳс.

Фунча баҳс қилғондин оғзининг ичи қондур,  
Айлаган жиби нодон айбини намоён баҳс,

Турфа вақт бўлмишдур сифла иртифоидин,  
Бек бирла қул айлар, ориф ила нодон баҳс,

Баҳри назми Рожийнинг дарға уйла бўлмишиким,  
Фарқи шари ўлур қилса анга баҳри Уммон баҳс.



Еткуур қўнглимга олам ранжу озор, алғиёс,  
Не илож эткум мани ранжур ночор, алғиёс.

Гоҳ ҳазину, гоҳи маломат, гоҳ кулфат, гоҳи ғам,  
Еткуур жонимға даврони ситамкор, алғиёс.

Бир киши етмас мани дил хастанинг фарёдиға,  
Телмуруб йиғлаб десам ҳар лаҳза садбор, алғиёс.

Бир ғамимға чора топмоқ истасам юз сайъ ила,  
Даҳр этар улдам манга минг ғам падидор, алғиёс.

Рози эрдим ҳар жафо етса манга ағёрдин,  
Ҳар нафас юз жавр этар ман зорға ёр, алғиёс.

Алғиёс, эй қозийюл-ҳожат, ўзинг қил ёрлиғ,  
Қилмади фарёдраслик кимса изҳор, алғиёс.

Юкланур бошиға Рожийнинг дамодам бори ғам,  
Айлагил бир лутф ила они сабукбор, алғиёс.

\* \* \*

Менинг заъфимға сўрса ёр боис,  
Эрур ҳажрида минг озор боис.

Туну кун оҳу афғон этмакимга,  
Эрур ул зулф ила рухсор боис.

Дамодам буки чашмимдин оқар қон,  
Онга ул нарғиси хунхор боис.

Висол айёми йиғлаб нола қилсам,  
Нетонг, ул базм аро ағёр боис.

Гулистан ичра булбул ноласидин,  
Чу сўрдум, деди, бордур хор боис.

Дедим ул ойға, недин жавр этарсан,  
Деди: сўрма анга кўп бор боис.

Ажабдур лутфиға боис топилмас,  
Вале зулм этгали бисёр боис.

Фано даврида гар лояъқил эрсам,  
Тонг эрмас, соғари саршор боис.

Деманг Рожий надиндур банди ғамда,  
Анга тўти қиби гуфттор боис.

\* \* \*

Билмон ул ойға нечун ўлубдур хаёл каж,  
Доим мани ҳазинға қилур қол каж.

Каж дер жавоб, итоб этибон, туз саволима,  
Дер туз жавоб, ўзгалар ётса, савол каж.

Бордур рақибларнинг анга каж мақоли туз,  
Мен бенаво дер эрсам эрур туз мақол каж,

Ҳар кимса долдек каж эрур туздур оллида,  
Ул ким алифдек ўлди туз ондоқки дол каж.

Мумкин эмас жаҳон аро тузларга эътибор,  
Беэътибор бўлмоғи, лекин муҳол каж.

Тузларгадур жаҳон аро ҳар навъ дарду ранж,  
Ҳар ерда бўлса бордурур осуда ҳол каж.

Десанг спеҳр авжима айлай маконингни,  
Бўлғил мудом эл ичра начукким ҳилол каж.

Ёшликда пеша тузлик этса асло туз ўлмағай,  
Ўлғойғонида ёшдин эса ҳар ниҳол каж.

Зебо қадрини сарв деса Рожий, ул пари—  
Дерким бу навъ айламагил кўп хаёл каж.

\* \* \*

Олмиш ўтлиғ оразидин бурқаъ ул дилдор субҳ,  
Тонг эмас, тортар фалакка оҳи оташбор субҳ.

Еткуурур жон муждасин гулзордин ҳар дам сабо,  
Кўйи сайри гулшан этмиш ул масеҳ атвор субҳ,

Бир қуёш ҳажрида ҳар тун бордуур мандек ҳазин,  
Буки сориғ юз уза ашкин сочиб йиғлор субҳ.

Демагилким кун тулуъ айлаб бўлур ғойиб нужум,  
Дилбарим оллида айлар нақди жон ийсор субҳ.

Ҳажр иоми зулматига сабр қил ҳар ҳол ила,  
Кўз ёритгуң бир қуёш васлидин ийсовор субҳ.

Гар десонг заҳмат зилолидин топай шодоблиғ,  
Юммағил андоқки нарғис дидаи бедор субҳ.

Сорғориб руҳкори ғамдин чок эрур кўкси агар,  
Рожи янглиғ бир қуёш меҳрин ниҳон асрор субҳ.

\* \* \*

Эй вужудинг келибон маъданни эҳсони саховат,  
Остонингда икки қул дуур иқболу саодат.

Хотиринг қўзгусини айламасун даҳр муқаддар,  
Етмасун кўнглингга ҳеч важҳ ила осори малолат.

Манки даргоҳи фалак жоҳи дуогўйдуурман,  
Арзи ҳожат қилурам тар караминг берса ижозат.

Бор эди бир қишига беражак икки тиллоким,  
Ваъдалиғ вақти етиб, берганий йўқ манда бизоат.

Келадур ҳар кун олурға ҳаққини қаҳрлар айлаб,  
Совутиб чеҳрасини, кўргузуб анвоъи шиноат.

Мани бекас қилибон ҳар кун анга ўзгача ҳийла,  
Қайтарурман неча ёлғон сўз ила, бу не қабоҳат.

Кўргач онинг юзини титрашадур жон ила кўнглум,  
Соладур бошима ҳар кун менинг ѡшуби қиёмат.

Агар иҳсонинг онинг дафъига айлар эса чора,  
Топғай әрдим мани бечора жанобингда фароғат.

Арзи ҳол айлади хома тилидин Рожийи маҳзун,  
Қилған учун тилини лол ўзи деса хижолат.

## Мустазод

Эй киприки ўқ, қошлари ёй, ғамзаси жаллод,  
эй кўзлари жоду,  
Бир лутф ила қилсанг недуур ҳотирими шод,  
чекдим басе қайғу.  
Офоқ аро бордур неча маъшуқ ила ошиқ,  
гулчеҳраи мафтун,  
Мендек хиради волау сен киби паризод  
олам аро борму.  
Кўб жавр ила жонимни хароб айлабон этдинг  
ҳажкингга гирифтор,  
Оз лутф ила ҳам айла бузуғ ҳотирим обод,  
ҳардам келиб ўтру.  
Боғ ичра санга гул ўзини мингзатур ўлса,  
йўқдир кўзи, тонг йўқ.  
Булбул сани кўрдию они айлади барбод,  
деб: ҳожат эмас бу.  
Наргис бошини солди қуийи, кўзини кўргач,  
қайғуга тушубдур,  
Сарв ўлди қадингга қул, они этмагил озод,  
саркашдуур асру.  
Хуршед демокка юзингга ўзни мушобиҳ  
йўқдир тили, оғзи,  
Ой қилсун ўзин санга баробар тутубон ёд,  
бўлғум деса кулги.  
Рожийки қолибдур ғами ҳижронинг ичидা  
қилғил онга раҳме,  
Тун, кун чекадур тинмайин аффон ила фарёд  
сандин тушуб айру.

## **Навоий ғазалига мухаммас**

Кўнгул даврон элин тутма ўзингфа ошно асру,  
Тилаб меҳру муҳаббат чекмагил ранжу ано асру,  
Вафо айлаб, вафо кўз тутмофинг бордур хато асру,  
Вафо аҳлиға даврондин етар жавру жафо асру,  
Жафосидин аниң озурдадур аҳли вафо асру.

Фалакдин топмоғунг жуз ранжу меҳнат бил муайянким,  
Туну кун айшу роҳат истаб этма жусту жў фанким,  
Манга қўб озмойиш бирла бўлмиш бўйла равшанким,  
Бу ким аҳли вафо ноёб эрурлар оиндин эрканким,  
Бу эски тоқ аларға ёғдурур гарди бало асру.

Таманно қилма олам ичра ўзни айламак хушиуд,  
Балоу ранжидин ўзга санга мумкин эмас бир суд,  
Фано баҳриға киргил барча будинг айлабон нобуд,  
Гаронжонлиқни қўй, жон бер, тилар бўлсанг дури  
мақсад—  
Ки оламда оғирдур ушбу гавҳарга баҳо асру.

Кими кўрсам жаҳон аҳлидин, они ошно билдим,  
Туну кун тинмайин истаб, ризосин ел киби елдим,  
Ажаб нодон эмишмен билмай ўз комимдин айрилдим,  
Фидо жонимни айлаб, олам аҳлидин тамаъ қилдим,  
Вафо, астагифиуллах, қилган эрмишмен хато асру.

Кел, эй Рожий, санга жаҳл ила ғафлат мунча басдур,  
Жаҳон аҳлидин ўз пайванд, бори дуну нокасдур,  
Ҳама мол ила жоҳи ориф эл олдида бир хасдур,  
Ҳавойи гулшани қудс эт Навоийким, хуш эрмасдур,  
Зағанлар бирла бу гулшанда бўлмоқ бенаво асру.



# МУТРИБ ХОНАХАРОБ



8 «Узбек адабиёти, V том, 2-китоб»





# M

Утриб 1852 йил Хивада туғилди. Унинг адабиёт ва музикага бўлган ҳаваси анча эрта бошланади. У, адабий ижодда даврининг илфор шоирларига эргашади ва маърифатпарвар шоир, етук музикант сифатида танилади. Мутрибнинг асли исми Муҳаммад Ҳасан бўлиб, Мутриб Xонархароб унинг тахаллуси бўлган. Шоирнинг революциягача, революциядан кейин ёзган ғазал-сатира ва бошқа асарлари халқчиллиги билан алоҳида диққатга лойиқ. Мутриб 1920 йил Хоразм халқ революциясини хурсандчилик билан қарши олди, 1921 йилдан чиқа бошлаган «Хоразм хабарлари», кейинчароқ номи ўзгарган «Инқилоб қуёши» газетасида адабий ходим бўлиб ишлади.

Мутриб мероси ҳалигача ўрганилгани йўқ. Абурайхон Бируний номли Шарқшунослик институтида 903-V 906-VII рақамли инвентарь билан сақланаётган девонилар мажмуасида Мутрибнинг алоҳида девони бор. Мутриб ўз асарлари билан совет тузумини мустаҳкамлаш ва улуғлаш йўлида хизмат қилган шоирдир. У 1923 йил 70 ёшида вафот этди.

Бу тўпламга Мутрибнинг девонидаги ва «Юғурми тўплами»га киритилган шеърларидан намуналар берилди.



## ҒАЗАЛЛАР

Ж

\* \* \*

онон, юзинг мен зордин бир лаҳза пинҳон  
айлама,  
Тийғи фироқинг захмидин бағрим тўла қон айлама.

Доим жунун саҳросида Мажнун каби қон ютдуруб,  
Зиндони ҳажр ичра ики чашмимни гирён айлама.

Зотинга ҳар саҳву хато қилсам, кечиргил ёзуқим,  
Ҳар дам фироқинг ўтиға жонимни сўзон айлама.

Ширин тилингдин истасам бўйи вафонинг муждасин,  
Бир нуқта изҳор этмайн ноз ила ҳайрон айлама.

Васлинг шабистонига юз қўйсам бурунғи аҳд ила,  
Юз турфа афсунлар қилиб, эй гул, пушаймон айлама.

Ажзу ниёз айлаб кўнгул комин таманно айласам,  
Ул лаҳза ғамза тийғини қатлимға буррон айлама.

Шамъи руҳингға истасам парвоналиғ, эй гульузор,  
Мутрибни ҳижрон қайдиға ташлаб, паришон айлама.

\* \* \*

Айлай нечук ишрат мен, ул оромижоним келмаса,  
Бермакка жон оромини руҳи равоним келмаса.

Топгай ҳазин кўнглум нечук ғам қайдидин озодлиғ,  
Айларга ҳижрондин халос Азро нишоним келмаса.

Партав солиб рухсоридин, маст этгали саршоридин,  
Жон бергали гуфторидин, ширин забоним келмаса.

Фарёдким, андуҳу ғам давр этмиш атрофим шукун,  
Тарқатғали ғам лашкарим соҳибқироним келмаса.

Тузмакка ишрат созини, билмак учун дил ғозини,  
Айлаб малак парвозини, сирри ниҳоним келмаса.

Ҳар дам боқиб мастанғина, лутғи этгали жононғина,  
Лаъли лаби хандонғина, қоши камоним келмаса.

Ваҳ, не қиёматдур буқун мен Мутриби бечораға,  
Хусн авжининг сардафтари, олий маконим келмаса.

\* \* \*

Ҳижрон ўтиға мунча кўп, эй меҳрибоним, ўртама,  
Айёми ишрат бўлди, кел, ороми жоним, ўртама.

Ҳуснинг хуморидин кўнгул беихтиёр ўлған чоғи,  
Бир лаҳза раҳм айлаб манга, жисм ичра жоним, ўртама.

Васлинг таманноси учун ошуфта ҳол ўлсам агар,  
Дарди фироқ ичра қўйиб, сарви равоним, ўртама.

Лаълинг зулолин истасам, ғайр ила сен ишрат тузуб,  
Эй орази гул, сарв қади, қоши камоним, ўртама.

Нутқи каломингдин ҳазин кўнглум вафо истар эса,  
Ноз айлабон, эй тўтийи ширин забоним, ўртама.

Эҳсони лутфингдин мени маҳрум этиб ишрат аро,  
Ҳусн авжининг сардафтари Азро нишоним, ўртама.

Изҳор лутфингни сўрар чоғда табассумлар била,  
Юз нукта ёлғондин деб, эй шаккарфишоним, ўртама.

Лаълингдин истаб жонфизо, нутқингга зор ўлсам агар,  
Тишлаб дурафшон лабларинг, эй нуктадоним, ўртама.

Ноз айлабон қошинг қоқиб, оҳиста Мутрибға боқиб,  
Ҳар жилвада жоним ёқиб, эй навжувоним, ўртама.

\* \* \*

Қатл этарга кўзларинг қилса ғазаб,  
Бергусидур жисмима жон икки лаб.

Гар муюссар бўлса васлинг суҳбати,  
Нўш этарман тинмайин жоми тараб.

Бодаи лаълинг хумори ичраким,  
Ҳажр даштида юурман ташналаб.

Солди ўт жонимга чашминг ғамзаси,  
Кўрмишам васлинг тилаб ранжу тааб.

Базми васлингдин даме шод этмайин,  
Йиғлатурсан зору ҳайрон рўзу шаб.

Ваҳ, қачон васлингга етгайман дебон,  
Тортуб ҳижрон жаврин айларман талаб.

Фурқатингда дам-бадам қон йиғлатиб,  
Бўлмагил Мутрибни қатлиға сабаб.

\* \* \*

Тушди ҳажрингдин тану жон ичра ўт,  
Зулфи зуннорингдин иймон ичра ўт.

Солғусидур икки чашминг ғамзаси,  
Бир боқишда бу дили қон ичра ўт.

Гулшани ҳуснингни жонон ҳажридин,  
Тушди кўқда моҳи тобон ичра ўт.

Не гуноҳим бор эрур, ҳар дам солур,  
Дарди ишқинг жисми вайрон ичра ўт.

Чеккан оҳимдин ғамингда ўртаниб,  
Тушғуси гардуни гардон ичра ўт.

Ишқ аро Мутрибни чеккан оҳидин  
Тонг эмас тушса гулистон ичра ўт.

\* \* \*

Ҳар кун юзинг қўрмак тилаб икки қўзум гирён эрур,  
Топмай ҳазин кўнглум лабинг шаҳдини, саргардон  
эрур.

Кўргач тазарруъ айласам, дерман висол уммидидин,  
Билмам насибам не учун хунобаи ҳижрон эрур.

Тийги фироқингдин тани зоримда сар тосар яро,  
Қилсанг мурувват заррача ҳар мушкулим осон эрур.

Қомиға йўл топмоқ учун, эй тўтийи ширин мақол,  
Етмай жанобингга тану жонимда минг армон эрур.

Вобастаи зулфинг бўлиб, бўйи вафо истар эсам,  
Мажнун каби йиғлаб, ики чашмимда ашким қон  
эрур.

Мен хастага эрмас ажаб, кўргач сени топсам шифо,  
Нечунки айш ичра менга лаълинг майи дармон эрур.

Ишрат этарга майл этиб, кулбамға келсанг ноз ила,  
Бу Мутриби бечоранинг жони сенга қурбоқ эрур.

\* \* \*

Эй кўнгул, ўртанма кўп сарви хиромонинг келур,  
Васлидин шод этгали гулбарги хандонинг келур.

Шому фурқат ичра бўлган кўзларингни тийрасин,  
Қилғали равшан бу тун хуршиди рахшонинг келур.

Тўкмағил ҳажр ичра йиғлаб кўэдин ашки лолагун,  
Ким тараҳҳум айлаб ул ёри нигаҳбонинг келур.

Лутф бирла заҳр ҳижронидин ўлган жисмингга,  
Тозадин жон берғали Исои давронинг келур.

Бодаи васли била бу кеча сармаст эткали,  
Хуш такаллум, гулбадан, шўхи суҳандонинг келур.

Гул юзи бирла машомингни муаттар қилғали,  
Сарв қомат, маҳжабин, себи занахдонинг келур.

Бўлма ғамгин, Мутрибо, гар етса ишқ ичра ситам,  
Холинга раҳм этгали ёри қадрдонинг келур.

\* \* \*

Эрмасам ошиқ, кўзум ҳайрони бўлғайму эди.  
Танда жон парвонадек сўзони бўлғайму эди.

Истамас эрсам агар сарви қади зебосини,  
Жисми зоримда ғами ҳижрони бўлғайму эди.

Гар ҳазин кўнглумни шавқ ўти мақом этмас эса,  
Икки чашмим рўз, шаб гирёни бўлғайму эди.

Бўлмаса вобаста икки наргиси шаҳлосига,  
Нотавон кўнглумда юз армони бўлғайму эди.

Тори зулфи жонима қуллобдек банд эрмаса,  
Риштай жоним онинг қурбони бўлғайму эди.

Интизор ўлмас эсам юз узра мушкин ҳолиға,  
Қумридек ҳар кун ишим нолони бўлғайму эди.

Отмаган бўлса агар ҳар ғамзасида новакин,  
Жисмида Мутрибни юз пайкони бўлғайму эди.

\* \* \*

Кел, эй дилбар, чаман сайриға, гулшан лолазор ўлди,  
Тамошойи жамолингға кўзим беҳад хумор ўлди.

Нихоли қоматинг ёдида қаддим хам, кўзум пурнам,  
Висоли базмига маҳзун дилим кўп интизор ўлди.

Гули ҳуснингни шавқида чекиб булбул каби афғон,  
Нетай зуҳд аҳлиға пинхон розим ошкор ўлди.

Ишим ҳижрон тунида кеча-кундуз оҳ-воҳ бирла,  
Икки чашмим фироқинг шиддатидан ошкор ўлди.

Асир бўлмас эса кўнглум сочинг ториға, эй гулруҳ,  
Не деб жисмимда жоним зарра янглиғ беқарор ўлди.

Бўлиб мажнуни беморинг фироқинг кишвари ичра,  
Чекиб ташвиши ҳижронингни жисмим бемадор ўлди.

Агар раҳм этмасанг, эй нозанин, Мутрибни ҳолиға,  
Улусға нолишидин дойимо бе эътибор ўлди.

\* \* \*

Билинглар, эй халойиқ, сизга бу бир яхши даврондур,  
Тамоми юртимизда нозу неъматлар фаровондур.

Топиб осойиши пиру жувон, озурдадил бўлмай,  
Бари маҳзун ўлан эллар дамодам шоду хандондур.

Худойим раҳм этиб бизга, биродарлар бўлиб ёру,  
Кўрунг эмди ситамгарларни, саргардону ҳайрондур.

Бўлуб қурултою Ижрои Қўмита шаҳр аро барпо,  
Бу давлат файзидин бизларға ҳар мушкиллар осон-  
дур.

Биродарлар, ўзин ҳар кеча бизга посбон айлаб,  
Биҳамдиллаҳ, аларнинг мақдами осойиши жондур.

Алардин баҳра олмоққа тараддуд айламак лозим,  
Буларнинг эътиқоди мунча бизларга фаровондур.

Мудом, эй сода диллар, Мутрибосо шод ўлунгларким,  
Бори душманлар аҳволини кўрким хонавайрондур.

## МУСАДДАС

Ҳурриятлиғ етиб чархи фалак қайфиятидин,  
Осори маломат чиқиб эл табъиятиндик,  
Зийнат топиб олам Русия хосиятидин,  
Жонларға ҳаловат билиниб тарбиятидин,  
Фам кетди биродарлари берган мадатидин,  
Хоразм эли осуда бўлиб наҳсиятидин.

Хоби ғафлатни қўюб, бедорлиғни пеша эт,  
Жусту-жўй айлаб яна ҳушёрлиғни пеша эт,  
Ўзни токи барчаға даркорлиғни пеша эт.  
Бўлса хизмат, жон била тайёриғни пеша эт,  
Юртимизга яхшилиқ бунёдлиқ айёмидир,  
Кишвари Хоразмнинг ободлиқ айёмидир.

Шукр этинг, эй ҳалқларким, бир балодин қолдингиз,  
Қўлларида неча тийғи жонситондин қолдингиз,  
Кунда юз минг мартаға оҳу фифондин қолдингиз,  
Хўб саломатлик аро фикри ёмондин қолдингиз,  
Юртимизга яхшилиқ бунёдлиғ айёмидир,  
Кишвари Хоразмнинг ободлиғ айёмидир.

Рўзу шаб авқот этингким яхши одиллик била,  
Чун бўлурсиз барча ишларда саломатлик била,  
Юргуси Машраб каби даҳр ичра роҳатлик била,  
Бўлса ҳар ким шоду хуррамдур саломатлик била,  
Юртингизга яхшилиқ бунёдлиғ айёмидир,  
Кишвари Хоразмнинг ободлиғ айёмидир.

## БҮЛДИ ОБОД

Бу ҳурриятда олам бўлди обод,  
Қувониб, эй халойиқлар, бўлинг шод.  
Ҳаммалар бир-бирига меҳрибондур.  
Бу эмди катта давлатдин нишондур.  
Тамоми эл бўлуб осуда хурсанд,  
Бари ёшлар бўлуб турли ҳунарманд.  
Очиб мактаб муаллимларга чандон,  
Бериб ёшларға таълими фаровон.  
Фароғат юртимиз, чоллар гўдаклар,  
Бу ишга эътиқод айлаб юрунглар.  
Бу ҳурриятни аҳкомин унутманг,  
Қўнгулни ўзга бир ишларда тутманг.  
Қўрунг золимлар этди юртни форат,  
Олиб юртдин хирож, этди иморат.  
Солиб ҳар ерда юз айвону кайвон,  
Қўрунг бўлгусидур охирда вайрон.  
Дамодам ўртатиб бечораларни,  
Солиб меҳнатға бағри пораларни.  
Бу ғафлат бирла бермай юрта зийнат,  
Анинг учун тутошиб ранжу меҳнат.  
Қўрунг аскарни, не янглиғ тарбиятда,  
Анинг учун бари хўб хосиятда.  
Қилур ақлингни лол этган низоми,  
Даги соҳибқирондурлар тамоми.  
Агар Рустам била бўлса Жанодил,  
Бўла олмас алар бирла муқобил.  
Қўрунг ёшларни эмди, эй халойиқ,  
Бўлурлар ҳар бири ҳар ишга лойиқ.

Ки бизларга ғаниматдур бу даврон,  
Яна ғафлат аро бўлманглар ҳайрон.  
Сенга Ҳоразм эли, будир ишорат,  
Қилинглар ҳуррият аҳлин зиёрат.  
Сўзингни айла бас, эй зору ношод,  
Сени ҳам нотавон кўнглунг бўлур шод,  
Муборак бўлсун эмди ушбу даврон,  
Дуойи хайр эт, эй Мутриб, сен алъон.





# СИДДИҚИЙ







# C

айид Аҳмад Сиддиқий (Ажзий) — XX аср бошида етишган маърифатпарвар шоир.

У 1864 йилда Самарқандда камбағал тўқувчи оиласида туғилди. Гўдаклигига отадан етим қолди ва турли касбларни ўрганиб, улар билан шуғулланди. Муҳтожлик, мактаб ва мадрасалардаги схоластик таълим унинг мунтазам ўқишига имкон бермади. У рус маданиятига қизиқиб, рус тилини ўрганди. Халқ ўртасида рус маданиятини кенг пропаганда қилиб, 1904 йилда Ҳалвойи қишлоғида меҳнаткашлар ёрдами билан камбағал болалари учун янги мактаб очди ва ўзи рус тилидан дарс берди.

Шоирнинг маърифатпарварлик ғоялари унинг поэтик ижодида ҳам ўз ифодасини топди. У классик адабиётнинг илфор традицияларини янги шароитда давом эттириди. Фазал ва достон жанрларида катта социал мазмунни ифодалашга, поэтик шаклни ҳам шу мазмуга бўйсундиришга интилди. У бадиий ижодда Фузулий, Собир Қулизодаларга эргашди. Бу эса унинг тилига ҳам таъсир қилди.

Ижтимоий масалалар устида чуқур муҳокама юргизувчи санъаткор илфор Россиянинг прогрессив-маърифатпарварлик ролини яхши тушунди, унинг порлоқ истиқболига ишонди, улуғ дўстликни, рус тили ва фантехникасини зўр куч билан тараннум этди. Мамлакатни ҳароб қилган, маънавий тушкунликка учраган Бухоро амири ва руҳонийларини фош қилди; уларнинг ҳукмронлигидан озод бўлган ҳамشاҳарларини эса чин қалбдан табриклиди:

Бале, ҳоло шумо дар мулки Русед,  
Чӣ некӯ баҳту маъмун аз нуҳусед...

Дар ин чо сабз гаштан метавонед,  
Бигўям, қадри ин нёъмат бидонед.

Санъаткор меҳнаткаш халқнинг «хору зор»лиги, «ҳуқуқсиз»лигини кўриб ачинди ва уни маърифатли қилиш билан жабру зулмдан қутқазиш мумкин деб ўйлади; бу йўлда тўсқинлик қилаётганларни эса имкони борича танқид қилди.

Ўзбекистонда илғор рус маданиятининг илк тарғиботчиси Аҳмад Дониш эди. «Аҳмад Донишнинг илғор ғояларини,— деб ёзади «Наводирул-вақоєъ»нинг сўз бошисида академик Иброҳим Мўминов,— унинг замондошлари — Фурқат, Муқимий, сўнгра Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Сиддиқий каби мутафаккирлар — ажойиб фикр эгалари қабул қилиб олдилар ва давом эттирилар<sup>1</sup>.

Февраль революциясидан кейин Сиддиқий «Иттифоқ» жамиятининг аъзоси сифатида жамоат ишларига актив қатнашди; ижтимоий-сиёсий мақолалар ёзди. Октябрь революциясидан кейин Самарқанд область адлия комиссари, кейинчалик эса халқ терговчиси сифатида ички душманларга қарши курашди. Халқ маорифи системасида ишлади. Майна, Гина-гина, Алмос тахаллуслари билан ҳажвий шеърлар ёзди. Гоголнинг «Шинел» ини таржима қилди.

У 1927 йилда Самарқандда вафот этди.

Шоирнинг февраль революциясигача ёзган асарларида заиф томонлар ҳам бор. У феодал-колониал тузумнинг айрим иллатларини танқид қилса-да, бу тузумни йўқотмасдан халқни чинакам маданий ва баҳтиёр қилиш мумкин эмаслигини тушунмади. Айрим ҳолларда эса жадидлар таъсирида бўлди.

Унинг «Анжумани арвоҳ», «Миръоти ибрат» (1912), «Ганжинаи ҳикмат», «Миръоти ибрат» (1914), «Айнул-адаб» ва «Тажвид» (1916) номли асарлари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланади. Биз танланган асарлар шоирнинг «Айнул-адаб» номли шеърлар тўплами ҳамда «Машраб» журналидан олинди.

\* Иброҳим Мўминов, Аҳмад Дониш ва унинг «Наводирул-вақоєъ» асари ҳақида. Аҳмад Донишнинг «Наводирул-вақоєъ» китобида Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1964 йил, 29-бет.



## ФАЗАЛЛАР

Ж

\* \* \*

момали шайтонларинга «шукр», худоё!<sup>1</sup>  
Бу фоқиди иймонларинга «шукр», худоё!

Сад чекмака ирфон йўлина амр эдамишлар,  
Бу фикрли султонларинга «шукр», худоё!

Файрат-ла қамаб мактаби савтийлари, ҳайҳот,  
Бу зумраи нодонларинга «шукр», худоё!

Мактаблара хас узра чўжуқлар ўхудурлар,  
Дилдодаи ирфонларинга «шукр», худоё!

Ислом на деюр, биз на дериз, сан на деюрсан,  
Йўлдан чихан инсонларинга «шукр», худоё!

Ўз кайфина дунёни тасаллут эдажаклар,  
Қозиларинга «шукр», худоё!

Чойхоналара мактаб очиблар рамазонда,  
Атфоли ғазалхонларинга «шукр», худоё!

Созандалара баҳш эдажаклар кумуш, олтин,  
Бу соҳиби эҳсонларинга «шукр», худоё!

Ҳақ сўйляян инсонлари такfir эдажаклар,<sup>2</sup>  
Иймонли мусулмонларинга «шукр», худоё!

<sup>1</sup> Сиддиқийнинг бу шеъри Собирнинг «Бимарҳамат аъёнларина шукр, худоё!» ғазалига назирадир.

<sup>2</sup> Такfir — коғир деб ҳукм чиқардилар.

Ҳар соата юз дурлукда зайдимиз ўлмиш,  
Даъватсиз у меҳмонларинга «шукр», худоё!

Дўхтурлари-мўхтурлари ҳайрон бурохурлар,  
Жиндори парихонларинга «шукр», худоё!

Ҳар бесару сомон сару сомона эришмиш,  
Бу бесару сомонларинга «шукр», худоё!

Дунёни кечуб, охирати алдан отублар,  
Бу фоили хусронларинга «шукр», худоё!

\* \* \*

Сан этма сарвати дунёдан эътибор тамаъ,  
Хазондан этмамали нашъаи баҳор тамаъ.

Садаф саховатининг ҳар даввоби баҳр эдамаз,  
Хасисдан ким эдар дури шоҳвор тамаъ.

Бу саҳна манзарасиндан қарор этма умид,  
Ким этди киштии даробдан қарор тамаъ.

Кўнгул сижанжали занги тамаъ мукаддар эдар,  
Соқий бу кўзгу сафосинадур ғубор тамаъ.

Қаноат аҳлининг аҳволи халқдан мастур,  
Эдар разолати ҳолингни ошкор тамаъ.

Асири чангали базми меҳнат ўлмишсан,  
Насил бу ҳол ила сан айлагунг шикор тамаъ?

Тамаъ қопусини зинҳор очма, эй Ажзий,  
Жаҳонда этқуси таммои шармсор тамаъ.

\* \* \*

Надан жаҳона аён этди эътибор садаф?  
Ким этди жон гуҳарин халқ учун нисор садаф.

Сан ўйла толиби борони илму маърифат ўл,  
Чунонки толиби найсондуур бахор садаф.

Хизонаи гуҳар ул, жумла халқа ул матлуб-  
Ки, баҳра чекмади ғаввоси интизор садаф.

Ҳамиша софдил ўлмоқ-ла иштиҳор эдакўр,  
Қўтарди ўйлаки оламда иштиҳор садаф.

Дурри маорифа ганжина айла мағзи саринг,  
Гуҳар-ла мағзиз ўлмакдин энди ор садаф.

Тазаллум аҳли тавозуъ нуқуди-лан хижил эт,  
Ҳалок эданлара лўълўъ эдар шумор садаф.

Рақибдан на жафо келса собир ўл, Ажзий-  
Ким, ўлмади аччи сув ичра беқарор садаф.

\* \* \*

Париўлар паришон зулфитак хотир парешонам,  
Паришонам надан, хотир парешонлиқ-ла ҳайронам.

Надан овора дашти ғамда нолон кездугим билмам,  
Магар Мажнуни Лайлой нашоти базми ирфонам.

Гирифтори саводи хатту холи сафҳаи дардам,  
Асири кулфати ранжу балою доғи ҳирмонам.

Фақиди эътиборам сарват асҳобин қапусида,  
Садафтак баҳри бесомони олам ичра урёнам.

Ҳаводис сарсари ҳар ёна кездурмақ-ла ҳар соат  
Парешонам, парешонам, парешонам, парешонам.

Финоу сарвати мардумдан истиғнодаям, аммо—  
Фақирам, гарчи тахти фақр майдонинда султонам.

Дагул ҳар зарра кам ўз оламинда қурси ховардан,  
Бу янглиғ гӯшай узлатда гўё бир Сулаймонам.

Давои захми носурим эмишдур суҳбати ориф,  
Вале маҳдуфи пайкони балои қавми нодонам.

Эшит, ё раб, бу Ажзий эътиборинким, деюр ҳар  
дам:  
—Умиди афвинг этмак нўла гар мумтози нуқсонам.

\* \* \*

Сийнам, аҳбобларим, оташи ғамдантур доғ,  
Танда руҳим неча осори аламдантур доғ.

Фазл сармоясидан дасти муродимдур танг,  
Оҳқим, хаста дилим мояни камдантур доғ.

Үлмади маҳрами асрори ҳарими самадий,  
Зоҳидинг сийнаси савдои санамдантур доғ.

Булбули хокнишин этди гулистон шавқи,  
Қафаси ҳажрда раънои эрамдантур доғ.

Бодаи ҳирс ила арбоби карамдур сархуш,  
Ажзий бу борада арбоби карамдантур доғ.

\* \* \*

Кўнглум асрорини шарҳ этмага бир маҳрам йўқ,  
Ҳамдами дард манам — дардима бир ҳамдам йўқ.

Бахт ёр ўлмадигин англадим андинким, бан —  
Жисми мажруҳима марҳам тиларам—марҳам йўқ.

Хуррам ўлмақда жаҳон боғина шарт эрди баҳор,  
Даҳр боғинда баҳор ўлди — дили хуррам йўқ.

Жаһнат обод эди Одам ила Ҳавводан,  
Жаһнат аҳволи надур, шимди анга одам йўқ.

Ўлди тан қалъаси ғам лашкарин истеҳкоми,  
Ғам учун ғайр танин қалъаси мустаҳкам йўқ.

Ўлма озурда мани зордан, эй кўнглумким,  
Ман у соатдаки, маъдум ўларам — сан ҳам йўқ.

Сонмишам ўйлаки, Ажзий, мана маҳсусми ғам?  
Дедилар:— Ғам емаким, даҳрда бир бегам йўқ.

\* \* \*

Ҳилолинг суратитак, эй фалак, қаддим дуто этдинг,  
Вужудум оташи ҳасрат-ла ёндурудунг, фано этдинг!

Алим озод экан, занжири истибдода банд этгач,  
Танимни хаста кўргач, раҳм умид эттим-жафо этдинг!

Қаноат этмадинг жисмимни зери поя этмак-лан,  
Тазаллум тифи-лан бошим кесуб, тандан жудо этдинг!

Мани гафлат шароби сархуш этмиш жоми макринг-  
дан,  
Бошимга лашкари ғам фавж-фавжи-лан раҳо этдинг!

Балолар ўқларин ёндурудунг, ижро ўлди бу бешак,  
Бу мақсад-лан мани маҳдуфи пайкони бало этдинг!

Ҳаётим, шавкатим, шаъним йиқуб, туфроға паст эт-  
кач,  
Сару коримни вайрон айладинг, баҳтим қаро этдинг!

Бузулсин чодаринг, анжумларинг назмидан айрилсун,  
Хароб ўл ман кабиким, обрўйим зери по этдинг!

Тани мажруҳими қон қатраси қатъ ўлмаюб ҳоло,  
Бошимга ханжари бедод чекмак муддао этдинг!

Фалак ҳам сан каби оворау саргаштадур, Ажзий,  
Вале билмасмиким, раҳм этмади, чандон наво этдинг!

## «ЛИГА НАЦИЙ» ГА «ТАВСИЯ»<sup>1</sup>

Жим ўтирма, жаллодга мандат бер!  
Катта сен, мақсадингни англат бир!

Тўпга тутдир арабни, яғмо қил,  
Дод эшитма, кўзингни аъмо қил!

Лиги нация эрур сенинг отинг,  
Панқара, Чемберлин эрур зотинг!

Бойға тегма, фақирни ўлдиргил,  
Мингтасин бир чуқурға кўмдиргил!

Коммунистдан сира вакил олма,  
Ўз бошингни тузоққа илдирма!

Шарқ эли «култур»ингдан айлансун,  
Қул бўлиб мандатингга байлансун!

1926  
Майна.

---

<sup>1</sup> Бу шеърда Ажзий киноя ва захархандалик йўли билан «Лига нации» («Миллатлар лигаси»)нинг реакцион моҳиятини фош этмоқда (ред.).

## ЧИН ВА ЁЛФОН ЗИЁЛИЛАР

Бугун сиздан очарман достонистон, зиёлилар,  
Эрур мумтоз мадҳимдан ҳама ёлфон зиёлилар.

Ҳузури олами инсон учун даркордан бошқа,  
Вужуди олами ахлоқ учун нуқсон зиёлилар!

Сўзи бир мактаби олий, ўзи бир манбаи ирфон,  
Юзи миръоти ибрат, қалбида виждан зиёлилар.

Тилида заҳри афъи, ниши ақраб ҳар каломида,  
Юзи инсонга ўхшар, тийнати шайтон зиёлилар.

Вужуди марҳами доруш-шифо мажруҳ танларға,  
Жаҳолат тифларига ноиби Луқмон зиёлилар.

Йўл узра тошдек тўскун бўлиб элни тўқиширган,  
Йиқилған халқнинг пешонасин ёрғон зиёлилар.

Башар наслига ҳомий, халқ авлоди ўз авлоди,  
Бирав жонини ўз жони каби билгон зиёлилар.

Кийиб бошига гаҳ дастору гоҳи фас, гаҳи телпак,  
Юз алвон ҳар нафас «дажжожатул-маржон» зиёли-  
лар-

Чолишқан халқ ихёси учун бир лаҳза тинмасдан,  
Бўлуб саққои оби чашмаи ҳайвон зиёлилар.

Қасофат наҳсу накбатларни дойим орқалаб юрган,  
Кўринган, учраганинг бошиға ургон зиёлилар.

Бирав роҳатсиз ўлса тани, бўлған жони роҳатсиз,  
Бирав мазлум экан, золимға ўқ отгон зиёлилар.

Ўзи жони учун минг жон қадрин бир фулус этган,  
Килиб ўз фойдасига халқни қурбон зиёлилар.

Хадаф бўлган балою, таъну лаън ўқиға ҳар соат,  
Нажоти зумраи инсон учун қалқон зиёлилар.

Ўзидан ўзгани инсон экан деб эътироф этмай,  
Ўзининг билмаганин билгилик билгон, зиёлилар.

Зиёлиларнинг анвоини тасвирини ман чекдим,  
Қаюсин билгусиз, инсонлар, инсон зиёлилар.

1926  
Гина-гина.

## ЎЗИ АНГЛАВЧИГА!

Бугун, эй жўралар, ман бир тарийқ ишлашни ўргандим,  
Бирор уйига бир кирганда, бир қишлишни ўргандим.

Ўз оғзим бирла ман тишлар эдим, энди тишим синди,  
Биравни бошқалар оғзи била тишишни ўргандим.

Агар бўйнимдаги ҳалқа-тузофимдан халос ўлсам,  
Киши бошиға бир ўрнига юз мушлашни ўргандим.

Бурун бир тусда ишлардим, бугун янги чопон кийдим,  
Бу янги тўн тагида, янги тус ишлашни ўргандим.

Тишим ўсмасмукин деб ҳар замон ашкимни ушлайман,  
Надан тишишни ҳам соққолдан ушлашни ўргандим.

Кўзинг борми? Юзинг борми? — демасман қўлга  
тушганга,  
Ёқасидан тутиб, ҳар сори силкишишни ўргандим.

1926  
Алмос.





# ТАБИБИЙ







# Ҳ

ҳмаджон Али ўғли Табибий XIX асрда Хоразмда етишган шоирлардандир.

Биз «Ўзбек адабиёти» китобининг IV томида шоир Табибий ҳақида қисқача маълумот ва лирик ижодидан намўналар берган эдик. Қейинги изланишлар натижасида шоир ижодига оид жуда муҳим янги материаллар топилди. Табибий форс шоири Зоҳир Қирмонийнинг насрда ёзган машҳур «Вомиқ ва Азро» достонини ўзбек тилига ижодий тарзда назмда таржима қилган. Достон 16200 сатрдан иборат.

«Вомиқ ва Азро» асосан ишқий романтик достондир. Унда дўстлик, чин муҳаббат, илм ва ҳунарга ҳурмат, мардлик ва қаҳрамонлик, ҳақиқат ва адолатни улуфлаш каби масалалар куйланади. Шунингдек, халқнинг озодлик, адолатли шоҳ ва марказлашган давлат ҳақидаги орзулари тараннум этилади.

Шоҳ асарлардан ҳисобланган «Вомиқ ва Азро»ни ўзбек китобхонларига тақдим этиб, Табибий ғоят қимматли иш қилган.

Бу ерда шу достондан намуна тарзида парча берилди.



Шоҳ Вомиқ бир кечада Азрони тушида кўриб тозадин  
ошибталиғда ягона бўлғони ва Азронинг ҳама аҳволин  
сўруб юз шавқу завқ била йўлга равона бўлғони.

Ҳ

уш улким баҳтни бедор топрай,  
Агар уйқуда васли ёр топрай.

Ҳамул ким ишқ илмида мударрис,  
Эди ҳам нуқта фанниға муҳандис.

Бу янглиғ қилди бу ерда ҳикоят,  
Ки Вомиқ уйқуда қилғач фароғат.

Тушида кўрдиким маҳбуби Азро,  
Ҳамул кечада доғи чодирда, аммо—

Ўтирмиш ўзи бирла суҳбат айлаб,  
Такаллум беҳаду беғоят айлаб.

Боқиб чун кўрди ул ишқи жаҳонгир,  
Эрур Азро аёқи узра занжир,

Бало зиндонида маҳбус бўлмиш,  
Қўзи ҳам қонлиғ ашки бирла тўлмиш.

Кўруб Азрони ул шоҳи вафокеш,  
Оёқда қайд ила ғамгин дили реш.

Қилиб ҳайратни бермас ҳечгаҳ ёд,  
Ки топрай банд пойи сарв озод.

Магар ошиқ эрур занжири авбош,  
Ки зулфидек оёқига қўяр бош.

Қилиб бу важҳдин зулфин паришон,  
Ки ўпгай соқини занжири печон.

Қўруб Вомиқ, бу янглиғ можарони,  
Чекиб афсус ила оҳу навони

Деди: «Кей ҳалқаи зулфинг гириҳигир,  
Сани ким қилди мундоқ пой занжир?

Нединдур тавқ банди сийм соқинг,  
Бу зиндан не учун бўлди висоқинг?

Қафасда расм эрур банд ўлса булбул,  
Киши ҳаргиз қафасда кўрмамиш гул.

Бу дам кўрдум ажаб расми дигаргун,  
Ки Лайли бастаи занжир Мажнун.

Сен ўлмишсен чу занжир ила баста,  
Анга лоюқ мени мажнуни хаста.

Сени қилғунча бу занжир дилгир  
Менинг бўйнимға тушгай эрди занжир».

Деди Азро бўлуб хун ашк афшон:  
«Ки, эй меҳру вафо шаҳрида султон.

Ҳам ул тунким бўлуб шавқим зиёда  
Қўлингға бермишам бир жом бода.

Бўлуб андин пари ранжу анолиғ,  
Топиб ишқинг ғамиға мубталолиғ.

Манга тушди бу икки банд мушкил,  
Оёқ занжир топтию, гириҳ дил.

Етушди беҳаду сон ишқ доғи,  
Бало базмида ичдим давр аёғи.

Вале сен салтанатда шод бўлғил,  
Хилофат тахтида обод бўлғил.

Буни бил лекким ғамхонаи ишқ,  
На ғамхона, буюк кошонаи ишқ.

Эмас ғаммоздин бир лаҳза холи,  
Гар ошиқ дун эрур, йўқ эрса олий.

Эрур пайдо жину инс ичра ҳосид,  
Қиулурға ўртада радди мақосид,

Бу важҳ ила манга ҳам бир жамоат,  
Ҳасад айлаб аён беҳадду ғоят.

Етурдилар қилиб кўнглумни ғамлиф,  
Отам наздида асрү ғуттаҳамлиф.

Бўл эмди воқиф, эй шоҳи ягона,  
Эшитсанг бор узун мунда фасона.

Мени ишқ айлади бу навъ побаст,  
Балоу, дарду, андуҳ ила ҳамдаст.

Сенинг ишқ ичра аҳволинг нечукдур  
Де, ўтган моҳ ила солинг нечукдур?

Менинг ҳижронда дарду меҳнатим кўп.  
Машаққат бирла доғу ҳасратим кўп.

Сенинг ҳолинг нечукдур дарду ғамдин,  
Фироқ ичра ниҳоятсиз аламдин?

Мени қилди сипоҳи дард помол,  
Санга ҳижрон ғамидин недур аҳвол?

Агарчи мен эрурман ғамда побанд,  
Бўлуб сен салтанат тахтида хурсанд.

Майи ишратни доим айлагил нўш,  
Мени ҳам қилма ёдингдин фаромуш.

Раҳми меҳри вафо таркини тутма,  
Мени бечорани доғи унутма».

Чу Вомиқ дилбари ҳолини билди,  
Тўкуб ашкин басе фарёд қилди.

Дебон беҳадду сон ва ҳасратолар,  
Хузун айлаб, чекиб оҳу наволар.

Дариғо, бу нечук бордур аломат,  
Аломат дема, бал рўзи қиёмат,

Ки андоқ нозанини моҳ сиймо,  
Юзи гул, қомати сарви дил оро,

Менингдек бир гадони шоматидин,  
Жудо бўлса бу янглиғ роҳатидин,

Ало эй дилбари яктои даврон,  
Жамолинг нашъа бахши соғари жон.

Фами ишқинг эрур дардим давоси,  
Танимға жон берур кўйинг ҳавоси.

Раҳи ишқингда зору бекас эрдим,  
Фироқнинг оташи ичра хас эрдим.

Сени кўрдум бу ҳолат бирла маҳзун,.  
Фаму дарду малолим бўлди афзун.

Бор эрдим дарди ҳажрингда фитода,  
Бу дардим барчадин бўлди зиёда.

Не янглиғ айлагум бу ишга чора,  
Ўлай ё худ қиласи ўзимни пора.

Фидо бўлсун йўлингда жисму жоним,  
Санга бўлсун тасаддуқ хонумоним.

Эрур ишқинг манга ўлгунча пеша,  
Сенинг ёдингда бўлғумдур ҳамиша.

Қилиб лутфу мурувватлар ҳувайдо,  
Деди Вомиққа ушбу лаҳза Азро:

«Ки, эй меҳру вафо шаҳриға султон,  
Хилофат маснади узра Сулаймон.

Бани одам аросидин мани зор,  
Сенингдек кўрмадум ёри вафодор.

Неча кўрсанг доғи ранжу машаққат,  
Ўзингға айламишсен сабр одат.

Вафо йўлидин ўлмай инҳирофинг,  
Сўзингда бўлмади асло хилофинг.

Ҳамул кунким муаббад сориға сан,  
Ўқур эрдинг бориб илм ила фан.

Очиб мен ишқ жангидин варақлар,  
Олур эрдим вафодин кўп сабақлар.

Эди меҳрингға жо кўнглум ҳарими,  
Бўлуб жоним аро ҳажрингни бийми.

Манга ул кунки ишқ ўлди мураббий,  
Ўқур эрдинг сен ул кунда «алифбе».

Муаббад бир эмастур устодинг,  
Менинг хаттим била чиқди саводинг.

Ҳамул важҳ ила мен ўз суратимни,  
Қилиб тасвир шаклу ҳайъатимни.

Санга қилмиш эдим мен они ирсол,  
Сени то ошиқ этгай деб бу тимсол.

Яна ўзни қилиб бир дилкаш оҳу,  
Чиқиб ул дам сенинг қошингға ўтру.

Жудо сендин қилиб лашкарларингни,  
Паришон айлабон аскарларингни,

Олиб чиқдим сени мен ул ародин,  
Санга бўлмай хабар бу можародин.

Сени ул тунги базмимға чақирдим,  
Ўз илгим бирла бир соғарни бердим.

Ҳамул лаҳза манга қилдинг назора,  
Ғамим тифи юрагинг қилди пора.

Бу миннат узрини мен то қиёмат,  
Қила олмон адо, эй моҳ талъат.

Бўлуб ишқинг била мен ҳам аламлиғ,  
Отам ёнида топдим муттаҳамлиғ.

Эрур кўнглум ғаминг қайди билан банд,  
Бўлуб дардингда жоним неча парканд.

Умидим эмди сендин бор эрур бу.  
Ки жаҳд эт мен сари келмакка ўтру.

Нечунким келмасанг мен сориға гар,  
Етушгуси манга кулфат муқаррар».

Деди Вомиқ чекиб ағфону фарёд:  
«Ки, эй ширин лиқо ёри паризод,

Сенинг не навъ етгум хизматингға,  
Мушарраф не навъ ўлғум сұхбатингға.

Била олмон сенинг ному нишонинг,  
Не ерда эрканин жойу маконинг.

Агар билсам сенинг манзилгаҳингни,  
Қиурман бош била хоки роҳингни».

Деди Азро анга: «Эй, марди комил,  
Мақомим топмоқингдур асру мушкил.

Агар машриқ сори бўлсанг шитобон,  
Бўлурсен восили хуршиди тобон».

Эшитгач ушбу сўзни шоҳ Вомиқ,  
Бўлуб қон кўнгли андоқким шақоийқ.

Ҳануз этмай савол онинг диёрин,  
Доғи мажмуъи сирри кору борин.

Кўзи уйқудин анинг бўлди бедор,  
Кўзидин сочиб ашкини матар бор.

Қилиб юз навъ ташвир ошкоро,  
Деди: «Ё лайта мутут қабла ҳозо».

Миниб отифа ул шоҳи ягона,  
Раҳи машриқ сори бўлди равона.

Тонг отғунча йўл узра азм қилди,  
Машомиға насими субҳ келди.

Замири ғарқ ўлуб файзу сафоға,  
Деди диққат била боди сабоға:

«Ало, ё эй насими субҳи равшан,  
Шамимим атрабахши файзи гулшан.

Бўлуб шаб зинда дору дашт паймо,  
Саҳар ишқ аҳлиға сен қилғунг иймо.

Бўлуб ҳар субҳидам доим саҳархез,  
Эрурсен гулистонлар ичра гулрез.

Мақомингдур гаҳи оғуши ғунча,  
Гаҳи гул узра урғунг кож мунча.

Гаҳи қилғунг эсиб оройиши гул,  
Бўлуб машшотай гисуёйи сунбул.

Уруб гаҳ базмнинг шамъини барҳам,  
Урарсен гул юзиға гоҳи шабнам.

Ҳаводоринг гулу сарви гулистон,  
Санохонинг бори насринурайхон.

Эрур саҳни гулистон сайдгоҳинг,  
Бўлуб райхону насрин фарши роҳинг.

Шамиминг атри бирла тавъамондур,  
Баҳори боғ аро ҳукминг равондур.

Эшит бу мултамас мен нотавондин.  
Балойи ишқ ила озурда жондин.

Ки ногаҳ сайд этиб ҳар дашту водий,  
Гузаргоҳ айласанг машриқ саводи,

Кезиб сайд айлагил машриқ диёрин,  
Тамошо айла боғу кўҳсорин.

Сўроғ айлаб, қилиб ҳар ён таку пў,  
Тажассус бирла қилғил жаҳд асру.

Топиб ул ҳур пайкарнинг маконин,  
Етишгач мендин ўпкил остонин.

Адаб бирла топиб ондин ижозат,  
Бажо келтургил одоби таҳият.

Агар топсанг ҳузурини баякбор,  
Дуо бирла салом эт мендин изҳор.

Дегил: «Эй офтоби заррапарвар,  
Малоҳат гулшани ичра гули тар.

Бор эркантур санга мажнуни фамнок,  
Фами ишқинг била афтодаи хок.

Забун ўлмиш йўлингда ҳолизори,  
Бўлуб афсурда жисми хоксори.

Эрур зикри тилида гуфтугўйинг,  
Жабини саждагоҳи хоки кўйинг,

Сени деб тахти тожидин кечибдур,  
Шароби шавқ ёдингда ичибдур.

Келур пўя уруб афтону хезон,  
Қаён борурни билмай асрү ҳайрон.

Вале билмас сенинг манзил-маконинг,  
Киши топмаски то сўрғай нишонинг.

Ўзинг гар қилмасанг лутфу ҳидоят,  
Анинг аҳволи қаттиғдур бафоят».

Сабоға бу тарийқа шоҳ Вомиқ,  
Юрур эрди дебон сўз сўйи машриқ.

Баногаҳ ўлди мундоғ амри воқе—  
Ки, бўлди шарқдин хуршид толеъ.

Тушуб кун партавиға шоҳ кўзи,  
Бўлуб зоҳир тилида ушбу сўзи,

Деди: «Кей мұхташам султони ховар,  
Фалак майдониға сурган таковар,

Санга зебанда келди қаҳрамонлиғ,  
Мусалламдур санга гетистонлиғ.

Сенингдек ким кўрубдур қаҳрамонни,—  
Ки, бир кун ичра олмишдур жаҳонни.

Қамина чокаринг Баҳрому Биржис,  
Надими хилватинг Исоий ўрис.

Жаҳон очмоқ учун бўлсанг сувора,  
Сипоҳинг бўлғуси моҳу ситора.

Сен ўлмай тарбият бирла муовин,  
Эмас комил набототу маодин.

Сенинг нуринг била равшандур оғоқ,  
Қилурсен партавингдин ой юзин оқ.

Ёрутмассен агар кўкни ҳисорин,  
Қаро қилғунг жаҳонни рўзгорин.

Чу сен тарбият айлаб ошкоро,  
Бўлур тарбиятингдин лаъл хоро.

Эшигил, эй шаҳаншоҳи жаҳонгир,  
Санга арз айларам ҳолимни бир-бир,

Менинг кўнглумда бор ул борадин ғам—  
Ки; ишқидур манга бу дам мусаллам.

Юзи гул, оғзи гунча, қадди шамшод,  
Риёзи жаниат ичра сарви озод.

Жамоли оразингдин олам афрўз,  
Фуруғи сендеқ айлар шомни рўз,

Санга ул юздин ўлдим меҳрпайванд—  
Ки, бор рухсори рухсорингға монанд».

*Шоҳ Вомиқнинг бекарорлиғ важҳидин  
Азроға нома ёзғони*

Ало, ё эй насими субҳоҳи,  
Этурсан субҳи содиқнинг гувоҳи.

Етургунг ҳар саҳар, эй файзи довар,  
Паёми субҳ то хуршиди ховар.

Етур Азроға ҳам пайғоми Вомиқ,  
Ки ул хуршид эрур мен субҳи содиқ.

Етур арзим қилиб кўнглумни масрур,  
Бўлай чун субҳи содиқ матлаи нур.

Дегил, кей Зуҳра чеҳра, Муштарий рўй,  
Ҳилол абрў, қамар талъат, суман бўй,

Санга пайваста кўнглум эрди муштоқ,  
Фироқинг тоқатимни айлади тоқ.

Қилиб меҳри руҳинг шавқинг ўтин теа,  
Вужудим зарра янглиғ бўлди ноҷиз.

Қўнгул абрўйинга муштоқ доим,  
Ҳилоли ийд учун андоқки сойим.

Қуёшинг толеъ эт, эй маҳжабиним,  
Ки то юз меҳр бўлсун хўшачиним,

Бўлурму мунча ҳижрон шоми жовид,  
Тулуъ этмасму ҳаргиз субҳи уммид.

Қачонға тегру бўлғум зору маҳзун,  
Қилиб ишқинг манга чун насрар афсун,

Манга жоду кўзунгдур сеҳр пайванд—  
Ки, солмай насрар сеҳри ул қадар банд,

Мени афсуни зулфинг қилди бад ҳол,  
Агарчи насрар сеҳрин қилдим ибтол.

Эрур кўнглум ғаминг тифидин афкор,  
Фироқинг еткуур жонимға озор.

Ғамингдин, эй нигори сийм ғабғаб,  
Қачон фарқ айлагумдур рўз ила шаб..

Чекиб андуҳи кулфат субҳ ила шом,  
Манга не хоби роҳатдур, не ором.

Фироқинг ўт солиб жонимға асру,  
Чекарман ул жиҳатдин ҳазну қайғу.

Чекарман ҳар нафас фарёду афғон,  
Бўлуб бағрим ғаминг бирла тўла қон.

Кўнгулда дарду оломим фузундур,  
Кўзум ашки мудомо лолагундур.

Тиларман борҳо васлингға етмак,  
Майи васлингдин ўзни маст этмак,

Қачонким эсгуси боди саҳаргоҳ,  
Чекарман тинмай асру нолау оҳ.

Қаро бўлмиш жаҳон сенсиз кўзимга,  
Такаллумлар қилурман ўз-ўзимга,

Ки, эй баргашта толеъ, бахти вожун,  
Бўлурсен тобакай бу навъ маҳзун.

Қилиб ишқ ичра баҳтинг раҳнамолиғ,  
Жаҳон комингға етгуси раволиғ.

Агарчи ишқ аро собит қадамсен,  
Вале ҳижронда побости аламсен.

Агарчи ўзни тутғунг марди комил,  
Вале ёринг санга йўқ лаҳза мойил.

Нишоти айшдин бегонадурсен,  
Жаҳон ичра басе афсонадурсен.

Агар кўрса нигоринг бу маошинг,  
Сариф юз узра оқғон қонлу ёшинг,

Сўрар эрди тараҳҳум бирла ҳолинг,  
Кўруб фурқатда ўтган моҳу солинг.

Вале на судким эрмас хабардор,  
Санга бир лаҳза эрмас дилбаринг ёр.

Фараз айлаб бу янглиғ сўз намоён,  
Чекарман ҳар кеча фарёду афғон.

Санга айлаб бу лаҳза шарҳи аҳвол,  
Салому номани қилғумдир ирсол.

Салом, эй қоши ёу кирпиги ўқ,  
Сенинг ҳажрингға эмди тоқатим йўқ.

Салом, эй нозанини ўзи танноз,  
Бўлубдур меҳнатим кўп, роҳатим оз.

Салом, эй лаблари кони ҳаловат,  
Манга йўқ сенсизин хоби фароғат.

Салом, эй нозпарвар нозипийро,  
Нечук топғум висолинг базмиң оё.

Салом, эй кўзлари шаҳлоу фаттон,  
Ани ўпмакни истаб чеккум афғон.

Салом, эй жабҳаси хуршиди ховар,  
Қачон шомимни қилғунгдур мунаvvар.

Салом, эй маҳвashi сарви гуландом,  
Қачон илгингдин ичкумдур тўла жом.

Салом, эй инсу жинс ичра ягона,  
Менинг сори қачон бўлғунг равона.

Салом, эй лутфи дардимнинг давоси,  
Ёрутгай кўзларим ҳуснин зиёси.

Салом, эй меҳрибоним, роздорим,  
Қачон оллингда бўлғуси қарорим.

Салом, эй ҳурваш, Исо сифотим,  
Бўлур оё қачон ғамдин најжотим.

Салом, эй васлинга жоним фидодур,  
Ғаминг тифи била кўксум яродур.

Салом, эй лаъл кони қанду шаккар,  
Қачон бўлғумдур ондин баҳра парвар.

Салом, эй ноз фанни ичра моҳир,  
Висолинг бирла қил хушнуд хотир.

Салом, эй фикри ороми замирим,  
Қолибмен ҳажр аро бўл дастгири.

Салом, эй талъатинг тобанда хуршид,  
Қилурман кўрмак они доим уммид.

Салом, эй коми жону роҳати дил,  
Манга лутф ила бўл бир лаҳза мойил.

Лабингдин айру ичсам бодаи ноб,  
Топар ондин мазоқим таъми хуноб.

Юзинг ҳижронида ўтдур манга гул,  
Сочинг фикридадур ўт дуди сунбул.

Тузар базм ичра мутриб зер ила бам,  
Қулоқимға келур фарёди мотам.

Агар партав солур устимга маҳтоб,  
Катон янглиғ мени ўртар ўшул тоб.

Кўрунур кўзума гул шакли ахгар,  
Урар гул решаси жонимға ништар.

Насими жонғизо етса мутайяб,  
Самум осо етургай жонима таб.

Кўрунса кўзума мийнойи гулранг,  
Топар ул лаҳза кўнглум шишаси занг,

Етибдур жонға бас андуҳи ғамдин,  
Юзум коҳи эрур дарду аламдин.

Килиб лутфу қарам, эй шўхи дилкаш,  
Мени чеккил ўзингга каҳрабоваш,

Иложи васл учун айлаб чу тадбир,  
Манга қилдинг ишорат азми тасхир,

Қилиб лутфу иноят ҳайи яздон,  
Тамоми мушкил ишлар бўлди осон.

Вале бордур бу мушкил узра мушкил,  
Ки кўрмасмен қилиб кўйингда манзил.

Кечакундуз бўлиб кўйунгда зойир,  
Замоне бўлмадим ҳуснингга нозир,

Қилурмэн жон била, эй ғайрати ҳур,  
Яна бўлсам не янглиғ ишга маъмур,

Чу Вомиқ номаси Азроға етди,  
Ўқуб сирридин ўзни огаҳ этди.

Олиб илгига Азро ҳам қаламни,  
Жавобиға бу навъ этти рақамни.

*Азронинг шоҳ Вомиқ номасига жавоб ёзиб Баҳром  
била Бежоданинг ҳам сиёсат била қатлға  
етмагин илтимос қилғони*

Не ҳуш фархунда соатдур бу айём,  
Ки етди ёрдин жонбахш пайғом.

Саҳарким айлабон иқбол таъийид,  
Етушмай субҳға пайғоми хуршид.

Ҳануз огоҳ бўлмай шоҳи ховар,  
Ки вақт ўлдики қўйғай бошға афсар.

Етурди бас насими субҳи содиқ,  
Ҳазин Азро учун пайғоми Вомиқ.

Бўлуб бу бахти хоб олуда бедор,  
Манга ногаҳ етушди ваъдаи ёр.

Эрур ул номаи дилдори гулчехр,  
Муҳаббат бар муҳаббат, меҳр бар меҳр.

Етиб ул нома қилди хотирим шод,  
Ки ғам илгидин эрди хатти озод.

Оритди хотиримдин гарди кулфат,  
Ҳазин қўнглумга еткурди масаррат.

Очиб қўргач саводин ошикора,  
Нишоти ишратим бўлди ду бора.

Хатидин топди афзойиш нишотим,  
Румузи қилди афзун инбисотим.

Манга ҳосил бўлуб баҳту саодат,  
Жаҳон андар, жаҳон коми муродат.

Ало, эй хисрави хуршид афоар.  
Сарафрози салотин банда парвар.

Кўруб номангни бўлди тоза жоним,  
Балолардин эрур охир замоним.

Демишсанким ғами ҳижрон қилур шўр,  
Балоу дарди фурқат келтуур зўр.

Нечук мен келтурай бу сўзга тоқат,  
Ки менда йўқдур асло омну роҳат.

Баҳар сурат санга етсун пайдим,  
Сабо бирла етушган чоғ саломим.

Салом, эй қомати сарву санубар,  
Санга бормен канизи зору камтар.

Салом, эй ҳусни меҳри олам аро,  
Анинг ҳажрида шомим тийра аммо.

Салом, эй мардлар фарзона марди,  
Раҳи ишқ ичра ушшоқ аҳли фарди.

Салом, эй хотирим ичра нишотим,  
Хаёлинг бирла бордур инбисотим.

Салом, эй ишқнинг мулкида султон,  
Салом, эй зубдаи оли Сулаймон.

Салом, эй зойири даргоҳи тақдис,  
Келиб сен нисбати аҳфоди Билқис.

Салом, эй нисбати покиза гавҳар,  
Қачон васлинг манга бўлғай муюссар.

Салом, эй ишқ аҳлин покбози,  
Жамиийи покларнинг сарфарози.

Салом, эй қомати сарви равоним,  
Замирим қуввати, жисм ичра жоним.

Салом, эй қуввати жисми низорим,  
Ҳабибим, меҳрибоним, роздорим.

Салом, эй фазлу ҳикмат ичра якто,  
Санга йўқдур жину инсонда ҳамто.

Салом, эй маҳжабини шаҳд гуфтор,  
Эшитмакка каломинг бўлмишам зор.

Салом, эй ишқ ичра собит ақдом,  
Висолингдин манга йўқ ўзга бир ком.

Салом, эй лутф пеша меҳр бунёд,  
Мусаллам дер санга ишқ ичра Фарҳод.

Салом, эй соҳиби меҳру муҳаббат,  
Эрур ошиқлифинг ҳар кимга мусбат.

Мени сендин фузундур иштиёқим,  
Туташқон сарбасар ўтдур висоқим.

Менинг илгимда бўлса чораи кор,  
Бўлур эрдимму мунча хастай зор.

Сенинг бирла бўлуб пайваста ҳамбар,  
Ҳамоғуш ўлмағай эрдимму яксар.

Қилур эрдим бу ишда саъӣ ила жаҳд,  
Лабим лаълингдин ўлғай эрди пур шаҳд.

Қилиб жон жавҳарин ҳар дам нисоринг,  
Кўзумга тўтиё айлаб ғуборинг.

Қилиб сарвинг била сарвимни ҳамдўш,  
Ниҳолинг бирла шамшодим ҳам оғўш.

Гулу булбул каби бўлсак, чаманда,  
Масарратдин бўлуб лабриз ҳанда.

Тарабгоҳ ўлса вуслат гулистони,  
Нишимин бўлса вуслат ошиёни.

Топиб ваҳдат майдин ком пайваст,  
Гар ўлсақ ғайбати базмида сармаст.

Висол ўлса аро ерда агар ком,  
Ўзинг саъй айласанг топғай саранжом.

Бу дам бўл васл ишиға чора пардоз,  
Висол оҳангин эмди айлагил соз.

Бу дам элга сенинг ҳукминг равондур,  
Буюрмоқлиғ ҳамон бутмак ҳамондур.

Сенинг фармонингга элдур мусаххар,  
Нега вуслат ишин қўйғунг муаххар.

Яна қилғум бир иш сендин таваққуъ,  
Хусулидин басе қилғум тазарруъ,

Ки ул Бежодау Баҳроми наммом,  
Ки қилдилар мени ишқингда бадном.

Алардин чекмишам доим тааллум,  
Алам андоғ етурмас мору каждум.

Басе очдилар абвоби хусумат,  
Адоват нишидин еткурди заҳмат.

Чекиб тифи забону ханжари таън,  
Ҳаволат айладилар дашнаи лаън.

Қилиб бўҳтон, уруб жонимга юз ниш,  
Маломат бирла кўнглум қилдилар реш.

Анингдек қилдилар шонимда бўҳтон,  
Ки қатлимға алардин бўлди фармон.

Манга ахтар олардин бўлди манҳус,  
Ки мен бўлдум бало сажнида маҳбус.

Бу ҳолатда мени гар кўрса гардун,  
Қотиғ ҳолим учун йиғлар эди хун.

Сен эмди қил манга лутфу иноят,  
Аларни қил сазовори сиёsat.

Алар кирдорига лойиқ жазо бер,  
Сазовор ўлса қайси иш сазо бер.

Агар сен қилмасанг бу ишни мафқуд,  
Висолимдин етушмас бўйи беҳбуд».

Чу нома шоҳ Вомиқ сори етти,  
Бу ҳолатга базе афсус этди.

Таассуф айлабон беҳад аён ул,  
Бу янглиғ нуқталар қилди баён ул:

«Ки ул муддатки айлаб нўш бода,  
Мақомим эрди боғи дилкушода.

Чун айлаб бу хабар кўнглумни ношод,  
Қасам бу иш учун қилмиш эдим ёд.

Ки гар топсам парилар мулкига даст,  
Аларни қилғамен туфроқға пайваст.

Олурман интиқоми ёр алардин,  
Ки кўрмиш ранжу ғам бисёр алардин,

Ниҳоли давлатимким топди болиш,  
Қерак душманға берсам эмди молиш».

*Шоҳ Вомиқнинг малик Шаҳболға насиҳат бериб,  
Баҳром била Бежоданинг сиёсат била  
қатлға еткургони*

Сен, эй нафсим ситамкеси ситамкор,  
Нечун мунча етургунг элга озор,

Ичиргунг элга доим жавр ила қон,  
Бу ишдин бўлмағунг ҳаргиз пушаймон.

Бу савдо ҳеч санга беҳбуд қилмас,  
Санга асло насиҳат суд қилмас.

Ошиқма, бир куни бўлғунг сазогир,  
Неким қилдинг келур олингға бир-бир.

Кўрурсен ҳарна берған заҳматингни,  
Ўзинг ичкунг ичурган шарбатингни.

Киши ҳар ерда сочса тухми ханзал,  
Тамаъ қилса шакар, бил они ажҳал.

Бўлур, бас, ул нафас Вомиқ ғазабнок,  
Туруб ўз манзилидин чусту чолок.

Шаҳи Шаҳбол сори борди филҳол,  
Кўруб бу ҳолин анинг шоҳ Шаҳбол.

Деди лутф ила: «Кей фарзона фарзанд,  
Жабинингға нединидур қаҳр пайванд.

Анинг гар боисин қилсанг изҳор,  
Менинг ҳолингдин ар қилсанг хабардор.

Неким дафъидурур қилғум тадорак,  
Сўзини айлаб ўзга тожи торак».

Деди Вомиқ: «Шаҳо, олам паноҳо,  
Фаридунфар. Скандар дастгоҳо,

Бу даргоҳ ичра икки шум ният—  
Ки, дурлар шоҳға аркони давлат.

Алар чун марди давлатхоҳ эмаслар,  
Билингким лойиқи даргоҳ эмаслар.

Аларни шаҳ тутубдур гарчи маъфу,  
Бу иш шаҳларга лойиқ келди асрү,

Вале қилмоқ ул иккини сиёсат,  
Келибдур сизга қонуни риёсат.

Бу икки ким эрурлар шаҳфа бадхоҳ,  
Аларни ҳуштурур қатл айласа шоҳ».

Малиқ Шаҳбол эшитди чун бу сўзни,  
Қилиб ғарқи хижолат ул ҳам ўзни,

Деди Вомиқға: «Берсанг ҳар неким панд,  
Барисидин бўлурмиз биз баруманд,

Бурундин ҳам манга бу ишда Тайфур  
Насиҳат бирла таклиф этти мавфур.

Бу ишда мен ва лекин айлаб эҳмол,  
Хато бирла ўтургум моҳ ила сол»,

Дебон бу сўзни андоқ қилди фармон,  
Ки қатл эттилар ул иккини ул он,

Бас ондин сўнгра Вомиқ бирла Аэро  
Ташаккур саждасини қилди баржо,

Кўнгулни айлабон шодону хуррам,  
Шароби айш ичдилар дамодам.

*Шоҳ Вомиқ ўз мансублари бирла Чин шаҳрида  
қолиб малиқ Шаҳболнинг Жобилсо кишивариға  
мурожаат қилғони*

Чу топти тўйнинг айёми итмом,  
Доғи айш ила ўтди неча айём.

Ки Вомиқ олди ҳоқондин ижозат,  
Билоди Чиндин этмакка азимат.

Деди Вомиқға онда шоҳ Фағфур;  
«Ки эй кўнглум висолинг бирла масур!»

Билоди Чин ажаб дилкаш макондур,  
Жаҳондин ўзга бу ҳам бир жаҳондур.

Эрур онда ниҳоятсиз ажойиб,  
Ажойибдин доғи кўбдур ғаройиб.

Нишоти айш эрур анда фаровон,  
Жаҳон сайри эрур бир ён, бу бир ён.

Туруб қил мунда сайру ишрати базм,  
Чу бир йил ўткариб сўнг айлагил азм.

Бўлоли неча кун ҳамсуҳбату ёр,  
Ғаниматдур бу дам бир-бирга дийдор».

Шаҳи Вомиқ чу бу сўзни эшиитди,  
Қолурни шаҳри Чинда жазм этди.

Нечунким Чинни сайрию, ҳавоси,  
Кўнгулда эрди доим муддаоси.

Вале Шаҳбол ила ўзга неча шоҳ,  
Ҳама қилдилар ўзни озими роҳ.

Малик Шаҳбол Жобилсоға кетди,  
Бори шаҳ ўз билодӣ сори етди.

Қолиб Чин узра Вомиқ шоду хуррам,  
Чекиб базм ичра тун-кун соғари жам.

Тахайюл мужибатидин узуб қайд,  
Тузуб гаҳ базму гоҳи айлабон сайд.

Гаҳи Аэро била хилватда эрди,  
Гаҳи аҳбоб ила ишратда эрди.

Гаҳи сайр этди боғи дилкушода,  
Тузуб базм онда, ошом этди бода.

Ғараз шоҳи Наиму, шоҳ Вомиқ,  
Ҳам Осафи соний — уч ёри мувофиқ.

Ҳарам аҳли била бир неча муддат,  
Қилиб Чин мулки сайрин икки навбат.

Неким анда эса асбобу ашё,  
Борисин қилдилар яксар тамошо.

Бу сайр ичра ажойиб кўрдилар кўб,  
Тилсимоту гаройиб кўрдилар кўб.

Худо турлук ажойиб қилди ижод,  
Қою бирни кўрубдур одамизод.

Басе сайру томошо айладилар,  
Топиб неким таманно айладилар.

Агар берсам олар борига тафсил,  
Етар бу нусхаға итлону татвил.

Баногаҳ бир куни мажлис эди гарм,  
Деди Вомиқға Осаф: «Бу сифат базм,

Ки эрди марди неку Саъд тожир,  
Етурди бизга турлук нафъ вофир.

Бу муддат ичраким биз комронмиз,  
Топиб мақсади хотир шодмонмиз.

Эрур вожиб ангаким ушбу айём,  
Муруват бирла қилмоқ лутфи инъом».

Шаҳи Вомиқ бу янглиғ қилди фармон,  
Ки они қилдилар ҳозир ҳам ул он.

Анга айлаб муҳиббона мулоқот,  
Мақомин садри мажлис қилдилар бот.

Бўлуб огоҳ мундин шоҳ Фағфур,  
Анга лутфу карам кўрсатди мавфур.

Ки яъни ўз надими хоси этди,  
Вазири соҳибул ихлоси этди.

Етиб чун Саъд бозиргонға давлат,  
Мусаллам бўлди маншури вазорат.

Не хуш хислат эрур ахлоқи неку,  
Неким қилдинг келур оллингға ўтру.

Муруват пеша қилким ҳайи сонеъ,  
Етургай, қилмайин ажрингни зоеъ.

Қетур, соқий, шароби беҳжат анжом,  
Ки қилғумдур ватан сорига қуддом.

Минал имон эмиш чун ҳуббул автон,  
Бас ўлғумдур ватан сори шитобон.

*Шоҳ Вомиқ била Азро ва Осаф соний била  
Шакардуҳтларнинг шаҳри Сабога азимат қилиб,  
шоҳ Наим била Ҳавронинг Тожкан шаҳрига  
ружусу этканлари*

Бу ҳодисға эди улким мубашшир,  
Бўлуб турлук вақоєъға муҳаррир.

Қилиб изҳор лутф ила фасоҳат,  
Бу ерда бу сифат сурди ҳикоят.

Ки чун Осаф била султон Вомиқ,  
Қилиб бир йилғача ишрат мувофиқ.

Чун ўтди бўйла бир йил гуфтугўси,  
Кўнгулга тушди манзил орзузи.

Хусусан шоҳ Вомиқ субҳ ила шом,  
Аносин кўрмак этди мақсади ком.

Етушди соний Осаф кўнглига ҳам,  
Отосини кўрарнинг шавқи маҳкам.

Қилиб хоҳиш ватанға қилғали азм,  
Кетарни ўзларига қилдилар жазм.

Муни фаҳм айлагач Саъд ила Фагфур,  
Чекиб ғам йиғладилар зору ранжур.

Бўлуб охир фалак жавриға қойил,  
Сафар асбобиға не бўлса қобил.

Қумошу ганжу ажноси хазойин,  
Нафоис ҳам жавоҳир улча мумкин.

Буларни тевалар устига олиб,  
Яна неча ғулому чўри олиб.

Чу бу лаҳза етущди шоҳ Шаҳбол,  
Олиб ёнида кўб асбобу амвол.

Фараз, бўлди хазойин андоқ афзун,  
Ки гўё эрди яксар ганжи Қорун.

Вале шоҳи Наим асбобин аввал,  
Қилиб ул ерда тайёру мукаммал.

Бурун бўлди ҳамадин ул ягона,  
Билоди Тожкан сори равона.

Маҳинбону санам ҳам ушбу муддат,  
Олиб Фағфурдин кетди ижозат.

Наиму шоҳ Вомиқ лек ул он,  
Бу янглиғ айладилар аҳду паймон:

Ки бир хат бир сори қилғайлар ирсол,  
Қилурға бир-бировдин кошифи ҳол.

Бас ондин сўнгра Вомиқ бирла Азро,  
Шакардухт ила Осаф руҳафзо.

Видоъ айлаб оларға шоҳ Шаҳбол,  
Доги Фағфуру Саъди Фарруҳ иқбол.

Неча фарсах бўлуб Вомиқға ҳамроҳ,  
Ружуъ эттилар ондин сўнг чекиб оҳ.

Қўтариб девлар асбоб ила ганж,  
Йўл айлаб қатъи бўлдилар қадам санж.

Чекиб гардун уза чатри зар андуд,  
Қуёш осо эдилар роҳ паймуд.

Хиромон бўлди Азро минди ҳавдаж,  
Нафоис кийдию бўлди мутавваж.

Шакардухт айлади манзил амори,  
Қошида неча маҳвашлар татори.

Юриб йўл суръат ила девлар тез,  
Нечукким боди сарсар қилдилар хез.

Бўлуб бори юрарда йўл сабуктоз,  
Бори пайки сабодек пўя пардоз.

Қилиб суръат олар андоқки гардун,  
Чекиб ҳар бири юз минг ганжи Қорун.

Амори дар амори аҳли номус,  
Нечукким шамъи маҳмил қилди фонус.

Чаман янглиғ бари ғарқи тажаммул,  
Бўлуб бори зарафшон ўйлаким гул.

Маалқисса юруб йўл бир неча кун,  
Етушдилар Сабо наздиға бир тун.

Тушуб ул ерда маскан айладилар,  
Ётиб оромни фан айладилар.

Вале шаҳр ичра мужда айлаб ирсол,  
Юбордилар бирорни онда ул ҳол.

Эшитди чун бу мужда Осафи пир,  
Йигит бўлди гар эрди пири дилгир.

Хабар етгач бўлуб хуррам, нигорин  
Топиб, беҳжат замира топди таскин.

Нигорин чун Зулайҳои қуҳансол,  
Ду бора зиндагонлиғ топди филҳол.

Тарабдин туз бўлуб сарви хамида,  
Гули пажмурда бўлди навдамида.

Чу навмид эрди ондин маснади ож,  
Шақойиқдек шукуфта бошида тож.

Деди, хурсанд ўлуб: тамҳиди довар,  
Биҳамдуллаҳки, бўлди баҳт ёвар.

Сабо шаҳриға боғлаб тоза ойин,  
Етурдилар ҳама жойиға тазийин.

Бори мавзуъни қилдилар чароғон,  
Эдилар мунтазир мажмуи инсон.

Бас ондин сўнг Нигорини ягона,  
Истиқбол этгали бўлди равона.

Вазири Бархиё барча акобир,  
Доғи шаҳр аҳлидин токим асогир.

Ҳама айлаб истиқбол, ўлди хурсанд,  
Бўлуб дийдор файзидин баруманд.

Кўруб чун шоҳ Вомиқ ҳам аносин,  
Ўпуб ихлос бирла хоки посин.

Кўруб Осаф атосини ҳам ул он,  
Қучуб бўлди басе масруру шодон.

Мақом ўлди ики Юсуфға Қанъон,  
Етиб bemорлар дардиға дармон.

Баҳор ўлди кетиб фасли ҳазони,  
Ўлук танларни ўлди тоза жони.

Вазири қадди ҳам, пири куҳансол,  
Алиф топди қадин бор эрди чун дол.

Бас ондин сўнг қилиб таъйини соат,  
Етушди кечанинг нисфиға муддат.

Парию одамий барча ҳаводин,  
Нузул этдилар атрофу сабодин.

Намоён айлабон беҳад тажаммул,  
Солиб афлок уза овози ғулғул.

Ҳамул тун хўб соат ичра Вомиқ,  
Хилофат маснадига бўлди лойиқ.

Бериб Осаффа аҳкоми вазорат,  
Ўзи маскан этиб тахти жалолат.

Доғи ул дам Шакардухт ила Азро,  
Паридўхту малика руҳ афзо.

Ҳарам ичра кириб тутдилар ором,  
Бўлуб масрур ҳосил айлабон ком.

Ғараз борча эл ўлди шоду хуррам,  
Жавоҳирлар қилиб ийсори мақдам.

Сипоҳи инсу жин тортиб тарона  
Навозиш айладилар шодёна.

Мақом айлаб малойик хиттаи хок,  
Бўлуб шаҳри Сабо бир олами пок.

Нигорин айлабон жон бирла парво,  
Ано янглиғ Шакардухт ила Азро.

Қўюб хизматда хизматкор оларға,  
Қилиб жон гавҳарин ийсор оларға,

Бўлуб давлат янги бошдин мұяссар,  
Алар васли кўзин қилди мунаvvар.

Қетиб кўнглидин андуҳу ғами ранж,  
Нисор этти аларға юз туман ганж.

Хуш ул соатки ҳар маҳжури бедил,  
Чекиб ғурбат қилур мулкида манзил.

Кетур, соқий, шароби роҳат афзо,  
Ки қилғумдур ватанда эмди маъво.

Керак кўнглимга қилсам шодлиғни,  
Балиятдин топиб озодлиғни.

Адолат бирла тутғил эмди бода,  
Ки адлинг келди муштоқи зиёда.

*Шоҳ Вомиқ сариро салтанати шаҳри Сабода  
қарор тутуб доду адл бунёд қилғони*

Чу минди салтанат тахтиға Вомиқ,  
Анингдек айлади адли мувоғиқ.

Улусни айлади адл ила масрур,  
Жаҳон мулкида бўлди ўйла машхур.

Ки ондин сўнграги хайли салотин,  
Дер эрдилар анга анвои таҳсин.

Анинг адлини ёд айлар эдилар,  
Стеҳсонин зиёд айлар эдилар.

Қилиб Нушравон доги они ёд,  
Билур эрди ўзига они устод.

Басе кўргузди адли ичра зоеъ,  
Қилиб изҳор қонуни бадоен.

Эшитса ногиҳондин оҳи мазлум,  
Берур эрди сазои золими шум.

Либосини қилиб ҳар кеча тағиیر,  
Қилур эрди улус ҳолиға тадбир.

Чун ул бу навъ бўлди шоҳи одил,  
Дуосига ҳама эл эрди шофил.

Келибдур хуш шиори адл, ори,  
Анга ворид бўлубдур амри бори.

Бил, эй соҳиб сарири мулку давлат,  
Мадори салтанат келди адолат.

Шаҳи бемаъдалат зебо эмастур,  
Иморат беустун барпо эмастур.

Агар етмак тиласен ҳақдин имдод,  
Раиятни карамдин айлагил шод.

Десангким қасру давлат бўлса барпой,  
Сахоу адл ила бўлғил иеку рой.

Эшитдим Кисри султони довар,  
Деди Хурмузға, эй фархунда сарвар,

Раият беҳ эрур султон шажардур,  
Шажар беҳ ила доим борвардур,

Гаразким, Бархиё бирла Нигорин,  
Қилиб шаҳлиғ учун Вомиқни таъйин.

Ва лекин ўзлари тарки ҳукумат  
Қилиб тангрига этдилар ибодат.

Нигорин топшуруб Вомиқға авранг,  
Ибодатхона сори қилди оҳанг.

Топиб ҳам Барҳиёни пири рухсат,  
Қилурға гўшада ҳолиқға тоат.

Этиб ўз мансабин сонийға таслим,  
Анга илму вазорат берди таълим.

Тутуб, соқий, қадаҳ, кўнглумни қил шод,  
Ки ҳолиқдин тиларман ўзга авлод.

Эрур ҳақ лутфи тавлиду таносул,  
Замони қилмоғил ондин тагофул...

*Шоҳ Вомиқ салби ва Азронинг раҳмидин шаҳзодалар  
таваллуд топиб жон кўнгли яна тозадин хуррам  
бўлғони*

Хушо улким бериб эрди халафзод,  
Кўзин равшан қилур дийдори авлод.

Эрур мақсад авлод ила фарзанд,  
Ики дунёда қилғучи баруманд.

Улуғлардин бу сўз бордур муқаррар,  
Ки ҳар одамда фарзанд ўлмаса гар,

Анинг бўлмас замири коми ҳосил,  
Бўлур балким савоби доғи зоил.

Қачон бўлғай ул одам оти фони,  
Ки қолғуси халаф фарзанди оҳи.

Садаф оти қолур оламда, ори,  
Ки боқий бўлса дурри шоҳвори.

Чу Вомиқ маснад узра жой тутди,  
Ки бир йил муддати Азродин ўтди.

Хабар топғоч шаҳи Вомиқ ки Азро,  
Ки бўлмишдур анга ҳамл ошкоро.

Шукуфта бўлди ондин шоҳ Вомиқ,  
Нечукким тонг елидин субҳи содик.

Они бу мужда қилди шоду хурсанд,  
Ки асрү бор эди муштоқи фарзанд.

Чу Азро ҳамлидин ўтди неча моҳ,  
Анингдек бир ўғил туғди баногоҳ.

Ки эрди ул маҳи авжи нажобат,  
Юзидин барқзан нури саодат.

Нигорин айлабон ондин мубоҳот,  
Онга деб Носири соний қўюб от.

Қилиб Вомиқ кўзин ул нур равшан,  
Гули васлидин ўлди кўнгли гулшан.

Бас они дояға топшурди ул он,  
Ки қилғай парвариш беҳадду поён.

Яна Вомиқ ёрутди чашми уммид,  
Қилиб Азро неча фарзанд тавлид.

Үғул эрди бириси, лекин они,  
Юзи эрди чу меҳри осмони.

Бўлуб дийдоридин хурсанду масрур,  
Қўюб онинг отин шаҳзода Мансур.

Бириси они духтар эди, аммо —  
Отини қўйдилар Билқиси сурро,

Шакардухт ила Осафдин ҳамул он,  
Бўлуб фарзанд тавлиди фаровон.

Алар бирла жамии шаҳзода,  
Топиб тарбият анвоин зиёда.

Ўқуб мактабда асру дарси тақдис  
Ки соний Носиру Мансуру Билқис.

Шаҳи Вомиқ аларға эрди устод,  
Берур эрди улуму маърифат ёд.

Алар таълимиға кўб айлади жид,  
Ки ҳар бир бўлди устоди Мўъбид.

Қилиб касби камолу фазлу дониш,  
Бўлуб ҳар бир чароғи аҳли биниш.

Қилиб, эй соқий, алтоғи иноят,  
Табибийға кетургил жоми беҳжат.

Ки қилғуси насиҳатгўлик изҳор,  
Жаҳон аҳволини айлаб намудор.

*Шоҳ Вомиқ ўз ўғли Носир сонийға насиҳат бергонининг баёни*

Ҳамулким бор эди ҳикмат баёнлиғ,  
Бу янглиғ қилғусидур нуктадонлиғ.

Ки чун шаҳзода майли мактаб этди,  
Доғи ўн беш йилға ёши етди.

Баси касб этди осори фазойил,  
Улуму фанну ирфону хасойил.

Мафавваз зотига бўлди балофат,  
Ато айлаб анга тенгри шижаат.

Шаҳи Вомиқ онинг кўргач камолин,  
Улуму фитрату жоҳу жалолин.

Хаёлиға бу бўлди ошкоро,  
Ки кеча панд анга қилғуси иншо.

Русуми салтанатда токи комил,  
Бўлуб қилғай талаб неку ҳасойил.

Эрур албатта султонларға лозим,  
Ки авлодига берса панд доим.

Доғи лойиқ хирад огоҳларға,  
Ки ҳикмат ёд бергай шоҳларға.

Ҳамул важҳ ила бир тун шоҳ Вомиқ,  
Насиҳатга билиб ўғлини лойиқ.

Бўлуб хилват аро осуда хотир,  
Қошиға айлади Носирни ҳозир.

Анга дедики: «Эй фарзона фарзанд,  
Қулоқ солғил санга бергумдуур панд».

Деди шаҳзода: «Айланг амру фармон,  
Қилинг неким насиҳатдур намоён.

Неча вақт ўлдиким сиздан тилаб панд,  
Этурман субҳ ила шом орзуманд».

Деди Вомиқ: «Ки, эй кўнглум сурори  
Эшишт аввал санга будур зарури.

Ки айлаб фикр асли хилқатингни,  
Кўзинг оллиға келтур тийнатингни.

Ки бир қатра сувдин халлоқи жаббор,  
Сени халқ этти, лек ул доғи мурдор.

Такаббур қилма они ёдинга сол,  
Худонинг бирлигин бил доим улҳол.

Ҳамиша тенгрига айлаб ибодат,  
Талаб қил доимо илму фазилат.

Қачонким тузсанг ойини ҳукумат,  
Риоя тут анга роҳи шариат.

Ҳарис ўлма жаҳон молиға асло,  
Қарамни пеша қил ўзга мудомо.

Сипаҳ хайлиға қил инъому эҳсон,  
Раоёни этиб лутф ила шодон.

Чу сиз неча ини бирла ағосиз,  
Қаю бирингки гар соҳиб саҳосиз.

Қилиб ҳосил менинг ул лаҳза комим,  
Бўлурсиз тахт аро қоим мақомим.

Яна бўлғил ҳамиша соҳиб инсоф,  
Замони қилмагил харжингда исроф.

Чу онинг ҳаққида бор насси қотеъ,  
Неча тадқиқ ила бурхони сотеъ.

Ёмоңлар сұхбатидин ижтиоб эт,  
Накӯлар улфатига иртиқоб эт.

Улум аҳлиға қил доим муҳаббат,  
Жаҳолат аҳлидин эт асрү нафрат.

Шитоб этмакдин ўлсун эҳтирозинг,  
Бўлуб сабру тааммул чора созинг.

Менингдек бўлма ҳаргиз моили ишқ,  
Ки дарди ғусса бўлғай ҳосили ишқ.

Тузарда доги ойини ҳукумат,  
Санга бўлсун туну кун афв одат.

Қи бу шева эрур зеби салотин,  
Мунинг ҳаққида ҳам кўбдур бароҳин.

Низоми мамлакатда субҳ ила шом,  
Сиёsat айламакни ўзга қил ком.

Нечунким бўлмаса расми сиёсат,  
Ёмон эл олмағуси ҳеч ибрат.

Доғи дунёға ҳартиз бўлма мойил,  
Ки ондин бўлмағай жуз ғусса ҳосил.

Анга ҳар нечаким қўйсанг кўнгилни,  
Санга бошқарғуси ҳирмонға йўлни.

Санга айлаб жаҳон аҳволини изҳор,  
Баён этгумдуур бир неча гуфтор.

### *Даҳрома*

Жаҳонким бир ажойиб гулситондур,  
Назарга зийнати беҳадду сондур.

Очилимиш гулшанида юз сифат гул,  
Эрур ҳар бир бўю рангидин мул.

Келиб ранги назарларға тарабхез,  
Бўлуб жонларға бўйи беҳжатангез.

Эрур ҳар гулшани ишратға маъдан,  
Они қилғусидур айш аҳли маскан.

Фаровон саҳнида ашжори онинг,  
Бўлуб лаззатрасон асмори онинг.

Келиб анҳори ҳар сори равона,  
Азубатда бўлуб таъми ягона.

Қачонким нўш қилғай ондин инсон,  
Берур лаззат нечунким шарбати жон.

Ҳавоси руҳафзо борча элга,  
Дилороу таносо барча элга.

Бўлуб кўзларга зоҳир сабзазори,  
Етурмақ нур бўлғуси шиори.

Чун ўлғай қушлариға зоҳир алҳон,  
Эшикканларга бергай тозадин жон.

Эрур саҳни чаманда ҳавз пайдо,  
Суи софилиғ ичра қавсар осо.

Қелиб базми баси файзу сафолиғ,  
Қилиб хосият ичра жонфизолиғ,

Майи ҳайвон суи янглиғ гуворо,  
Бўлуб жону кўнгулга роҳат афзо.

Тамоми жомии заррин мунаққаш,  
Бўлуб шакл ичра доғи асрү дилкаш.

Ҳама соқийлари маҳбубу гулчеҳр,  
Жабинидин аёндур шафқату меҳр.

Қарам қиласа қаю одамға бода,  
Бўлур токим абад айши зиёда.

Муғанинси гар оғоз этса нағмот,  
Эшитганга бериб бир ўзга ҳолот.

Замирин қилғусидур шоду хандон,  
Ғаму андуҳини дафъ айлаб ул он.

Бори маҳвашлари ҳусн ичра аҳсан,  
Вале бордур неча нозу адo фан.

Аён бўлса агар нозу адоси,  
Бўлур кўрган киши онинг фидоси.

Бировким бўлса ишқининг дучори,  
Фалакка чиққуси афғони зори.

Агар ошиққа васли бўлса ҳосил,  
Нишоти жовидон топғуси комил.

Вале ҳажриға ошиқ етса ногоҳ,  
Анинг ҳолига беҳад оҳ ила воҳ.

Қусури бордуур чун қасри жаннат,  
Ҳама қасри макони аҳли ишрат.

Келиб рифъат аро гардунға ҳамсар,  
Бўлуб кўнгуллари пур зебу зевар.

Бори девори манқуши муқарнас,  
Сутуну саҳни айвони мұассас.

Өчилған ҳар тарафдин боби олий,  
Эмасдур файздин бир боби ҳоли.

Фараз ушбу гулистони дилоро,  
Қи бор шоҳу гадо хайлиға маъво.

Мисоли йўқ сафоу нузҳат ичра.  
Нишоти файзу ҳаззи беҳжат ичра.

Вале афғонки, эрмат жовидоний,  
Бўлур охир ҳама ашёи фоний.

Бори гулзорида бўйи бақо йўқ,  
Гулида ҳаргиз алвони вафо йўқ.

Қаю гулшанки ҳоло келди зоҳир,  
Ҳазон ошубини топғуси охир.

Тараб жомидин айлаб нўш бода,  
Неча қилсанг фарах ҳосил зиёда.

Ва лекин оқибат махмур бўлғунг,  
Хумори дардидин ранжур бўлғунг.

Сурудиға келибдур навҳа мудғам,  
Сурури зимнида андуҳу мотам.

Ҳануз ўлмай висоли ёрдин ҳаш,  
Тушуб ҳижрониға бўлғунг мушавваш.

Бирорким қилса қасри ичра маскан,  
Макони бўлғай охир тийра мадған.

Қиши йўқдурки онда кўрмамиш ниш,  
Замири бўлмаған андуҳ ила риш.

Аруси даҳрким бордур ситамгар,  
Гадоу шаҳфа зулмидур баробар.

Ҳамага жавр қилмоқ одатидур,  
Ҳамага шомил онинг меҳнатидур.

Неким Одам Атодин токи бу дам,  
Үтубдур даҳр аро фарзанди одам,

Бори кўрмушдуур олинг жафосин,  
Чекиб ҳар лаҳза озору аносин.

Алар ёлғуз демайким, ўзга кўб шоҳ,  
Қилиб бу даҳрни ўзга мақаргоҳ.

Туну кун зоҳир айлаб адл ила дод,  
Жаҳонни қилдилар адл ила обод .

Бўлуб ишрат била саршори шодоб,  
Иғиб борича имкон турлук асбоб.

Неким хоҳишлари эрди жаҳонда,  
Бўлур эрди мұяссар бир замонда.

Вале сўнгра ажал жомин қилиб нўш,  
Бориси бўлдилар марг ила мадҳуш.

Алардин қолмади осор жуз от,  
Буларнинг ҳолига ҳайҳот, ҳайҳот.

Қани ул соҳиби илму амаллар,  
Ки айлаб баҳс илм ичра жадаллар.

Жаҳонда қўйдилар таснифу осор,  
Алардин қолди кўб атвори гуфтор...

Қани онларки эрдилар сухандон,  
Калом изҳор этиб борича имкон.

Қилиб бисёр назму наср таълиф,  
Кутиб авони, асру этди тасниф.

Улуми шеърда моҳир эдилар,  
Ғазал демакда бас шоир эдилар.

Аларнинг сўзлари эрур равонбахш,  
Маъно бирла сомеъларга жон бахш.

Дедилар нуктлар борча шакаррез,  
Эшигтан кимсаларга беҳжат оmez.

Вале қилди ажал борини абкам,  
Сукут ила этиб охирда мудғам.

Фараз ҳар кимки бу оламға келди,  
Анга гардун бу янглиғ жавр қилди.

Тааммул айла, эй фарзона фарзанд.  
Жаҳондин бўлмоғинг доим баруманд.

Сенга рўзи бўлуб гар бахти давлат,  
Насибинг бўлса тун кун айшу ишрат,

Бўлуб умринг замони тули айём,  
Нечукким Нуҳ тобсанг умрдин ком,

Жалолу жоҳинг Афридуңча бўлса,  
Зару молинг доғи Қорунча бўлса,

Қилиб гардун сенинг комингға даврон,  
Ҳама мушкулларингни қилса осон,

Не матлабға тамизинг бўлса мойил,  
Ҳамулдам қилса не ташвиш ҳосил,

Ётушмай хотирингға занги кулфат,  
Ҳусулинг бўлса айшу кому роҳат.

Вале билгинки чун паймона тўлди,  
Бўлур сендин ҳама бегона бўлди.

Булар борин қўюб охир кетарсан,  
Бас они орзу айлаб нетарсан...

Санга ушбу сифат айлаб насиҳат,  
Бу мавзуда кетургум бир ҳикоят.

## *Ҳикоят бар сабили тамсил*

Эшитдим Хисрави Парвези худком,  
Ки эрди ҳукмрони даври айём.

Мақом айлаб ўзига маснади ож,  
Қўюб боши уза юз фахр ила тож.

Тажаммул бирла ул кишвар худованд,  
Қийиб хилъат зарандуду зар оганд.

Бор эрди тожи вазни тўрт юзман,  
Қўёш тожи каби масқули равшан.

Юқоридин осиб ул тож диловез,  
Қўюб маснад онинг остида парвез.

Бу тож остида шоҳи меҳр сиймо,  
Анга еткурди фарқи фарқадонсо.

Бузург Уммид ила ёнида Манзур,  
Анга дедики: эй фархунда дастур.

Бу тож узра не ёзгум, эй ҳунарвар,  
Ки мендин сўнгра бўлғай ёд овар.

Қолиб мендин бу тожи зевар обод,  
Ўқуб ул лаҳза қилғайлар мени ёд.

Ки қилмай ҳеч бир соҳибқирони,  
Бу янглиғ ишки, мен қилмишмен они.

Эрурмен мен сазовори ситоиш,  
Ки Кисро насли мундоқ қилмади иш.

Менул Хисравки гар разм айласам ком,  
Ки бўйимдин кираг гўр ичра Баҳром.

Уруб майдонда тийғи тез рўин,  
Забун этдим туни Баҳроми чўбин.

Чу гулгун барши новард юрдим,  
Диловарлар бошин ерга тушурдим.

Манго майдонда чун новард бўлди,  
Насибам ганжи бодовар бўлди.

Чу ширин дилбари форатгаҳи хуш,  
Бажуз мен кимга бўлмиштур ҳамоғуш.

Бузург Уммид анга дедики, эй шоҳ,  
Санга бордур салотин хоки даргоҳ.

Яқин билгим эрур, эй моҳи нокост,  
Бу маъниларки дерсан, барчаси рост.

Олурсан шоҳлардин тож ила бож,  
Бу сўз зинҳор қилғил зевори тож.

Ки эй улким шаҳи олий гуҳар сен,  
Ки мендин сўнгра бўлғунг тожвор сен.

Бу тож ила сен ўлма маству мағрур,  
Ки охир бош яланг жоҳ қилғасен гўр.

Чу ман эрдим сенингдек комрони,  
Ки ҳукумимда эди халқи жаҳони.

Олиб мен мулки олам қоф то қоф,  
Қўтардим кўкка ҷархӣ нахвату лоф.

Паривашлар бўлуб ёру қариним.  
Салотин эрдилар даргаҳ нишиним.

Қўюб базм ичра бошим узра афсар,  
Бухури манқал эрди уду анбар.

Бериб комимға лаззат лаъли ширин,  
Мудом эрди тараб боғида гулчин.

Асоси ҳашматим гардунча эрди,  
Манолу давлатим Қорунча эрди.

Қўюб борин бугун овора бўлдим,  
Қаро ер остида бечора бўлдим.

Қани ул шўхи ширини шакар лаб,  
Қани ул маҳлуқои сийм ғабғаб.

Қани ул тахти заррину каёни,  
Қани ул шавкати соҳибқирони.

Қани айшу нашоти базми Жамшид,  
Қани жоҳу жалолу иззу тамжид.

Қани ул дастгоҳи тахти афсар,  
Қани ул хашмату худдому чокар.

Назаргоҳимдин ўлмиш барча ғойиб  
Анисим гўр аро дарди масойиб.

Чекарман тийра гўр ичра тааллум,  
Рафиқим кеча-кундуз мору каждум.

Таним сарто қадам кирм ила машҳун,  
Май гулгун мангодур бийм ила хун-

Бўлуб маскан манга тийра мағоки,  
Эрур афсар манга бир тўда хоки.

Не қилғум ганжи бодовардини ёд,  
Ки бодоварда ҳам бўлғуси барбод.

Гаҳи қабрим уза бир дам гузар қил,  
Менинг бу турфа ҳолимға назар қил.

Тааммул қил, кўруб ҳоли низорим,  
Бўлур равshan маоли кору борим

Чу мендин қолди бу тожи зарандуд,  
Санга ҳам тожи зардин бўлмағай суд.

Доги Бузург Уммид ул ҳолат ичра,  
Тил очиб асрү панду ҳикмат ичра,

Скандардин ниҳон қилди падидор,  
Ки ул панд Арастуға қилди изҳор.

Бу ҳам дунё учун бордур мадумат,  
Ки қилғум они бу ерда ҳикоят.

*Ҳикоят бар сабили тамсил*

Эшитдим Хисрави олий Скандар,  
Арастуға бу сўз қилди муқаррар.

Ки чун бу даҳрдин қилғум азимат,  
Адам даштиға сургумдур жанибат.

Қубуристон сари бошқар йўлимни.  
Чиқорғил наъшдин ул дам қўлимни.

Ки билғай зумраи мағрур сармаст,  
Ки борғум даҳрдин бу дам тиҳи даст.

Олиб мағриб била машриқни яксар,  
Борурмән бу нафас бетожи афсар.

Эшитгач йиглабон бу сўзни Парвез,  
Деди, ёзғил бу сўзни тож уза тез.

Яна Носирга боқиб шоҳи Вомиқ,  
Деди, қай панд эшитмакликка лойиқ.

Тааммул айлаким, аҳли хилофат,  
Не янглиғ қилдилар, панду насиҳат.

Бу фоний дайрким дунёдур оти,  
Анинг йўқдур қарор ила саботи.

Маоли коридур андишаи хом,  
Эрур пасмоадаи ҳар хосу ҳар ом.

Эмасдур давлати иқболи жовид,  
Кўрубдур неча Баҳром ила Жамшид.

Ҳаётин англағил, эй марди соий,  
Ғурури жаҳл нахвотнинг матоний.

Баробардур ўлум шоҳу гадоға,  
Тафовут йўқ гадоу подшоға.

Кўрибмусанки, ўлгач шоҳу дарвеш,  
Олиб бормишдуурлар жуз кафан пеш.

Бирор толмишдуурур умри абадни,  
Ки ул оромгоҳ этмай лаҳадни.

Борурсен, қолғуси фарзанди амлок,  
Мақом этгунгдуур охир таҳи хок.

Үлумни ёд эту фикри сафар қил,  
Ғуури кибру нахватдин ҳазар қил.

Қилурдин хоби ғафлат мунфариd бўл,  
Кетар вақтингни чоғлаб мустаид бўл».

Шаҳи Вомиқ чу пандин қилди итмол,  
Олиб шаҳзода Носир панддин ком.

Ота бирла ўғил ул икки мумтоз,  
Бу аснода қилиб кўп гиря оғоз.

Деди, кей мушфиқим фарзона фарзанд,  
Санга ҳар неки дедим бу сифат панд.

Они бир лаҳза ҳам қилма фаромуш,  
Ки эрсанг олам ичра соҳиби ҳуш.

Бас ул пандики, бўлмиш эрди зоҳир,  
Китобат айлабон шаҳзода Носир.

Қилиб жон бўйниға таъвид они,  
Ўқуб ҳар лаҳза пайдоу ниҳони,

Амал мазмуниға қилди ҳамиша,  
Ки то бўлди жаҳонда нек пеша.

Карам қил, соқиё, тутғил манга май,  
Ки қилғумдур фано йўлин бу дам тай.

Фано йўлиға мастона этиб азм,  
Адам майхонасида тарҳ этар базм.





# ДЕВОНИЙ







D

евоний XIX аср Хоразм адабий ҳаракатчилигига шеърий ижоди билан катта ҳисса киритган шоирлардан биридир.

Девоний Муҳаммад Комил Исмоил девон ўғли бўлиб, ёшлигига отасидан етим қолган. Амакиси Худойберган муҳркан девон уни тарбиялаб камолга етказган.

Унинг музикага қизиқиши зўр эди. Амакисидан у танбур, фижжак, дутор ва сеторда ҳар хил куйлар чалишни ўрганади. У дутор чалишга жуда ҳам уста эди. Ҳатто у дуторда ижро этиладиган куйлар учун каттакон нота китоби ҳам яратган.

Девоний қилич, пичоқ каби асбобларга олтин нуқралар билан нақш солиш ҳунарини ҳам эгаллайди. Қейинчалик у китоб ва жадвалларни нозик қалам билан безаш ишларида ўз маҳорати билан шуҳрат қозонади. Ҳар турли шеър ва тарихларни қаттиқ мармар тошларга, темир-пўлатларга гўё варақалар саҳифасига қалам билан ёзгандек қилиб, турли безаклар билан чиройли ёзарди.

Девоний ўз даврининг уста хаттоти эди. У «Девоний» тахаллуси билан ижод қиласи эди.

Девонийнинг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида 901, 906, 1142 инвентарь рақами билан сақланаётган девонлари бор. Булардан 901 инвентарь рақамлиги Муҳаммад Юсуф (Чокар) томонидан, 906 инвентарь рақамлиги эса, Мулло Болта Ниёз бин Усто Қўрбон Ниёз томонидан кўчирилган. 1142 инвентарь рақами билан сақланаётган девони эса шоирнинг ўз қўйи.

ли билан ёзилган. Девонда шоирнинг турли жанрларда ёзган шеърлари тўпланган. Бу девонлардан ташқари турли вақтларда тузилган баёзларда шоирнинг мазкур девонларга кирмаган асарлари ҳам учрайди. Девон ва баёзлардаги шеърлари Девонийнинг ўз замонасининг етук шоири бўлганлигидан далолат беради.



## ФАЗАЛЛАР

Е

\* \* \*

рсиз кечган куним бир тийра зиндондур манга,  
Лаъл ранг май ўрниға кўнглум тўла қондур манга.

Варзишим фурқат аро оромсиз шаб то саҳар,  
Ханда ўрниға надомат бирла афғондур манга.

Келмангиз теграмга эмди, эй саломат аҳли ким,  
Сели ашким бирла олам турфа тўфондур манга.

Қайда борсам йиғламоқ бирла жунуним тавридин,  
Оlam аҳли минг кўз ила ваҳки ҳайрондур манга.

Токи ул дилдор базми васлидин бўлдум йироқ,  
Айшу роҳатдин ёвуқроқ эмди ҳижрондур манга.

Дашти ваҳшат ичра кирдим айтингиз, аҳбоблар,  
Бўлмоғум сизларга улфат қайдада имкондур манга.

Шиддати ранжу аламдин музтариб ҳолим кўруб,  
Ҳайрат ила давр эли ҳар лаҳза гирёндур манга.

Дод қилсан илкидин ҳар дамда ман эмас ажаб,  
Боиси зулму ситам ул лаъли хандондур манга.

Ер васлидин йироқ. Девониё, ман йиғламай  
Найлайнким, гардиши гардун гардондур манга.

\* \* \*

Оҳ ким, эй дилрабо, ҳажрингда зор ўлдим санга,  
Келмадинг базмим аро кўп интизор ўлдим санга.

Келгуси деб роҳинг узра ўлтуриб тонг отқуча,  
Тортаб ҳижронинг ғамини ашкбор ўлдим санга.

Элга бу сирри ниҳоним фош бўлса тонг эмас,  
Дарди ишқингдин ажаб мажнун шиор ўлдим санга.

Бир нафас ором топмай ҳар тараффа бош уруб,  
Ўртаниб дарду ғамингдин беқарор ўлдим санга.

Топғали базми висолинг жидду жаҳд айлаб басе,  
Телбалардек ун чекиб, кўйингда хор ўлдим санга.

Фурқатинг дардин чекиб, ошуфталиғдин сарбасар,  
Ихтиёrim йўқ қилиб, беихтиёр ўлдим санга,

Етмайин васлингға айлаб изтироб ҳаддин фузун,  
Тортғоли мунча алам қайдин дучор ўлдим санга.

Ваҳки ҳар оғатни жавринг шиддати бирла чекиб,  
Тифи ҳажринг бирла охир дилғигор ўлдим санга.

Барча ушшоқингни лутфинг бирла қўлдинг мўътабар,  
Ваҳки ман Девонийдек беэътибор ўлдим санга.

\* \* \*

То айлади кўз меҳри жамолингни тамошо,  
Жон кишварига тушди ғаминг бирла алоло.

Ақл ила хирад бўлди жудо телба кўнгулдан,  
Зулфинг сияҳи бирла тушуб бошима савдо.

Васлингға етургил мани дил хастани эмди,  
Холимға тараҳҳум қилиб, эй дилбари барно.

Кўнглум аро йўқ зарра каби сабр ила тоқат,  
Чун ўртаниб ишқинг ўтидин булбули шайдо.

Андуҳу бало чеккуси ҳижрон туни беҳад,  
Ҳар кимки қилур дилбари васлини таманно.

Не бўлгуси бу қулбай аҳзонима келсанг,  
Меҳр ила вофо расмин этиб бир кеча ифшо.

Девоний каби этмас эдим бир нафас армон,  
Васлинг аро бир лаҳза агар топсам эди жо.

\* \* \*

Эй ситамгар, недуурур бу навъ қилмоқлиғ жафо,  
Қилмайин ушшоқи маҳзун ҳолига меҳру вафо.

Гулъузоринг шавқида булбул каби фарёд этиб,  
Айлагумдур ҳолима субҳу масо аффону во.

Қолмади орому тоқат нотавон кўнглум аро,  
Бўлғали токи висолинг гулшанидин ман жудо.

Масканимга еткур ўзни интизор ўлдим бассе,  
Марҳамат зоҳир қилиб бир кеча, эй ширин лиқо.

Соқиё, тутғил карам жомин мани лаб ташнаға,  
Асрү хуммор ўлмишам ранж ила бу ҳижрон аро.

Фурқати оломидин фарёд қилсан ногиҳон,  
Ўртанур оҳим ўтиға ҳар саҳар арзу само.

Еткур ўзни ком топмоқ истасанг, Девониё,  
Амният оромгоҳи гӯшай фақру фано.

\* \* \*

Фигор этган кўнгулни тийри мужгонингға салламно,  
Жаҳонға фитна солди чашми фаттонингға салламно.

Саросар шавқидин қон айлаган афгор кўнглумни,  
Қизил гул фунчасидек лаъли хандонингға салламно.

Тараҳҳум қилмадинг дедим санга ким шарҳи ҳолимни,  
Дегай ҳар кимса кўрса чиқмағон жонингға салламно.

Қилиб қатл ишқ элини зулму бедод айладинг бунёд,  
Жаҳон бўстонида, эй шўх сомонингға салламно.

Кўнгулдин сабру оромим паришон айлади охир,  
Тонг эрмас гар десам зулфи паришонингға салламно.

Чу аввал аҳди маъшуқ айлабон сўнг минг жафо қилди,  
Манга ёлғондин этган аҳду паймонингға салламно.

Фироқи шиддати шарҳини девонингға бер тартиб,  
Дегай, Девониё, назм аҳли девонингға салламно.

\* \* \*

Кулбама кел, мақдамингға йўқ ила борим фидо,  
Не йўқ ила бор, балки жони беморим фидо.

Бир кўруб то суратингни айладим сар-то бапо  
Дини исломимни, эй хуршиди рухсорим, фидо.

Сўргали ҳоли харобим масканимни маскан эт,  
Сарбасар бўлсун санга пинҳону изҳорим фидо.

Марҳамат зоҳир қил эмди, жону кўнглумдин асар,  
Қолмайин бўлди сенга, эй чашми хунхорим, фидо.

Боғ аро кирсанг агар сарве ўзини қилғуси,  
Қоматингға ҳар нафас, эй сарви рафторим, фидо.

Жонини қурбон этиб шавқинг била субҳу масо,  
Қилмоғон борму ўзин даҳр ичра, эй ёрим, фидо.

Жону дилни садқанг айлаб, айладим Девонийдек,  
Ҳам матон васфинга нақди ашъорим фидо.

\* \* \*

Ёндим ғамингдин сарбасар раҳм айлагил, эй дилрабо,  
Ҳажринг тунидин кўзларим зулфинг каби бўлди қаро.

Недур гуноҳим, эй пари, ман нотавонинг билмадим,  
Тун-кун қилурсан ҳолима раҳм айламай жавру жафо.

Ҳар неча жон қилса фидо афсуским ишқ аҳлиға  
Ҳижрон аро ҳусн аҳлидин бир заррадек йўқдур вафо.

Муҳлик фироқи ичра гар фарёд қилсан не ажаб,  
Ул сангдилдин бўлмади ҳаргиз мани комим раво.

Ман хастаға боқмай даме ул моҳ пайкар дам-бадам,  
Кўргузгуси ағёрға ҳаддин фузун лутфу ато.

Яъқубдек субҳу масо ул моҳи Қанъондин йироқ,  
Байтул-аҳзандга иш манга чекмак эрур ранжу ано.

Беҳуда меҳнат чекмагил маҳзун ўлуб, Девониё,  
Ҳусн аҳлидин меҳру вафо умидидур айни хато.

\* \* \*

Ваҳ недин жавр қилурсан, дегил, эй ёр, манга,  
Еткуур дарду ғаминг дам-бадам озор манга.

Фурқатинг шиддатидин ўлмакка етдим, лекин  
Бўлмадинг ҳажринг аро сирдошу ғамхор манга.

Бу ҳазин ҳолима бир зарра тараҳҳум қилмай,  
Дам-бадам жавру жафо айлагунг изҳор манга.

Юзларинг шавқидин ўт кўнглум аро шуъла уруб,  
Ҳажр аро дарду ғаминг бўлдики бисёр манга.

Кирпикинг ханжари кўнглумни басе қилди яро,  
Эмди раҳм айлагил, эй шўхи ситамкор, манга.

Қилмасанг лутфу карам ҳолима, эй шўх, агар,  
Эмди жон асрамоқ ҳижрон аро душвор манга.

Ҳар саҳар оҳим ўти чархи фалакка етушур,  
Базм этиб тарки ситам айлаки дилдор манга.

Зулм этиб бошим уза дарду бало еткурадур,  
Бир тараф ҳажринг ўти, бир тараф ағёр манга,

Фироқинг шиддатидин англа чу Девоний каби  
Айламак боис эрур муҳтасар ашъор манга.

\* \* \*

Эй пари, келмасму раҳминг чашми гирёним кўруб,  
Жавру зулминг бирла ҳар дам ўтлуг афғоним кўруб.

Инглазурлар дам-бадам аҳли саломат даҳр аро,  
Муҳлик ҳижронинг аро бу ҳоли вайроним кўруб.

Ишқ таркин майл этибдурлар бори ишқ аҳликим,  
Фурқатинг ичра менинг хотир паришоним кўруб.

Баҳри ҳайрат ичра ғарқ ўлмишдурур аҳли хирад,  
Шоми ҳижронинг аро аҳволи ҳайроним кўруб,

Барча олам ҳалқи ҳар дам ҳолима таҳсин деюр,  
Бу сифат ранжу аламда чиқмағон жоним кўруб.

Тонг эмас мурғи саҳар маъдум қиласа ноласин,  
Ҳажр аро ҳар дам мени бу ҳоли нолоним кўруб.

Ваҳки Девоний каби ошуфтадурман раҳм қил,  
Васлинга етмакда қилғон қасду жавлоним кўруб.

\* \* \*

Дедим: гирифтор айладинг анвори ҳуснинг кўрсатиб,  
Дедики: куйдургум сани ҳажр ўти бирла ўртатиб.

Дедимки: тинмай васлинга фурқат ўтидин зорман,  
Дедики: еткунг васлима Мажнунға ўзни ўхшатиб.

Дедимки: эй дилбар, манга жилва қилурсан не сабаб,  
Деди: ҳалок эткунг сани қошу кўзумни ўйнатиб,

Дедим: лабингни шарбати шавқидин ўлдим ҳажр аро,  
Дедики: жон топғунгдуур васлим аро они тотиб.

Дедим: фироқинг дардидин жисмим фигор ўлди басе,  
Деди: фигор этдим они қилдинг ғалат новак отиб.

Дедимки: жон нақдин берай бир бўса бер лаълинг  
учун,  
Дедики: бил жон нақдиға ҳаргиз они бўлмас сотиб.

Дедимки: етсам васлинга Девонийдек не ҳол ўлур,  
Дедики: маст ўлғунгдуур то субҳи маҳшарча ётиб.

\* \* \*

Субҳу масо гул васлини айлаб таманно андалиб,  
Саҳни чамани ўзига чун қилди маъво андалиб.

Дашти жунунға юз қўюб, фарёд этиб Мажнун киби,  
Орому сабрин ғам била ҳам қилди яғмо андалиб.

Парвонадек сар-то бапо шавқи шарапга куйгали,  
Ул оташин гул ишқидинким бўлди шайдо андалиб.

Тортиб туман озорлар ранжу таабдин айлади,  
Оlam аро юз шўру шар бошиға барпо андалиб.

Ишқ ўти бирла ўртаниб, айлаб фифону нолалар,  
Боғ ичра солди шавқдин юз шўру ғавғо андалиб.

Қилғоч тамошо ногиҳон гул оразин гулшан аро,  
Ҳар дамда юз турлук наво чун қилди пайдо андалиб.

Айлаб басе оҳу фифон Девонийдек тинмай даме,  
Завқ ўти бирла ёндинким кул бўлди гўё андалиб.

\* \* \*

Ман ҳаста ҳолин, эй сабо, хуршиди тобонимға айт,  
Ўлдим ғамидин ҳажр аро яъники султонимға айт.

Бир-бир баён айлаб кўзум ашк ўрниға қон тўкконин,  
Ҳам хотирим ошуфтасин зулфи паришонимға айт.

Шарҳи фироқида тилим лол ўлғонин сар то бапо,  
Айлаб тараҳҳум ҳолима шўхи суҳандонимға айт.

Бир сўрмади ҳоли дилим лутфу карам изҳор қилиб,  
Ёндим ғамидин сарбасар ул чашми фаттонимға айт.

Сабр этгали ҳижрониға ҳаргиз қарорим қолмади,  
Дарду аламлар заҳматин ошуби давронимға айт.

Бир келмади кулбам аро бўлди пушаймон ё магар,  
Ким айлаб эрди ваъдалар ул аҳди ёлғонимға айт.

Бир сори ҳажри шиддати, бир сори ҳам ағёри шум,  
Қилмас жафо таркин манга бир лаҳза жононимға айт.

Бу тийра кулбамга келиб меҳри жамолини очиб,  
Қилсун мунааввар бир кеча шамъи шабистонимға айт.

Девонийдек қилғум дуо ҳаққингда ман субҳу масо,  
Ман ҳаста ҳолин, эй сабо, хуршиди тобонимға айт.

\* \* \*

Чекиб ул ой ғами ҳажридин офат,  
Кўнгулда қолмади бир зарра тоқат.

Манга зулму ситамлар зоҳир айлаб,  
Тонг эрмас даҳрдин қилсам шикоят.

Муродим топмадим ёр оллида ким,  
Вале ағёрға айлар иноят.

Неча бедод қилса чархи золим,  
Тахаммул айламакни айла одат.

Топар албатта кому мақсадини  
Кишига бўлса фан расми қаноат.

Сўранг, эй васл эли, ул дилрабодин,  
Ки ҳижронифа бордурму ниҳоят.

Бало дашти аро саргаштадурман,  
Кўруб Девонийдек ранжу мashaққат.

\* \* \*

Недин кўп муддат ўлди, эй паризод,  
Ки ман афтодани ҳеч қилмадинг ёд.

Фироқинг ичра андуҳ шиддатидин  
Ҳазин ҳолимға ишдур оҳу фарёд.

Вафоу меҳр этиб аввалда беҳад,  
Қилурсан не сабабдин эмди бедод.

Жамолинг неъматидин, эй париваш,  
Ҳазин ошиқларингни қилма ношод.

Вафо аҳлига зинҳор, эй ситамгар,  
Вафо қилғил, жафо ўрниға бунёд.

Қоронғу масканим ҳажр оқшомида  
Висолинг шамъи бирла айла обод.

Чекиб ўтлуғ наво тун-кун ғамингдин,  
Қилибман сабру оромимни барбод.

Қарам зоҳир қилиб бир кеча, эй шўх,  
Қил эмди ҳажр зиндонидин озод.

Етарсан васлиға, Девоний, оҳиста,  
Жафосини чекиб бас қилмагил дод.

\* \* \*

Эй пари, ишқинг ғамидин айлаб афғон ҳар саҳар,  
Айладим элдин ниҳон ашкимни тӯғон ҳар саҳар.

Қелмадиму зарра раҳминг тоқат этмай, эй пари,  
Ҳасрату оҳимфа ушбу чархи гардон ҳар саҳар.

Партави ҳуснингдин ойру тийра ҳижрон ичраким,  
Айлади жаври ғаминг ҳолимни вайрон ҳар саҳар.

Гўшаи ҳижронинг ичра топғали ғамдин амон,  
Йиғладим аҳволима борича имкон ҳар саҳар.

Фурқатинг андуҳидин бир дам фароғат топмадим,  
Чунки ҳажринг ханжари кўнглум қилиб қон ҳар саҳар.

Ранж ила меҳнатдин асрү зор эрурман ўртаниб,  
Қил тараҳҳум ҳолима, эй моҳитабон, ҳар саҳар.

Ҳажр аро шавқи ғаминг беҳад ситамлар еткуурп,  
Айлади Девонийдек кўнглум паришон ҳар саҳар.

\* \* \*

Ул ситамгарким, жафо расмини мутьод айламиш,  
Ишқ эли сабр ила оромини барбод айламиш.

Заррадек меҳрини кўрмай зулму озорин чекиб,  
Давр эли ҳарён кўрунгким, илкидин дод айламиш.

Қайда ором айлагум ул нозанини жаврфан,  
Ким мани мажнунга беҳад зулму бедод айламиш.

Ошиқи бечораға жавр айлабон субҳу масо,  
Муддайни базми васлида vale шод айламиш.

Ул парининг ўзлариға барча маҳвашлар кўринг,  
Дилраболиқ шевасин билмакда устод айламиш.

Не ажаб, Девониё, гар шиква қилсам бу фалак,  
Чунки туз аҳлиға кажравликни ижод айламиш.

\* \* \*

Жавру зулмини манга бу кун аён этди фироқ,  
Қоматим хам қилдию кўнглумни қон этди фироқ.

Сабру оромим олиб ҳам бу бузуқ кўнглум аро,  
Дам урорға заҳра қўймай нотавон этди фироқ.

Оҳим ўтидин шарор оламға тушса тонг эмас,  
Тифи жаврини бошим узра равон этди фироқ.

Нола қилсам ҳолима шаб то саҳар эрмас ажаб,  
Оқибат ман нотавонға қасди жон этди фироқ.

Ҳар на бўлса меҳнати ранжин манга фош айлабон,  
Лек жавридин рақибимни амон этди фироқ.

Үлғоли етдим ҳаводис зулмидин, аҳбоблар,  
Дилни хун, қоматим андоқ камон этди фироқ.

Бу ситамга чора не қилғумдуур, Девониё,  
Ман ҳазинни заррадек кўздин ниҳон этди фироқ.

\* \* \* \*

Бу оқшом кулбам ичра лутф этиб, эй маҳлиқо, келгил,  
Чекиб дарди фироқингни бўлубман мубтало келгил.

Билиб ҳижрон аро афтода ҳолим дарди ишқингдин,  
Кўнгул мулкини вайрон айлади хайли бало келгил.

Шаби ҳижрон аро доим ёқиб уммид чироғини,  
Этурман интизоринг раҳм этиб, эй дилрабо, келгил.

Саросар жаври ҳажрингдин ҳаётим мунқатиъ бўлмиш,  
Мани маҳзунга эмди қилиб тарки жафо келгил.

Етушмай жоми васлингга басе хуммор ўлубдурман,  
Висолинг бодасидин қилғали комим раво келгил.

Ҳазин кўнглумни ҳижрон бандидин озод этиб лекин,  
Қилиб лутфу карам беҳад тутуб расми вафо келгил.

Муяссар бўлмади мани зорингга висолинг туни ҳаргиз,  
Қадим дарду ғаминг остида бўлди мисли «ё» келгил.

Фироқинг шиддати бирла басе афтода бўлмишман,  
Паришон ҳолима, эй жон, қилиб лутфу ато келгил.

Балоу ғам аро Девонийдек маҳзун ўлубдурман,  
Бу оқшом кулбам ичра лутф этиб, эй маҳлиқо, келгил.

\* \* \* \*

Ман санга айлай бори ҳолимни изҳор, эй ҳаким,  
Сан vale фош этма бу сирримни зинҳор, эй ҳаким.

Беадад қилдинг давойи ваҳ нечук суд айласун,  
Ким эруман ишқ дарди бирла бемор, эй ҳаким.

Бу маризи ишқдин сиҳҳатлиғим мумкин эмас,  
Бермагил ман хаастаға беҳуда озор, эй ҳаким.

Ушбу муҳлиқ дардима гар нола қилсам ҳар сахар,  
Андаке сокин этар фарёд ила зор, эй ҳаким.

Үлмайин ҳаргиз халоси топмагин имкони йўқ,  
Кимсаким гар бўлса бу дард ила дучор, эй ҳаким.

То лабининг шарбатин нўш айласам васли аро,  
Ушбу дорулар менинг ҳаққимда бекор, эй ҳаким.

Қўйғил ўз аҳволима, жоҳиллик изҳор этма кўп,  
Ким қилур доруларинг дардимни бисёр, эй ҳаким.

Ҳожатим йўқ дард учун доруларингға заррадек,  
Чун менинг дардимни дуоруси тайёр, эй ҳаким.

Етмайин ҳасрат чекарман рўзу шаб Девонийдек,  
Токи бўлдум бу мараз бирла гирифтор, эй ҳаким.

\* \* \*

Қўзум қон тўкмаги ҳижрон аро ранжу мاشаққатдин,  
Паришон бўлмоқи қўнглумни ҳам андуҳи фурқатдин.

Дамодам нотавон ҳолим кўруб айб этманг, эй аҳбоб,  
Қадимни ҳамлиги ҳижрони ичра бори меҳнатдин.

Тилаб айшу тараб юз урмангизлар сұҳбатигаким,  
Қасофат етгуси даврон аро нобоб улфатдин.

Қаноат пеша бўл, қилма тамаъ аҳли ҳасосатдин,  
Агарчи берса бир нон ўлтуур албатта миннатдин.

Жунун дашти аро гар юз бало ҳар дам ғулув айлар,  
Тиларсан айшу ишрат қочмагил албатта заҳматдин.

Десанг эмин бўлай доим ғаму оломи даврондин,  
Даме бош чекмагил, Девониёким, хоки узлатдин.

\* \* \*

Бўлмаса базм ичра жонон, ўзга дилбарни нетай,  
Орази меҳридин ойру моҳи анварни нетай.

Даҳр аро саъй айлабон гар жоми васлин топмасам,  
Маст ўлурға жом аро гулгуна соғарни нетай.

Сарв янглиғ қоматиға қилмасам наззораким,  
Гулшани олам аро сарву санубарни нетай.

Қилма, эй носиҳ, манга жаннатда кавсар васфини,  
Чун лаби шаҳдидин ойру оби кавсарни нетай.

Бўй этарга базм аро шабранг зулфидин йироқ,  
Боғ аро райҳон ила ҳам сунбули тарни нетай.

Кўрмасам лаъли лабин базм ичра, эй аҳбоблар,  
Айламанг таърифини ёқути аҳмарни нетай.

Даҳр аро Девонийдек гар дурри нутқин топмасам,  
Инбисоти даҳр ила тахти Скандарни нетай.

\* \* \*

Тушуб бошимға ҳажрида ул ой зулфини савдоси,  
Кўзум хун тўккуси ҳардам ҳазин дил зори шайдоси.

Таним урён кўруб кўйида айб этманг мани, аҳбоб,  
Басе ҳолимға қаттиғ бўлди ғам хайлини яғмоси.

Нетонг дод айласам саҳройи ғурбат ичра ҳолимға,  
Ки йўқдур ман ҳазиндин ул парини зарра парвоси.

Рақибимнинг қулоғига етар кўйига гар борсам,  
Қилиб итлар била жанг жадал ман телба ғавфоси,

Кел, эй соқий, қадаҳ тутғил харобот ичра эмдиким,  
Ўзумни айладим ишқи ғамидин даҳр расвоси.

Кўруб девоналиғда, носиҳо, айб этма ҳаргизким,  
Ҳазин кўнглумда бордур васли базмини таманноси.

Ажаб йўқ муддайини айласам, Девониё, эъзоз,  
Қавий бўлса, кишини даҳр аро йўқ чора, аъдоси.

\* \* \*

Даҳр аро ман чекмаган қайғу била ғам қолмади,  
Йиғламоқдин кўзларимда қатраи нам қолмади.

Бир нафас мунглуғ кўнгул сиррин десам чарх  
иљидин,  
Ваҳки бир даврон аро сирдошу ҳамдам қолмади.

Ғусса чекмоқда кўруб афсурда маҳзун хотирим,  
Ҳасрату ғам чекмаган ҳолимға одам қолмади.

Турфа йўқдур нола қилсан сарв янглиғ қоматим  
Бўлмайин ҳижрон ғами бори била хам қолмади.

Зоҳир этмакликда ҳар лаҳза манинг шонимғаким,  
Не эса зулми фалак кўп бўлдию кам қолмади.

Эмди тутдум муғтанам бу фурсат умримникум,  
Соқиё, бергил фано жомин манга дам қолмади.

Шаҳнаи ғамға асир ўлмоқ била, Девониё,  
Вой ким, маҳзун кўнгул бир лаҳза хуррам қолмади.

## МУХАММАС

\* \* \*

Жунуним шўришин айб этмагил ҳижрон балосидин,  
Жаҳон бир тийра уйдир дуди оҳимнинг қаросидин,  
Хабар сўрмасму ҳеч дилбар кўруб ўз мубталосидин,  
Фифонким эмин ўлмасман dame даврон жафосидин,  
Ситам кўпроқ етар эркон кишига ошносидин.

Неча муддатдурур зулминг чекарман, эй пари рухсор,  
Ситам тифи била кўнглум саросар айладинг афкор,  
Фироқинг дардидин ўлмишдуурман ўлгудек bemор,  
Эшит додимни лутф айлаб тафофул қилмағил зинҳор,  
Ҳазар қил, эй ситамгар, эмди бу қаддим дутосидин.

Ҳазину нотавонингман, маниким мунча зор этма,  
Етуш кулбам сори, эй нозанин, кўп интизор этма,  
Рақиби муддайлар сўзларини эътибор этма,  
Тараҳхум зоҳир эт, девонаи кўйингман, ор этма,  
Муносибдур шаҳи олий хабар тутса гадосидин.

Вафо расмин тутуб ҳажрингдин озод этмадинг  
ҳаргиз,  
Фироқим ичра бормусан дебон ёд этмадинг ҳаргиз,  
Бузуқ кулбам висолинг бирла обод этмадинг ҳаргиз,  
Санга таҳсин! Хароб ҳолим кўруб шод этмадинг  
ҳаргиз.  
Хароб ўлғусидур олам кеча оҳим садосидин.

Эшит арзим карамдин, эй парилар сарвари, охир,  
Тўқар қоним мани кирпикларингнинг ханжари охир,

Ғулув қилди вужудим шаҳриға ғам лашкари охир,  
Нигоҳи илтифотингдин етур мақсад сари охир,  
Ҳалок ўлмоқлиғим таҳқиқ эрур қошингни ёсидин.

Хаёли қоматинг сабру қароримни олур, лекин,  
Дамодам жон қуши кўюнг сориға уйрулур, лекин,  
Фироқ ичрағариб ҳолим бори олам билур лекин,  
Агар шарҳин қилур бўлсам тилим ожиз келур, лекин,  
Кўнгулни минг китоби бордуур ғам можаросидин.

Бало дашти аро бўлдум асири дарду ғам, келгил,  
Ҳазин ҳолимга тарк айлаб даме зулму ситам, келгил.  
Хиромингдин қилиб зоҳир басе лутфу карам, келгил,  
Бу тун кулбам аро, эй нозанини муҳташам, келгил,  
Етарсан матлабингға ушбу маҳзунинг дуосидин.

Манга таъйин экан гўё азалнинг дафтари бирла,  
Ки бу ёнмоқлиғим парвонадек шавқ ахгари бирла,  
Кўнгулни пора айлаб ранжу меҳнат ханжари бирла,  
Ўлук янглиғ йиқилдим шоми ҳижрон сарсари бирла,  
Етур қувват қуёши васлингни боди сабосидин.

Жаҳон тўфон ўлубдур йиғламоқдин ашкборингға,  
Тараҳҳум айлабон фурқат аро афтону зорингға,  
Ажаб эрмас қуёш янглиғ етушса шоми торингға,  
Бузуқ ҳолингни, Девоний, рақам то айла ёрингға,  
Жафосини эса тортиб умид этгил вафосидин.

## Навоий ғазалига мухаммас

Тутуб меҳру вафо расмин, манга тарки азоб айлаб,  
Билиб ҳоли харобимни, мурувват беҳисоб айлаб,  
Бори ушшоқ аро мен нотавонин интихоб айлаб,  
Тун ақшом келди кулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб,  
Хироми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб.

Ўзига фан қилиб нозу адо расмини сар-то сар,  
Юзини шамъидин ҳижрон тунини айлади анвар,  
Қўзу қошидин эрди фитнау бедод иши азҳор,  
Қилиб мужгонни шабравлар киби жон қасдига  
ханжар,  
Белига зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.

Вафо расмин тутуб кулбам аро таъжил ила кирди,  
Фасоҳат риштасига нуктаи гавҳарларин терди,  
Каломи рамзидин айшу тараб осори фош эрди,  
Кулуб ўлтурдию илким чекиб, ёнида ер берди,  
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.

Бало даштида айлаб рўзу шаб мажнун киби маскан,  
Ишим аҳволима эрди туну кун нолау шеван,  
Табассум фош этиб деди манга ул дилбари пурфан,  
«Ки эй зори балокаш ошиқим, менсиз нечуктурсан?»  
Мен ўлдум лолу айта олмадим майли жавоб айлаб.

Қилиб лутфу карам ул нозанин, кулбамаро келди,  
Фами ишқи аро оҳу фифоним кўзига илди,  
Неча муддат фироқи ичра хуммор эрканим билди,

Чиқарди шишаи май доги бир соғар тўла қўйди,  
Ичиб, тутди манга юз навъ нозосо итоб айлаб.

Бериб майни дедиким: Айлагил ашкингни бас кўздин,  
Бўлуб сармасти лояъқил мени маҳзуни бу сўздин,  
Таваққуф қилмайин ўлдим ҳаёни рафъ этиб юздин,  
Ичиб, фарёд этиб туштум аёқиға, бориб ўздин,  
Мени йўқ бодаким, лутфи анинг масти хароб айлаб.

Бирорким рўзу шаб ҳажр ичра иши бўлса гом урмоқ,  
Чекиб ранжу миҳан, уммид этиб комин раво бўлмоқ,  
Етушса ўзни айлаб кўйида Девонийдек туфроқ,  
Аниким элткай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,  
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

## **Навоий ғазалига мухаммас**

Билмагай шавқ аҳли ҳолин шавқдин кўтоҳлар,  
Етмагай манзилга гом урмоқ била гумроҳлар,  
Ҳасрати ҳажр ила тортиб нолаи жонкоҳлар,  
Улки солғай шуъла аъзосиға ўтлуг оҳлар,  
Қайда. билгай куймакин зарбафт кийган шоҳлар.

Водийи ғам ичра ишқ аҳлидин ўзга билмагай,  
Бўйла ҳолин ҳусн аҳли ҳаргиз кўзига илмагай,  
Оҳу фарёдин кўруб чун зарра раҳми келмагай,  
Бағридин қон томғучи ушшоқ заҳмин билмагай,  
Тифидин қон томғучи бераҳм олий жоҳлар.

Ҳар неча гарчи балойи ишқ эрур хунрезким,  
Айламай чун зарраи заҳмидин они парҳезким,  
Тешасин жон қасдига айлаб дамодам тезким,  
Шиддатин Фарҳод қилғай фаҳм, йўқ Парвезким,  
Дардни хокийлар англар, йўқ фалак даргоҳлар.

Равзай дилдин фарофат гулларини юлғали,  
Эйки риҳлатдин фано кўйида чун гул сўлғали,  
Тарки жон айлаб жунун аҳлиға ҳамдаст ўлғали,  
Жону кўнглум кирдилар ғам даштиға гум бўлғали,  
Ман ҳам этдим жазм, чун азм эттилар ҳамроҳлар.

Ҳар нафас тифи ситам кўнглини юз қатла тилур,  
Ҳажр аро ҳар не бало ишқ аҳли бошиға келур,  
Чекмагунча то ани аҳли саломат не билур,

Бўлсалар огаҳки, бир ғамгинни ҳижрон ўлтуурп,  
Фикр этар ҳолига ҳижрон дардидин огоҳлар.

Муддаийлар не билур фурқатда ҳамроҳим недур,  
Шавқдин ҳар лаҳза чеккан нолау оҳим недур,  
Бўйла суръатдин фано шаҳри аро жоҳим недур,  
Ваҳ не билғай ҳажр занжирида дилҳоҳим недур,  
Ҳалқа ургон базм айши даврида дилҳоҳлар.

Сенда, Девоний, недин шарму ҳаёни фикри йўқ,  
Етгали манзил сори қасди вафони фикри йўқ,  
Хотирингда ваҳки жуз журму хатони фикри йўқ,  
Эй Навоий, шоҳларға чун гадони фикри йўқ,  
Айлағил сен тенгри даргоҳиға шайъан лиллоҳлар.

### **Огаҳий ғазалига мухаммас**

Норасолар жоми васлиға хумор ўлмоқ абас,  
Кўйининг гарди била чашми губор ўлмоқ абас,  
Халқи олам таъни бирла шармсор ўлмоқ абас,  
Шўхлар ҳуснин қўруб беэътибор ўлмоқ абас,  
Бевафолар васлин истаб беқарор ўлмоқ абас.

Ҳар киши кўнглини берса шўхларға ногиҳон,  
Меҳнату ғам остида қаддини қилса чун камон.  
Истаса гар лутф топмоқни алардин ногиҳон,  
Сўзлари дур заҳри қотил они шаҳд айлаб гумон,  
Содаликдин заҳри қотилға дучор ўлмоқ абас,

Йиғласанг ҳар дам тилаб васлини бўлмоқ ҳамдами,  
Йиғламоқдин кўзларингда қолмаса қатра нами,  
Зарра лутф айлаб алар тарки жафо қилмас дами,  
Йўқ аларнинг лутфидин чун шодлиғнинг марҳами,  
Йўқни истаб тифи ғамдин дилфигор ўлмоқ абас.

Қажлик ила бу фалакни кўр қарори йўқдуур,  
Ғам чекар ишқ аҳли туну кун ғамгусори йўқдуур,  
Шўхларға жон фидо қилсанг мадори йўқдуур,  
Қилсалар ҳар ваъда онинг эътибори йўқдуур,  
Алданиб ул ваъдаға беэътибор ўлмоқ абас.

Хўбларнинг йўқдур ошиқларға унсу улфати,  
Хор ўлуб ҳижронида чекма балоу меҳнати,  
Ошиқи бечораға бўлмас мұяссар вуслати,

Мумкин эрмас чун аларнинг васли базми ғурбати,  
Бас они истаб алар кўйида хор ўлмоқ абас.

Сўрмагайлар раҳм этиб ушшоқ ҳолин билса ҳам,  
Йиғламоқдин ишқ элининг кўзлари кўр ўлса ҳам,  
Оҳу ашки ишқ элидин бу жаҳон гар тўлса ҳам,  
Келмагайлар раҳм этиб ҳижронда ошиқ ўлса ҳам,  
Рўзу шаб келмакларига интизор ўлмоқ абас.

Дилраболарни кўрунг раҳму вафо кўнглида йўқ,  
Бўлғали ушшоқ элига ошно кўнглида йўқ,  
Қилғали Девоний комини раво кўнглида йўқ,  
Огаҳий ҳусн аҳлини раҳму вафо кўнглида йўқ,  
Бас алар олдида кўздин ашкбор ўлмоқ абас.

## МУСАДДАС

\* \* \*

Аввал ул шўх юзи нуру зиёсини кўрунг,  
Сўнгра эл қатли учун қошлари ёсини кўрунг,  
Жонга етган ғамида дарду балосини кўрунг,  
Жаврига ошиқининг сабру ризосини кўрунг,  
Ваҳки ул моҳлиқо нозу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Чекмак андуҳи ситам бўлур ишим субҳу масо,  
Юзланиб жони ҳазинимға туман дарду бало,  
Қилғали жоми висоли била комимни раво  
Айладим кўйи аро ўзни мен телба гадо,  
Ваҳки ул моҳлиқо нозу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Нетай ул шўх ўзин ғайриға ҳамроз айлар,  
Арзи ҳолимни десам ғамза била ноз айлар,  
Жавр расмини мени телбага оғоз айлар,  
Тилаб ишқ аҳли қатлини таку тоз айлар,  
Ваҳки ул моҳлиқо нозу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Туну кун шоми фироқида ишим афғондур,  
Қон тўкуб икки кўзум хаста жигар бирёндур,  
Васлиға етмак ҳазин хотирима армондур,  
Нечаким ваъда манга қилди бори ёлғондур,  
Ваҳки ул моҳлиқо нозу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Ногаҳон қилса бошимдин ул шўх гузар,  
Айладим итларидек гўйи ҳаримида мақар.  
Токи қилдим мен онинг ҳусну жамолига назар,  
Қолмади кўнглум аро сабр ила тоқатдин асар,  
Ваҳки ул моҳлиқо нозу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Қоматим айлади ё шавқи қади зебоси,  
Йўқдуур ҳоли харобимдин онинг парвоси,  
Хаста кўнглумда эрур ишқу жунун савдоси,  
Айб эмас бўлсан агар эмди жаҳон расвоси,  
Ваҳки ул моҳлиқо нозу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Ўзни Девоний каби айламадим аҳли фунун,  
Ҳолатим ишқ ғами бирла бўлуб асрү забун,  
Иҳтиёр этдим ўзумга мени саргашта жунун,  
Бу сабабдин букулуб қоматим ўлмишдур «нун»,  
Ваҳки ул моҳлиқо нозу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.







# АНБАР ОТИН







# Н

нбар отин XIX асрнинг II ярми, XX аср бўшларида ўтган шоирадир. У Муқимий, Фурқат ва Завқийлар билан бир даврда ва ўзаро ижодий алоқада яшади.

Анбар отиннинг ўғил-қизларининг берган маълумотига кўра, у 1870 йили Кўқон шаҳрида камбағал косиб оиласида туғилган. Шоиранинг ҳаёти ва тақдирни феодализм давридаги ўзбек аёлларининг ҳаёти ва тақдиридан деярли фарқ қилмайди, балки, унинг устига оғир жисмоний азоблар ҳам қўшилган. Шоира 30 ёшларга кирганида бой хотинларнинг тажовузи билан унинг иккι оёғи синади, кейинчалик шол бўлиб, ётиб қолади. Бунинг устига ўпка хасталиги ҳам қўшилади. Бир неча йил оғир жисмоний азоб тортиб, бир жойда ётади ва шу хасталик билан 1906 йилда 36 ёшида вафот этади.

Анбар отин ўз давридаги ҳар бир йирик тарихий воқеага ўз муносабатини билдириди. Масалан, у ўз замонасидағи йирик тарихий воқеа — Ўрта Осиёning Россияга қўшилишига, ўз даврининг илғор фикрли кишилари сифатида ижобий муносабатда бўлди. Бу воқеага бағишланган шеърида у ўзбек халқи билан рус халқи ўртасида вужудга келаётган дўстона алоқалар ва ҳамкорликни табриклаб чиқди. Бу муносабатларнинг ўзбек халқи тақдиррида катта роль ўйнашини била олди. Шунинг учун ҳам халқни рус халқи билан мустаҳкам алоқа қилишга чақирди. Улуғ рус халқини, унинг илғор маданиятини улуғлаб чиқди, халқни рус илму фанини ўрганишга чақирди. Меҳрибон доктори тимсолида буюк рус халқини кўрди ва унга ўзининг самимий ҳурмат ва садоқатини ифодалаган жўшқин мисраларини бағишилади.

Бутун умри бўйи халқи ва ватани тақдирини ўйлаган ва қайғурган шоира ўзи тириклигига ўз дил сўзлари бўлган шеърларини халққа етказа олмади. Лекин замонлар

ўтиши билан унинг ижоди ўз эгасига етишига ишончи комил эди унинг.

Шоиранинг бу орзуси ҳам рўёбга чиқди. Унинг авлодлари воситасида 47 шеърни ўз ичига олган девони ва насрий «Қаролар фалсафаси» номли асари жамоатчиликка маълум бўлди.

Бу ердаги шеърлар Анбар отининг ЎзССР Бадиий адабиёт нашриёти 1963 йилда чиқарган китобидан олинди.



## ФАЗАЛЛАР

Ж

\* \* \*

Муқимий, эрлар ичра куйлангиз сиз ҳар мудом!  
Негаким мандек аёлларга эрур куйлаш ҳаром.

Эрни хотундин қилиб афзал яраткан, дейдилар,  
Биз учун ҳам сизни, шеърингизни этсун эҳтиром.

Бебизоатлик агар эл ичра бўлса айбингиз.  
Бўйла қонун кашф этканлардин олинг интиқом.

Сиз каби ростгўйлар ҳоло хушомадға ғализ,  
Вақти келгай сўзларингиз топқуси олиймақом.

Ичкарида маҳрамимдур бу қалам, қофоз менинг,  
Дафтарим топилса бир кун ўқуғисидур издиҳом.

Үлмасам етмиш ёшимда кўрсам ҳам майли эди,  
Анбарим ерга кўмулса, ушбуудур баҳти қаром.

\* \* \*

Фурқато, Сиздин қабул илтижо қилсун ўрус!  
Бу заифни илтимосини адо қилсун ўрус.

Келди, келди майлига, бир янгиликни бошласун,  
Болаларга янги мактаблар бино қилсун ўрус.

Ваъда қилмишким, раият ҳолини неку қилур,  
Айтингиз, ул аҳдига бир йўл вафо қилсун ўрус.

Дўхтуримдан эшитиб, хушнуд эрурман русдин,  
Бистарим устида бу дардга даво қилсун ўрус.

Ҳеч ерга чиқмасумға онт берди бу оёқ,  
Дўхтурим восита бўлса, бир шифо қилсун ўрус.

Баҳшилар, кинначи, лўли дастидин безорман,  
Покиза аптекадин дору даво қилсун ўрус.

Сандалида кўб ётуб жонимга тегди, дўстлар!  
Печкасини бу уйимга жобажо қилсун ўрус.

Қаравотда Бибихоним, Оминам, Усмонхўжам,  
Яйрасун, роҳат ишини барҳаво қилсун ўрус.

Бу паранжида қарилар ёш ўлар пардоз ила,  
Мушку Анбар ҳиди ёшларгә мубоҳ қилсун ўрус.

\* \* \*

Бир замонни ўйлагайман, ҳеч замонга ўхшамас,  
Бу жаҳон бурчидаги тўртдин бир томонга ўхшамас.

Дашту саҳро бош-оёқ бўлғай тамоми бўстон,  
Бу замоннинг бўстони бўстонга ўхшамас.

Тоғларидин кўп хазина мени ол деб қичқиур,  
Жилғалар шаҳри азиму Кўҳистонга ўхшамас.

Бу замонда шоҳдир Искандару Доро каби,  
Мен деган кунлардаги бир боғбонга ўхшамас.

Бўри қўйлар бирладур, дахл этмаса довруғидин,  
У замонда бўлғучи дориламонга ўхшамас.

Хизматида қирқта қиз хизмат қиласмиш бекани,  
Келгуси озод ҳур қизу жувонга ўхшамас.

Молини ҳисоби йўқдур, кўзи тўймас бойни,  
Халқнинг молини боққан қўйчивонга ўхшамас.

Минг(та) шоир ёзади ёр дардини куйлабон,  
Мушк Анбар ҳид сочарлик достонга ўхшамас.

## МУСТАЗОД

На хушбахтликки фарзанди Фарфона бўлубман,  
озода таним бор,  
Ҳар кўчада бир шоирга хамхона бўлубман,  
хушхон ватаним бор,  
Афсус, ман мазлум эрурман, ҳақ йўқ манга  
ҳаргиз бу унвони заним бор,  
Хилватда ўзим ўзима айтарман ғамимни,—  
тилсиз даҳаним бор.  
Ҳеч боки эмас, ман бир неча маҳу сол бурун,  
келдим бу жаҳонға,  
Охир очилиб гулшандা, бўладур бу боғим —  
гулгун чаманим бор.  
Бўлғуси чаман ризвонлари ўтқузса ниҳол,  
ҳозир тикони бордур,  
Уммид табласида боқишига қўюбман,—  
аспи саманим бор.  
Келгуси ёруғ дунёга бориш-чун оёғим  
ҳозирча эрур мажруҳ,  
Дод айламагим мумкин эмас бу баданимда —  
қайди каманим бор.  
Фарёд этиб кўз ёши ила ёзган бу абёт  
турсын бу қофазда,  
Анбар ҳидини сочғуси бу жаҳонға,  
уди яманим бор.

## МУХАММАС

Ухламасман кечалар шамъи шабистон ўлмағач,  
Етти қат ер кўксидаги ойга меҳмон ўлмағач,  
Еру кўк илмини билмакка дабистон ўлмағач,  
Абрлар устига лоақал бир нардбон бўлмағач.  
Ул Улуғбекдек бу асримда билимдон ўлмағач.

Нега ухлай кеча-кундуз ухламоқдин чарчадим,  
Кундузи ҳам кечадек кўз юммоқдин чарчадим,  
Тушларимда ҳикмат ишларни кўрмоқдин чарчадим,  
Үйғониб ул туш ҳақида ўйламоқдин чарчадим,  
Кеча ойдин кундузи хуршеди тобон ўлмағач.

Туш кўруб сувсиз, гиёсиз чўлни, бедор ўлмишам,  
Бир тушимда дашт аро ман ҳамдами мор ўлмишам,  
Боз туш кўрсам аёллар ичра саркор ўлмишам,  
Яхши ниятларни куйлаб соҳиб ашъор ўлмишам,  
Кўзни юммасман сира туш бурди чандон ўлмағач.

Бедор ўлтирганимда ҳамдамим ушбу қалам,  
Қўлларимга бу қаламни тутқазур дарду алам,  
Устоз ишхонада, ёнимда ётур тўрт болам,  
Юрагимдан қоғоз устига тушодур ҳажру ғам,  
Қувватим ёзмоққа етгай бир қадрдан ўлмағач.

Ёзмоғимдан менга не ҳожат чиқар манга аён,  
Кўнглума келган ниятни тинмайин айлай баён,  
Ёзгонимдин манга йўқдур на ҳаёну, на зиён,  
Аржуманд фарзандларим баҳти учун бўлғай ҳаён,  
Ёзгоним беҳтар гапим тингловчи инсон ўлмағач.

Қим шамолда чўлга юргай жонини қийнаб ўзи,  
Хор кетгай ким бақирса шу куни айтган сўзи,  
Чангу тупроқ қилғай ифлос ёпмаса тоза юзи,  
Қум кириб ёшлар тўкуб оғриғуси ўткир кўзи,  
Юрмаган беҳтар юрушга кўча дархон ўлмағач.

Ухлагайман юлдузим ой олдига борса яқин,  
Ҳамма кўрган тушларим ўнгимда ҳам бўлса тагин,  
Ёзган ашъорим халойиқ ичра бўлса чун оқин,  
Бу шамоллар тўхтабон сайдераға бўлмай қийин,  
Анбаримни ҳидлари ер ичра пинҳон ўлмағач.





# ФАҚИРИЙ





# Ҳ

бдураззоқ Фақирий 1884 йил Хивада туғилди. Унинг отаси Абдужаббор ҳуқуқшунос олим бўлган.

Абдураззоқ Хива мадрасасида таҳсил олди ва 1900 йилдан бошлаб шеърлар ёза бошлади. Фақирий мероси ҳали ўрганилмаган, унинг бизгача битта девони (ШИ, инв. И—7693) етиб келган. Девонда газал, мухаммас, мустазод, шеърий топишмоқлар ва бошқалар бор. Қўлёзма 1914 йилда кўчирилган. 1920 йилда Хива хонлиги қулатилиб, Хоразм Халқ Республикаси тузилади. Фақирий давлат идораларига ишга киради ва ижодий фаолиятини давом қилдиради. Фақирийнинг кейинги шеърлари 1921 йилдан чиқа бошлаган «Хоразм хабарлари», кейинчалик «Инқилоб қуёши» газеталарида босилди ва 1923 йил Хивада нашр этилган «Югурум» тўпламига ҳам киритилди.

Фақирий шеърлари содда, равон тилда чуқур мазмунли ёзилган. Улар халқчиллиги, маорифпарварликдан иборат мазмуни билан диққатга сазовордир, у ўз даврида иззат-ҳурмат кўрмади, боши ғамдан қутулмади.

Бу мени рози дилимни зор бўлганлар билур,  
Дард кўрганлар билур, бемор бўлганлар билур.  
Тийги ғам бирла дили афгор бўлганлар билур,  
Чун азиз боши жаҳонда хор бўлганлар билур,  
Беқадр, бераҳнамо бўлған ғарибман, найлайин.

У, 1920 йили Хоразмда бўлган халқ хурриятини зўр ҳаяжони билан табриклади, революция доҳийиси Ленинга, Коммунистлар партиясига чексиз садоқатда эканини намойини қилди.

Биродарлар кётурди ўртоқ Ленин саломин,  
Коммунист фирмасининг меҳру шафқат пәёмини,  
Элга мусассар этди озодлик низомин,  
Ёндуурди, елга берди зулм аҳли хонумонин,  
Зулмат замони, дўстлар, ғазаб ўтиға ёнди.

Бу тўпламга Фақирий девони ва «Югурум» тўплами-  
га киритилган шеърлардан танлаб олинди. Фақирий Хо-  
разм Совет Халқ Республикаси даврининг энг пешқадам  
шоирларидан бири эди. У совет тузумини мустаҳкамлаш  
йўлида жанговар шеърлар ёзди, 1925 йил вафот этди.



## ФАЗАЛЛАР

Э

\* \* \*

Й кўнгул, ошуфталиғдин бу на ҳижрондур сенга,  
Нозанинлар васлин истаб бу на армондур сенга.

Кўргачин ҳар воҳидин кўйида қуйдинг дам-бадам,  
Рўзу шаб аҳбоблар ҳолингга ҳайрондур сенга.

Қадди зебосин кўруб, боқмоқ тиларсан ҳусниға,  
Оҳ уарсан тинмайин, беҳуда нолондур сенга.

Кун-бакун онлар висоли гар мұяссар бўлмаса,  
Чашминга яхти жаҳон гўёки зиндандур сенга.

Ул жамоа суҳбатин топғач бўлурсан шоду маст.  
Жумла ашёдин кечарсан, роҳати жондур сенга.

Умринг ўтди бу сифат вобасталиғ бирла мудом,  
Дилраболар мажлиси чун боғу бўстондур сенга.

Бу жаҳон раънолариға мунча ҳирс ўлмоқ хато,  
Содиқ эрсанг, васлиға етмаклик осондур сенга...

Хуррам ўлма бу жаҳон нақшу нигорига, Фақир,  
Беш-ӯн кун бу азиз жон танда меҳмондур сенга.

\* \* \*

Ҳақиқат дўст шулдур — бўлса дўсти жонига мұҳтоҗ,  
Чин ошиқ улки тун-кун бўлса ўз жононига мұҳтоҗ.

Эмас ул ошиқ ҳар маҳвашни кўргач кўнглун олдирса,  
Ҳар ошуфта булур ўз дардининг дармонига мұҳтоҗ.

Қим оқил эрса бир ёр ила умрин ўткарур дойим,  
У нодонлар жаҳонни ҳар лаби хандонига мұҳтоҗ...

Неча бир содалар ҳар нозанин ишқида овора,  
Берурлар дил аларнинг ваъдаи ёлғонига мұҳтоҗ.

На армондур кишининг бир вафолиғ дилбари бўлса,  
Ҳамиша бўлсалар бир-бирининг фармонига мұҳтоҗ.

Ки чин дўст аямас бир-бирисидин мол ила жонин,  
Агарчи бўлсалар ҳам бир-бирининг қонига мұҳтоҗ.

Меним чин эътиқодим сизга холис дўсти жондурман,  
Ҳар одамким бўлур ўз кўнглун олдурғонига мұҳтоҗ.

Ҳамиша мундоғ ўлсун иккимизга аҳд ила паймон,  
Яна бўлманг ғаразгўй аҳдиға паймонига мұҳтоҗ.

Эрур нокаслик ул аввалғи дўстидин жудо бўлмоқ,  
Бўлурлар баъзи тоза ҳамнишин бўлғонига мұҳтоҗ.

Дуогўйи Фақиринг жонидин ортиқ ҳабибисан,  
Етушсанг кулбасига сен каби меҳмонига мұҳтоҗ.

\* \* \*

Олам ичра топмадим бир дўсти жонон беғараз,  
Олиҳимат деганим сўнг бўлди ёлғон, беғараз.

Бу замонда қадру қиммат бўлгудек дўст қолмади,  
Беҳуда бермаслар ўз хешиға ҳам нон беғараз.

Дўст бўлған дунёдин қўйл ювса бир-бири учун,  
Дўнмайин бир-бирига қилса фидо жон беғараз.

Илтифот эткайлар аммо баъзи жоҳил дўстлар,  
Излабон борсанг изингда бўлса ўлғон беғараз.

Лойиқи иззат бўлурсен бу сифат тузсанг равиш,  
Лек борсанг ҳар макон, неъмат фаровон беғараз.

Роҳи рост деб дасти холи борсангиз эшонлара,  
Равнақинг йўқ, ҳеч хабаринг олмас эшон беғараз.

Ҳурмат этмаслар авом ичра улуғ олим эсанг,  
Эл азизи ким кўп айлар хайру эҳсон, беғараз.

Юртимиз халқи мубоҳоти тавозуъ таъзими,  
Зинҳор алданма қилмас кўрса хандон беғараз.

Меҳнат айёмида бошдош дўстларин истар мудом,  
Қилмагай ишратда ёд ҳеч дўсту ёрон беғараз.

Меҳрибондур бир-бирин кўргач қилурлар эҳтиром,  
Маҳи тил учи қилурлар гийла бўғтон, беғараз.

Заррадек қавли қарорин эътибори йўқ экан,  
Завқу шавқ ила чақирмас аксар инсон беғараз.

Ваъдасин чин билма ҳар ким ваъда берса, эй кўнгул  
Ваъдаға қилмас вафо ҳар бир мусулмон беғараз.

\* \* \*

Кўнгулким ғам туни ҳоли паришондур, нечук қилсун,  
Иши то субҳидам фарёду афғондур, нечук қилсун.

Иложи йўқ ҳазин ўлмоқдин ўзга зор кўнглумни,  
Аниси дарду ғам, андуҳи хирмондур, нечук қилсун.

Юроким таън ўқи бирла жароҳат бўлмайин нетсун,  
Дамодам мубталойи тийғи ҳижрондур, нечук қилсун.

Кўран чоғда қилур юз нозу жилва нотавонларға,  
Фироқингдин асиру доғи ҳижрондур, нечук қилсун.

Асири ишқу гулшан сайри бирла табъи очилмас,  
Фамингдин хаста кўнглум ғунчадек қондур, нечук қилсун.

Таҳаммул қилди жон кўнглумни шўру можаросига,  
Амири ҳусн бу мулк ичра султондур, нечук қилсун.

\* \* \*

Булбули зорам, қўнарға бир гулистон истарам,  
Бу гўзалларни на айлай, қўйи бўстон истарам.

Ошиқам, эй дўстлар, жонимға жонон топмайин,  
Жона жонон бўлғали жонимға жонон истарам.

Ёрсиз жаннатга кирсам, зулмату зиндан эрур,  
Нола афғон тортибон бир моҳи тобон истарам.

Ёрсиз ёйдек бўлуб қолдим, ажаб bemorman,  
Писта лаълидин анинг дардимға дармон истарам.

Юз ўгурдим бевафолардин басе безорман,  
Бовафоу бомуруват чашми маston истарам.

Беҳаё, бешарм маҳваш кўп, кўнгул севмас они,  
Тозау тар гулбадан зулфи паришон истарам.

Гар топилса бир мувофиқ табъ нигор, эй дўстлар,  
Мен Фақир тун-кун они бўлмоқға меҳмон истарам.

\* \* \*

Ҳеч ким, ё раб, менингдек дилпаришон бўлмағай,  
Даҳр аро комин тополмай дийда гирён бўлмағай.

Дўст жонлардин ҳамиша яхшилиғ айлаб умид,  
Бас ёмонлиглар кўруб, тун-кунлар ҳайрон бўлмағай.

Аксари авқот нодонларға бўлдим ҳамнишин,  
Ҳеч кишининг бу жаҳонда дўсти нодон бўлмағай.

Ёки бўлса нозанинлардин бириға мубтало,  
Раҳмдил бўлғай у маҳваш, номусулмон бўлмағай.

Жумла мўъмин мақсадин бергай икки олам аро.  
Мен Фақир ҳам шул қаторда соҳиб армон бўлмағай.

\* \* \*

Шифталиғдин ҳоли зоринг қилма ҳар жонона шарҳ.  
Дема сирринг норасо ҳар кўдаку ўғлона шарҳ.

Ёки дўсти жон билиб, ҳар аблача розинг дема,  
Гар десанг доноға де, ҳеч айлама нодона шарҳ.

Дўсти жонинг бўлса ким кўп имтиҳон этмак керак,  
Содалиғдин қилма аҳволингни ҳар инсона шарҳ.

Тоза дўстингға ҳама ҳолинг демак айни хато,  
Бўлса бошдош баъзи ҳолинг айла дўсти жона шарҳ.

Ёру дўстингға етар-етмаслигингдин ранжима,  
Рўзгоринг шиддатини этма ҳеч меҳмона шарҳ.

Дунёдин ранжу ситам етса, қутулмоқ истасанг,  
Мундоғ ҳолинг эт хороботию бир мастрона шарҳ.

Ёки топғил чун ўзингдек дардманд ўлғон киши,  
Айлагил дарди дилинг ул соҳиби армона шарҳ.

Нотавонлиғдин дам урма нокасу номарда ҳеч,  
Илтимосинг бўлса ҳарна қил сахий мардана шарҳ.

Кун-бакун етса халойиқдин сенга жабру ситам,  
Ҳар кима дод этма, арзинг айлагил султона шарҳ.

Гарча султон адл ила бу додинга етмас эса,  
Йиғлағил тунлар туриб, зори қилиб субҳона шарҳ.

Роҳи ҳақни топмайин бўлсанг ҳазину номурод,  
Қил фақирлик пеша, дилдин айлагил қуръона шарҳ.

\* \* \*

Юртимизда ибтидои рағбати хон бўлди печ,  
Сўнгра кам-кам, йил-байил машҳури даврон бўлди  
печ.

Шоғил ўлдилар биносиға сипоҳилар бари,  
Сўнг фақиру ағниё байтида чандон бўлди печ.

Қосиб аҳли доғи қилдилар бино юз шавқ ила,  
Баъдазон шуҳрат топибон қалъя-ёбон бўлди печ

Бул ажоийб мадраса, масжид бино қилдурса ким  
Айш учун онларда ҳам беҳад намоён бўлди печ..

Шаҳр халқи ҳар йил айларлар иморатлар басе,  
Бир-бирисидин кўруб, кўнглида армон бўлди печ.

Аксари халқ тоза жойин йикдиурурлар печ учун,  
Биткариб олғонлара чун боғу бўстон бўлди печ.

Рашк ила кўп нотавонлар қарз этиб айлар бино,  
Лек сипоҳи-ю тавонгарларга арzon бўлди печ.

Косибу мулло, авом, фақру гино, шоҳу гадо.  
Хоҳини кофир, жуҳуд, жумла мусулмон бўлди печ.

Бил муҳол эрди қадимғиларға лой тандурча ҳам.  
Энди жўмард аксара инсонға осон бўлди печ.

Бу сифат таърифа лойиқдурки, роғибдур ҳама,  
Айшу ишрат истағанлар роҳати жон бўлди печ.

Эҳтиroz эткан киши камдур жаҳон айвонида,  
Бал хусусан қаррилар дардига дармон бўлди печ.

Етса қудрат, кошки қилсанг, бино зийнат била,  
Нозу неъмат бешумор бўлса, ободон бўлди печ.

Келса бетаклиф маҳбубул-қулублар субҳу шом,  
Бўлса бу янглиғ ҳамиша чун гулистон бўлди печ.

Нозанинлар гул юзидин етса равшаниғ анга,  
Бас на армон, йўқса базм аҳлиға зиндан бўлди печ.

Мунча тавсиф этдинг, аммо йўқ ўзингда, эй Фақир,  
Қил бино бирин сенам, беҳадду поён бўлди печ.

\* \* \*

Бонг урди инқилобот, мазлум эли уёнди,  
Гўстарди қудратини, дарё киби тўлонди,  
Зулм аҳли хаста бўлди, ўз қонифа бўлонди,  
Амри қудурат итти, жонлар жонға улонди,  
Зулмат замони, дўстлар, ғазаб ўтиға ёнди.

Биродарлар, кетурди ўртоқ Ленин саломин,  
Коммунист фирмасининг меҳру шафқат паёмин,  
Элға мусассар этти озодлиғ низомин,  
Ёндуурди, елға берди зулм аҳли хонумонин,  
Зулмат замони, дўстлар, ғазаб ўтиға ёнди.

Ўртоқ Ленин демушким: бас, энди қўзғолинглар!  
Бу тахту салтанатни йиқинг, гўрга тиқинглар!  
Обод этинглар элни, дадил олға юринглар!  
Эл майлиға иш айлаб, баҳт амсолин қуринглар!  
Ваҳшат замони, дўстлар, ғазаб ўтиға ёнди!<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Хоразм инқилобидан кейин ёзилган шеърларидан. «Югурум» тўплами, Хива, 1923, 60-бет.

\* \* \*

Қозию муфти, аълам,  
Бир-бирга бўлди ҳамдам.

Кесар мазлум бошини,  
Тўкар қонин дамо-дам.

Адлу инсоф йўқолди,  
Дорларга тўлди олам,

Хор ўлди ит, пишакдин,  
Бечора насли одам.

Тийри ситам ёғилмиш,  
Мардум бошига ҳар дам.

Фатво берибдур аълам,  
Эл моли бўлди ғорат.

Қозиға қилса арз эл,  
Қолур доғи қиёмат.

Ғавғони муфти қилғай,  
Сўнг солғуси аломат.

Гар сенда бўлса юз жон,  
Қолмас бири саломат.

Тийри ситам ёғилмиш,  
Мардум бошиға ҳар дам.

\* \* \*

Жоҳилу фосиқ шарорат аҳлиниң сардафтари,  
Феълу авторинда мундиндур басе адно эшон..

Гоҳ мактабдор, гаҳи ҳофиз, гаҳи сўғидур ул,  
Гоҳ қавмин йифибон, жаҳр айлаюр ғавғо эшон.

Гоҳ чекар сурат, гаҳи эллар кезар,  
Топса мухлис масхарабозлик қилур ифшо эшон.

Гарчи дерлар, катта мулло, асли Иблисдур ўзи,  
Сурати бўлса нуроний, сифати расво эшон.

\* \* \*

Билингким, тоза даврон жарчисидур янги мактаблар,  
Жаҳолат қасрини ҳам бузғусидур янги мактаблар.

Агарчи мадрасалар фисқу бидъатға макон эрди,  
Вале илму ҳунарлар партавидур янги мактаблар.

Ўн-ўн беш йил ўқубон ҳам ёзолмас эрди исмини,  
Ўн ойда бас саводхон этгусидур янги мактаблар.

Башар иқболу баҳти манзилига етказур, албат,  
Ўқусоқ сидқи дилдин, элткусидур янги мактаблар,

## МАСНАВИЙ

Кичикликдин тушуб бошимға кулфат,  
Замоне бўлмадим беранжу меҳнат.

Ишим бекаслик ичра бўлди мушкил,  
Муродим бўлмади ҳеч ишда ҳосил.

Қўнгулда кун-бакун ҳар турли қайғу,  
Мудом яхти жаҳон кўпга қоронғу.

Неча йил ғамға бўлдим мубталолиқ,  
Фароғу айшу рөҳатдин жудолиғ.

Гаҳи ҳижрон ғами бошимдин ошди,  
Фигонимдин фалакка ўт тутошди.

Ки йўқ мен ютмаған хуноби ҳижрон,  
Faраз, йўқ эрди мендек дил паришон.

Чекиб ҳар турли ҳасрат эртау кеч,  
Маломатдин саломат бўлмадим ҳеч.

Менга хос эрди дойим дарду ғамлар,  
Етиб даҳр аҳлидин ранжу ситамлар.

Ҳар ишдин истадим нафъ, кўрдум ашрор,  
Кими дўст билдим, андин етди озор.

На хешу ақраболардин етиб суд,  
Ахилар бал адулиғ қилди мавжуд.

Қима қилсам зиёфат, яхши хизмат,  
Чиқиб кулбамдин этдилар мазаммат.

Бўлолмай, умр ўтуб, ҳеч ишга лойиқ.  
Замон аҳлиға не бўлдим мувофиқ.

Мен айлардим ҳама мўъминга ихлос,  
Мени ўйнар эдилар ом ила хос.

Эдим бир нотавон аднои қори,  
Бу ёронларни балки хоксори.

Десам бошдин аёқ, қиссан узунроқ,  
Ки шарҳи «Шоҳнома»дин фузуроқ.

## МУХАММАСЛАР

\* \* \*

Дўстлар, бир мосиво бўлған ғарибман, найлайин,  
Ўртаниб, ёниб адо бўлған ғарибман, найлайин,  
Юз аламфа ошно бўлған ғарибман, найлайин,  
Бекасу bemuttako бўлған ғарибман, найлайин,  
Мисли мен бедаступо бўлған ғарибман, найлайин.

Телмуруб қолдим нетай модар, падардин айрилиб,  
Йўл адошиб, ғамда қолдим роҳбардин айрилиб,  
Кетдилар хешу табор бори назардин айрилиб,  
Лек мен қолдим бу ерда, яхшилардин айрилиб,  
Дарду ғамға ошно бўлған ғарибман, найлайин...

Ўтди аҳволим ҳазинлиғ бирла кун-кундин батар,  
Ғамни саҳросида қолдим, бўлмишам бир муштифар,  
Қўрса бедардлар бу ҳолимни кўруб айлар ҳазар,  
Йиғлаюрман ҳолима, ҳардам куяр жону жигар,  
Минг алам бирла адо бўлған ғарибман, найлайин.

Бу мени рози дилимни зор бўлғанлар билур,  
Дард кўрганлар билур, бемор бўлғанлар билур,  
Тийфи ғам бирла дили афгор бўлғанлар билур,  
Чун азиз боши жаҳонда хор бўлғанлар билур,  
Беқадр, бераҳнамо бўлған ғарибман, найлайин.

Мисли қақнусдек бу оташ ошёним куйдурур,  
Оҳу ноламни ўти бешак забоним куйдурур,  
Ҳам ёқиб жисмим юроким, устухоним куйдурур,

Балки жоним кул қилиб, руҳи равоним куйдурур,  
Бас куйиб ҳам кам баҳо бўлған ғарибман, найлайин.

Тинмайин бир неча йил, куйдим бу ҳасратлар била,  
Сўргали йўқтур кишим ҳеч меҳру шафқатлар била,  
Ҳақ таоло ёрлиқағай аҳли тоатлар била,  
Қўймағай токай мени бу жаври меҳнатлар била,  
Ранги рўйим каҳрабо бўлған ғарибман, найлайин.

Ғуссадин афсурдаман, бағримда қоним қолмади,  
Бўлди хокистар вужудим, устухоним қолмади,  
Бўлмишам эмди фано, ному нишоним қолмади,  
Бу жаҳонда кўргали роҳат гумоним қолмади,  
Энди дунёдин фано бўлған ғарибман, найлайин.

Ҳеч мусулмон мен каби кўнгли паришон бўлмағай,  
Етмайин мақсудиға, бағри тўла қон бўлмағай,  
Элга афсона бўлиб, ҳайрону нолон бўлмағай,  
Телбалардек кеча-кундуз дийда гирён бўлмағай,  
Ақлу ҳушидин жудо бўлған ғарибман, найлайин.

Сирри пинҳоним десам, бир ёри жоним йўқ менинг,  
Дегали ҳолинг нечук, бир меҳрибоним йўқ менинг,  
Найлайин девонадек, балли маконим йўқ менинг,  
Чун қуши беболупарман, ошёним йўқ менинг,  
Нотавон қаддим дуто бўлған ғарибман, найлайин.

Чун азалда бахту иқболим бу янглиғ бандаман,  
Ношукрлик бўлмағай ҳақ қошида шармандаман,  
Солим аъзоман, шукур, халқ ичра алъон зиндаман,  
Не юрак бирла бу дунёда қилойин ханда ман,  
Тангри лутфиға гадо бўлған ғарибман, найлайин.

Эй худоё, икки оламда ўзинг пушту паноҳ,  
Афв қил фазлинг била, қилған эсам ҳар бир гуноҳ,  
Ушбу дунёда ҳамиша бўлди аҳволим табоҳ,  
Раҳм қил мендек фақирларға, эрурсан подшоҳ,  
Айласанг ҳарна ризо бўлған ғарибман, найлайин.

\* \* \*

Эй ёронлар, тийра дилларнинг зиёси чойдур,  
Мажлис аҳли ишрати, завқу сафоси чойдур,  
Балки меҳмонхонанинг зийнат мазоси чойдур,  
Ҳар киши меҳмон чақирса ибтидоси чойдур,  
Бу замона халқинингким муддаоси чойдур.

Рост фаҳм айланг бу сўзни, эл аро манқул эмас.  
Ҳар сабо чой ичмайин, эл корига машғул эмас,  
Чойсиз берган зиёфат эл аро мақбул эмас,  
Қоса чойинг ўрта ерда турмаса, маъқул эмас,  
Ижтимолар ибтидоси, интиҳоси чойдур.

Ҳар гиёйи топса шуҳрат бу анинг беҳроқидур,  
Ҳар азиз этмиш гиёлар саййиди оғоқидур,  
Йўқса нечун одам ўғли ҳар сабо муштоқидур,  
Бедирам бечоралар бу чойнинг қашшоқидур.  
Кеча-кундуз қайғу айлаб бенавоси чойдур.

Чойни солиб берурга бўлса бир нозик бадан,  
Хўблиғ важҳидаким бошдин оёқи сиймтан,  
Тишлари инжу масаллик, лаблари лаъли Яман,  
Сарв қаддига анинг қилсан фидо жон бирла тан,  
Минг туман ҳар донаси, арzon баҳоси чойдур...

Бу замонлар хаста бўлса бенавоу бевалар,  
Еқмағай қанду наботу шира-шарбат мевалар,  
Ҳеч нима ичмас, емас чой берсангиз беҳад ичар,

Эй табиблар, бўлдингиз бекор, қилинг касбу ҳунар,  
Ўлгудек bemor-касалларнинг шифоси чойдур.

Гар улуғлардин дуо олмоқ тиласан ҷоқириб,  
Келсалар олдига, ҳар турлук таом ҳозир қилиб,  
Иzzatin айлаб бажо, қўй сўйдуриб, қанд синдурууб,  
Қўймасанг олдига бир кирвонка чойни келтириб,  
Бу зиёфат мақсади эрмас, ризоси чойдур.

Ижтимо бермак учун қилсанг тараддуд неча кун,  
Ўрта ерда аввало қилмоқ керак чойни угун,  
Коса чойнаку самовар, кўп топиб кўмур, ўтун,  
Ўзга харжингни булардин сўнгра қил ҳаддим фузун,  
Бу замоннинг иззати ҳам ижтимоси чойдур.

Нечалар дерлар бу чойни ижтимолар гулшани,  
Қилғай истеъмол ҳама ҳалқ — тожику, турк, армани,  
Чой сотиб, бир неча қашшоқлар бўлубдурлар ғани,  
Нечалар дерлар, бу чой ўлтурса ўлтурсун мани,  
Мевалар, обу таомлар хушҳавоси чойдур.

Боқмас ишга киши, турғоч сабо чой қайнатур,  
Ичса аъзоси бўшаб, беҳол ўлуб, ёнбош ётур,  
Бил бу ёнглиғ бўлғанин ўзига беҳад ҳаз билур,  
Ҳар нечук бўлса зарур иш, чой ичиб сўнгра қилур,  
Жумла олам фикри-зикри, мубталоси чойдур.

Бир нечалар кайф этарлар тарёку қўйнору банг,  
Бил они кайфияти ҳеч бўлмағай чой бирла танг,  
Ичмаса вақти хумор бўлғай киши bemoru ланг,  
Бўлди машҳур Балх, Бухор, Тошканд, Самарқанд,  
Рум, Фаранг,  
Чой деб ёниб, куйиб барча адоси чойдур.

Келса кулбангга бирор оч-тўқлиқин билмас эсанг,  
Нон чиқориб, синааб они, чой ичармусиз десанг,  
Ё қилай нори тараддуд, десангиз, анга ясанг,  
Норинин қилмай қабул, шод ўлса ул, чой дамласанг,  
Тўқлиғи бас бўлди маълум, бил гувоси чойдур.

## ҚИТЪАЛАР

\* \* \*

Йиғлатиб мазлум элини кўп замонлар қон-қон,  
Қон ёшидин ичди ҳаз этибон бода хон,  
  
Меҳнат аҳли зору саргардону топмай бурда нон,  
Кўп гуноҳсиз қиз, ўғиллар минг азобда берди жон,  
  
Сиз аларга фош этибон ҳар ситамни беомон,  
Оч бўридек энди увларсиз чекиб оҳу фифон,  
Навбат эмди сизга етди, йиғлангиз, қон йиғлангиз!

\* \* \*

Эй сипоҳи, феълибад, коринг мудом озор эрур,  
Чорасиз, бечора ҳалқ сиз наҳсдин безор эрур.

Зулм тийғин тез этиб, бедод этарсиз дам-бадам,  
Кечалар жон ваҳмидан қўрқиб ҳама бедор эрур.

Қайси бир манзилға етса ул қудуми наҳсингиз,  
Эл тўзубон ҳар тараф бечорау bemor эрур.

\* \* \*

Халойиқ бошидин дафъ айлади шундоқ мусибатни,  
Адолат нури бахш этди ҳазин дилларға ҳуррият.

Беранди ҳурриятни мустабид Асфандиёрхон ҳам,  
Қачон бўлғай анга тенгдош бизим бу асл ҳуррият.

Фақирий: эмди йиг сен ҳам бу маҳзун нағма-  
созингни,  
Янгидан соз этиб шеъринг, дегил мадҳини ҳуррият!





# ЧОКАР





# M

уҳаммад Юсуф Муҳаммад Ёқуб ўғли Чокар 1889 йил Хива шаҳрида туғилди ва ўша ернинг мактаб ва мадрасаларида таҳсил олди. Чокарнинг дадаси Муҳаммад Ёқуб Харрот Хоразмда жуда машҳур машшоқ бўлган. Айниқса классик куйларни гоят мароқли ижро қилган. У, адабиёт билан ҳам қизиқиб, бўлажак шоир, композитор ўғли Юсуфнинг тарбиясига алоҳида аҳамият берди. Натижада Чокар жуда ёшлидан санъат ва адабиёт билан қизиқади. Ўзбек ва шарқ классик шоирлари ижодини ҳавас билан ўрганади ва ёш вақтидан бошлаб ижод қила бошлайди.

Чокар ўзбек классик адабиёти намояндадарининг илғор фикр-түйғуларини давом қилдирди. У, демократ шоир Аваз Утар билан замондош ва яқин дўст бўлган. Шу сабабдан Чокарнинг революцияга қадар бўлган ижодида мақсад ва фоя томонидан Аваз ижодига яқин бўлган анча намуналарни кўрамиз.

Хоразм халқ революциясини Чокар хурсандлик билан кутиб олади. Совет давлати ва Ленин партияси фояларини тарғиб қилғувчи жўшқин шеърлар ёзади. Революциянинг дастлабки йилларида Чокар айниқса маориф соҳасида актив ишлайди. Революция натижасида Чокарнинг ижоди, айниқса, санъат соҳасида жуда ҳам ривож топади. Чокарнинг ташаббуси билан Хивада музика техникуми — интернат ташкил этилади. Чокар унинг директори бўлади ва дарс беради. Уша йиллари Чокар Хоразм халқ музикаси ва классик куйлар асосида иккита асар ёзади. Унинг «Қисқача Хоразм музика тарихи» асари 1925 йилда Москвада нашр этилди. Кейин Чокар Самарқанд ва Тошкентда ишлайди. Музика соҳасида миллий кадрларни етиштиришда унинг хизмати алоҳида эътиборга сазовор. Ҳозирги машҳур ўзбек совет композиторларининг анчагинаси Чокарнинг шогирди бўлиб,

унинг бой билими ва тажрибасидан фойдаланганлар. Чо-  
кар давримиз меҳнаткашларини социализм қурилиши  
вазифаларига сафарбар қилувчи юздан ортиқ қувноқ,  
жўшқин куйлар яратган. Уларнинг кўпи бу кунга қадар  
радио ва телевидение программаларида ижро этилади.  
Чокарнинг хизматларини тақдир этиб Ўзбекистон ҳуку-  
мати унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат  
арбоби» фахрий унвонини берди. Чокар 1952 йилда Тош-  
кентда вафот этди.

Қўйида келтирилган намуналар Шарқшунослик инс-  
ти тутидаги Чокарнинг ўзи томонидан ёзилган девони-  
дан ва «Юғурум» тўпламидан олинди.



## ФАЗАЛЛАР

Э

\* \* \*

йки, сизлар қилдингизлар мулку миллатни  
хароб,  
Айлади бечоралар бағрин ситам ўти кабоб.

Жоҳилу нодонлар ўрнидур таайюш маснади,  
Бўлди доноларни жойи ғам била зери туроб.

Чора бечора тилоса, пора сипоҳи тилар,  
Мулла бир ёндин ижорасин сўраб бергай азоб.

Мактаб очмай халқ учун, раис тонгуб таъзир урар,  
Келса дехқон бозора намозликни сўроб,

Халқ боласин қўймақ ўғлон—борму ислом динида,  
Анбиё ворислари бу ишга бермишлар жавоб.

Тарёку кўкнору банг муллолара бўлмиш ҳалол,  
Халқ чилим чекса ҳаром деб раис айлаб ихтисоб.

Муллаға: «пешинг узун» демак ҳақоратмиш билинг,  
Ҳарна иш қил, бер садақа, дегуси, топдинг савоб.

Орифи пашмина пўш илмас кўзинга ҳалқни,  
Харки бўлса тоза жуллтик ҳурмат аҳлидин ҳисоб.

Ўртадин унган пул бузуқ ўғлон, ҳарамлар масрифи,  
Бор аларда шул сабабдин ҳовли, боғ неча таноб.

Жаҳлу ғафлат кечасида ўткусибур умримиз,  
Маърифат нурингни сол бизларга ҳам, эй офтоб.

Мулку миллат, вах, нечук тапғай тараққий, Чокаро,  
Бўлсалар иш бошида зулм аҳли ошуби давоб.

\* \* \*

Зоҳидки, ўзи либоси малла,  
Ўғриға шерику ғара далла.

Доим қилур ишқ элин шикоят,  
Лек эгнида малла, бошда салла.

Қайд эткали барча олам аҳлин,  
Макри тузоқин қуарар чу жалла.

Йўқдур юзи узра қатра қони,  
Қим совуқ эмасдур ўйла чилла.

Ғавғосидин они бошлар оғрийдур,  
Йўқ даҳр аро андоғ эчку калла.

Жоним совумаски они қилсам  
Чолиб қилич ила икки палла.

Фосиқ ишин айлагуси, Чокар,  
Зоҳидки, ўзи либоси малла.

\* \* \*

Насиҳат манга берма, эй лода шайх,  
Қилиб беҳуда сўзлар, омода шайх.

Риё бирла оздурғали халқни  
Ёзарсен сув устига сажжода шайх.

Тамаъ ағниё ҳолидин қилғали,  
Неча ҳийла кўргузгунг, эй сода шайх.

Маломат қилурсан мудом ишқ элин,  
Агарчи ўзинг хумсаи мода шайх.

Эмас салла бошингда ушбу лечак,  
Муаннас каби суратинг, мода шайх.

Дуо айлагунг макр ила қўл очиб,  
Ҳар одамни кўрсанг, ҳаромзода шайх.

Бу феълингни кўрган киши, сўрғуси  
Чу Чокар кетингга босиб хода шайх.

\* \* \*

Қўбдур ушбу жаҳон ичра фузало,  
Ҳайфким, бўлмиш алардин валие авло жуҳало.

Жуҳало хайли агар топса бу янглиғ иззат,  
Ваҳ, нечук кечгусидур даҳр аро ҳоли уқало.

Уқало хизматига боғла белингни маҳкам,  
Хосил ўлғай сенга бу йўл аро касби кумало.

Кумало хайлиға лозим қилибон юрта дуо,  
Билса даҳр аро не дур вузароу вуқало.

Вукалоу вузароларға муносибдур бу,  
Айламай зулм раоёғаки бўлмоқ удало.

Удало бўлса киши, рози бўлуб ондин ҳақ,  
Келмагай чархдин ҳаргиз они бошиға бало.

Амният жойи эмасдур бу жаҳон, эй Чокар,  
Эртароқ айласанг эмди хуш эрур азми жало.

\* \* \*

Оҳқим, ҳардам насибамни фироқ этди фалак,  
Зулм ила ул нозанинимдин йироқ этди фалак.

Бир париваш ишқиға мафтуни зор айлаб мани,  
Фурқат ўтиға бу жоним иҳтироқ этди фалак.

Ишқ элига гүйё қилмоқда жавр ила ситам,  
Ёр ила, ваҳ, кечакундуз иттифоқ этди фалак.

Не ёмонлиғ айлаб эрдук ҳаққиға, оё, анинг  
Мунча бизга, дўстлар, кийну нифоқ этди фалак.

Хаста кўнглум коми мақсадини вермай бир нафас,  
Гирядин кўз ёшими андоғ булоқ этди фалак.

Кўйида ағёри бадкирдордин, ваҳ, найлайнин,  
Доимо емак насибамни таёқ этди фалак.

Ёр оллиға бориб Чокар нечук арзин десун,  
Тешай зулм илаким, пойин чўлоқ этди фалак.

\* \* \*

Дариғо, бўлмайин олам тарийқи зиндагонига,  
Бад ишлардин халал еткурдим айёми ҳавонига.

Чекиб дунёи дун изида беҳад ранж ила меҳнат,  
Вафо қилмоқ йўқ эркан, билмадим, дунёи фонийга.

Ўзимдин ғофил айш асбобини бир умр қилдим жамъ,  
Ки барҳам урди гардун сўнг бисоти комронига.

Бино қилмоқ хатодур қасру айвон, сўнг бўлур  
вайрон,  
Не лозим раҳт ташлаб бу маҳалли корвонига.

Жаҳоннинг шаҳлиғига ҳасрат этма, эй кўнгул,  
таҳқиқ  
Ки шаҳлиғ одидин йўқ ўзга бу шуғле шабонига.

Неким аввалда қисмат бўлса бўлмасдур зиёду кам,  
Ало эй нафс, қониъ бўл қазойи осмонига.

Бу гулшанда вафо йўқ, шаҳд этиб булбул киби  
Чокар,  
Қафасни синдиру элт ўзни боғи бехазонига.

\* \* \*

Менга раҳм этгил, эй ёри ягона,  
Ки ҳажринг шиддати еткурди жона.

Қачон десам сенга ҳоли харобим,  
Қулоқ солмай, қилурсен юз баҳона.

Фароғат бўлмадим бир лаҳза ғамдин,  
Илоҳи келмагай эрдим жаҳона.

Вафо йўқдур жаҳон дилбарларида,  
Анга дил берманг, эй аҳли замона.

Тузуб созингни, кел базм ичра мутриб,  
Ўқуб гоҳи ғазаллар ошиқона.

Насими субҳ, борсанг кўйи сори,  
Менга ул ёрдин еткур нишона.

Юзинг шавқи кетурди фурқат ичра,  
Ҳазин Чокарни булбулдек фигона.

\* \* \*

Дилбарлар айлаб жилвалар ҳуснига ҳайрон қилдило,  
Шавқида булбулдек ишим фарёду афғон қилдило.

Муҳлик фироқи даштида чун ўлгудек беморман,  
Доруш-шифойи васлидин не анга дармон қилдило.

Еқмоқ учун рашк ўтиға мен зору маҳзун бағрини,  
Бўса дамо-дам лаълидин гайриға эҳсон қилдило.

Гулдек юзини ёшуруб мушкин сочини остида,  
Ёғду жаҳонни сарбасар кўзимга зиндан қилдило.

Лутф ила боқмай бир нафас ошиқларининг ҳолиға,  
Ҳижрон қаронғу шомида чашмини гирён қилдило.

Зулфини печин тарқатиб, ораз уза юз ноз ила,  
Фурқатда Мажнундек басе ҳолим паришон қилдило.

Дилдордин айру эди чун масканим байтул-ҳазан,  
Чокар, бу тун базмим келиб, рашки гулистон қилдило.

\* \* \*

Ул ёрима иш жафо бўлубдур,  
Ағёр элига вафо бўлубдур.

Юз дўндуруб ишқ элидин ҳар дам,  
Файр аҳлиға ошно бўлубдур.

Зоҳидни насиҳатини тутманг-  
Ким, анинг иши риё бўлубдур.

Тарк эткум они не янглиғ ишқин,  
Кўнглим аро меҳри жо бўлубдур.

Тўймас кўзинг ичмак ила қоним,  
Билмон анга не бало бўлубдур.

Қошинг қиличи била саросар,  
Бағру юрагим яро бўлубдур.

Чокар сари боқғач олди ҳушин,  
Кўзинг не бало қаро бўлубдур.

\* \* \*

Қалтиарман совуқдин ўйла қамиш,  
Не бало бўлди совуқ ушбу қиш.

Сарвдек қоматимни қилди хам,  
Ман эмас якка, барча мандек эмиш.

Бош чиқормай ҳама ўз уйидин,  
Эл аро бўлди қатъ бориш-келиш.

Қору борини тарк этиб барча,  
Ўт бошида исинмоқ бўлди иш.

Яхши бу қишида қўй гўштидин  
Пишуруб есалар кабоб неча чиш.

Бир-биров бирла гаҳ калом этса,  
Оғзида тил бўлур тўнгуб чун тиш.

Ўт бошида муқим ўлуб доим,  
Зинҳор чиқмагил, Чокар, тиш.

\* \* \*

Қишичра оташхонада бўлғуси, ваҳ, не хуш, олов,  
Тенги насиб этса анинг ёнида гар ёғли палов.

Ул ойни ҳажри даштида олди мени ғам лашкари,  
Қуршаб бори атрофими ҳар дам ғирев айлаб чу ёв.

Вуслат кунининг ишрати ёдимға тушгач, айлагум  
Фарёду афғон, кўрса гар булбулани бўлғай соқов.

Таъриф этарсизлар менга, эй ким семуз қўй гўштини,  
Комимға андин ҳам лазиз ўлғуси, бўлса гўшти ов.

Чун оқ соқол ўлдинг, келиб ҳушингға, эмди тоат эт,  
Бу ким хазондиндур асар тушса гиёҳ узра қиров.

Раҳшингни сўрдинг қасд этиб қатлимға, эй зебо  
санам,  
То етмагунча бошими устиға, ҳеч чекма жилов.

Ишқинг ўтидин ёнмасун Чокар дилу жони нечук,  
Ким тоб келтурмай ёнар, тушса шарор, албатта, қов.

\* \* \*

Ноз отини ўйнатиб чобуксуворим бу кеча,  
Келди кулбам сори англаб изтиробим бу кеча.

Не хуш ул баҳту саодат меҳр ойини била,  
Келса мумтоз эткали ишқ ичра ёрим бу кеча,

Асрайолмон зор кўнглум ичра ишқин келмаса,  
Маҳрами рози ниҳону ошкорим бу кеча.

Муддати нўш этмайин маҳмур эрурман, соқиё,  
Сен бериб бир коса май, тарқат хуморим бу кеча.

Үлғон эркан не анга мониъки билмон келмади,  
Ваъда айлаб эрди борғум деб нигорим бу кеча.

Булбулосо оҳу афғон айлагум субҳу масо,  
Холима раҳм айлагай деб гулъузорим бу кеча.

Ўйнатиб қошу қўзин нозу тағофуллар била,  
Ақлим олди қўймайин сабру қарорим бу кеча.

Келса пинҳон ғайр элидин базмима ул нозанин,  
Сарф этар эрдим йўлиға йўқу борим бу кеча.

Оразидин айлабон Чокар ҳижобин муртафе  
Ул париму равшан эткан шоми торим бу кеча.

\* \* \*

Жисм ичра жонни мен нетай, бу кеча жоно бўлмаса,  
Илмас кўзимга ҳеч нима ул моҳи сиймо бўлмаса.

Яксар қоронғу бўлғуси кўзима бу ёруғ жаҳон,  
Базм ичра бир дам юзи хуршиди осо бўлмаса.

Хушдур басе аҳбоб ила базм айламас субҳу масо,  
Онлар дилида ёрдин ўзга таманно бўлмаса.

Мажлисга дохил айламанг ул кимсаким олам аро,  
Бир гулбадани ишқига мафтуни шайдо бўлмаса.

Чин ошиқ эрсанг ул киши зоҳид сўзига алданиб,  
Ишқ аҳли бирла базмаро гар бода паймо бўлмаса.

Фам хайли бошимдин мени, ваҳ, не сифат бўлғуси  
рафъ,  
Базм ичра май бермакка бир моҳи дилоро бўлмаса.

Йўл бермади васл ичра, эй Чокар, неча жаҳд  
айладим,  
Яхши эди гар даҳр аро ағёр пайдо бўлмаса.

\* \* \*

Ул пари ҳажридадурман зору ҳайрон, эй табиб,  
Не бўлур қилсанг мени дардимға дармон, эй табиб.

Тинмайин ул ой висолига туну кун кўзларим,  
Фурқат ичра тўккуси ёш ўрнига қон, эй табиб.

Бир замон меҳри вафо расмини бунёд айлабон,  
Холи зорим сўрса қолмас эрди армон, эй табиб.

Шўхларда йўқдурур ишқ аҳлиға раҳм айламак,  
Кимки раҳм айлар деса, албатта, ёлғон, эй табиб.

Истабон ул ой висолин кечакундуз даҳр аро,  
Айларам булбул каби фарёду афғон, эй табиб.

Ҳажр водиси аро ўлмакка етдим, оҳким,  
Лутф этиб келмас эса кулбамға жоно, эй табиб.

Ҳар замон юз минг туман жавру жафо изҳор этиб,  
Айлаган қаддин дуто Чокарни ҳижрон, эй табиб.

\* \* \*

Қилмас тараҳҳум ҳолима, ваҳ найлайин, ул гунча  
лаб,  
Кун-кундин афзун айлабон мен хастага қаҳру ғазаб.  
Лайлившимни ишқида, эй дўстлар, олам аро—  
Қолса, ажаб эрмас, агар мен телбага мажнун лақаб.  
Ушшоқ әлига, зоҳидо, қилғунг насиҳат дам-бадам,  
Ўргангин онлардин келиб сен доғи панд ила адаб.  
Жонбахш лаъли бергуси ўлган танимға тоза жон,  
Гар кўзларидин бир қиё эрса мамотимға сабаб.  
Ҳижрон қаро шоми аро айлаб фифону нолалар.  
Бу зори маҳзун қилғуси базми висолингни талаб.  
Қилсам тазарруъ ҳар неча боқмас даме аҳволима,  
Бўлмиш азалда қисматим чекмак басе ранжу тааб.  
Заҳри фироқин нўш этиб юргум дамодам, Чокаро,  
Базми васлида ичар ағёр эли жоми тараб.

\* \* \*

Нигорим бўлғоли оламда пайдо,  
Бўлубман ҳуснига мафтуну шайдо.

Жафо чекмак ишимиздур туну кун,  
Қилиб беҳуда ёр ишқин таманно.

Басе лаб ташнаман, қилсанг лабингдин—  
На бўлғай мен ҳазинға бўса эъто.

Юз очиб, қил қаро кулбамни равшан,  
Вафо расми била, эй моҳ сиймо.

Танимдин жоними олмоққа, эй гул,  
Эрур киприкларинг ўқ, қошларинг ё.

Рақиб аҳлига раҳм этма, кул ўлди.  
Ёниб рашк ўтиға жисмим саропо.

Фироқинг даштида ўлгуси Чокар,  
Карам қилмас эсанг ҳолига, жоно.

\* \* \*

Кўзларингни кофирига кофиристон бандадур,  
Лаъли жонбахшинг сўзига шаккаристон бандадур.

Оразингни ламъасиға, эй парилар сарвари,  
Даҳрга берган зиё хуршиди рахшон бандадур.

Маҳвашим лаълига ҳар дам тинглангиз, аҳбобким,  
Юз туман тортиб хижолат оби ҳайвон бандадур.

Бошида бўлғон паришон кокули мушкинига,  
Даҳр боғи ичра яксар сумбулистон бандадур.

Бўйла наққоши азал ҳалқ айлаган рухсорингга,  
Қасри жаннат ичра бўлғон ҳуру филмон бандадур.

Чокаро, субҳу масо қилғон фифону нолангга,  
Мунфайлиғдин бари қумрии нолон бандадур.

\* \* \*

Соқиё, тутгил менга мажлисда жон оро қадаҳ,  
Токи маҳмуридин этди волау шайдо қадаҳ.

Ҳар замон мен телбага юзлангуси кўп дарду ғам,  
Бўлмаса гар базм ичидан ўйлаким ҳамто қадаҳ.

Не қиласай мен зори маҳзун ёрни, эй дўстлар,  
Маҳфил ичра бўлмаса токим сипеҳр осо қадаҳ.

Ичмагумдир ўзгадин ҳаргиз мани маҳзунким,  
Дайр аро гар бўлмаса, ул дилбари тарсо, қадаҳ.

Манъ қилма бу жунун ичра мениким, зоҳидо,  
Жоними олғусидур маъшуқ охир ё қадаҳ.

Фурқат ичра қолмишам, на бўлгуси, эй муғбача.  
Раҳм этиб мен хастага, берсанг даме аъло қадаҳ.

Чокаро, тинмай бу ёнглиғ оҳу фарёд айлама,  
Қилғуси охир сени даҳр аҳлиға расво қадаҳ.

\* \* \*

Жаҳонда яшай олмас ҳеч миллат илму урфонсиз,  
Анингдекким туралмас ҳаётда жисм ила жонсиз.

Маорифдур жаҳолат дардининг дармони, фаҳм айланг,  
Фанолик ётгонидур бўлса ҳар бир дард дармонсиз.

Илмсиз кимса бойларға бўлуб қул, ўткарур умрин,  
Илм аҳли кишига бўлмағай муҳтож ҳам нонсиз.

Биза бўйла эзилмоқ қайфу ғамлар жаҳлимизданур,  
Ўқусак илм олур эрдук, биз ҳам оламда армонсиз.

Нега бизда эмас мактаб, товонгар аҳли роҳатда,  
Олар хоҳиш илмдин бизга қайфу юзланиб сонсиз.

Беринг фарзандингиз мактабга, Чокарни сўзин  
тинглаб,  
Жаҳонда яшай олмас ҳеч миллат илму урфонсиз.

\* \* \*

Билинг қадрин ташаккур бирла роҳат жона ҳуррият,  
Башарликда муносиб бўлмоқ ҳар инсона ҳуррият.

Халос айлаб бу золим мустабидлар зулми бандидин,  
Бизи ўткарди маҳбусхонадин бўстона ҳуррият.

Қачонга тегри юргунг мустабидлардин бўлуб ҳавф,  
Алардин қўрқмайин кўпгул мардона ҳуррият.

Бу ҳурриятға барча қаҳрамонлар жон фидо қилди.  
Алардин келди биз зулм остида қолғона ҳуррият.

Иёқ эмди бир-бировға зўрлиқ аввалгидек ҳаргиз,  
Кетурди мустабидлар хайлини афона ҳуррият.

Совет аскарларин еткач қудуми шаҳри Хивақға,  
Асар қолмади ғамдин, тарқади ҳарёна ҳуррият.

Биродарлар, сизни қутқорди Чокар ҳам асирикдин  
Билинг қадрин ташаккур бирла роҳат жона ҳуррият.

## МУХАММАСЛАР

### Навоий ғазалига мухаммас

Биҳамдиллаҳ, мени ошиқ қаторидин ҳисоб айлаб,  
Ёрутмоқға кўзум руҳсоридин рафъи ниқоб айлаб,  
Қўнгулда не эса комим берурга иртиқоб айлаб,  
Тун ақшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб  
айлаб.

Хироми суръатидин гул юза хайдин гулоб айлаб.

Олуб сабру қарорим нозир ўлғач кўзга ул дилбар,  
Қуёшосо юзи шавқида қилди заррадек музтар.  
Сабоҳат авжида эрди узори чун маҳи анвар,  
Қилиб мужгонни шабравлар киби жон қасдига  
ханжар,

Белиға зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.

Олиб бурқаъ узоридин, юз очиб базмима кирди,  
Мани ишқ аҳлидин сийлаб муҳаббат силкига терди,  
Муродим рўзу шаб, юз шукур, онинг вуслати эрди,  
Кулуб ўлтурдию илгим чекиб, ёнида ер берди,  
Такаллум бошлиди, ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.

Манга ҳижрон аро бўлғон эди байтул-ҳазан маскан,  
Қўзумға тийра эрди сарбасар бу олами равшан,  
Деди сўргач бу ҳолим лутф ила ул орази гулшан,  
«Ки эй зори балокаш ошиқим, менсиз нечуктурсан?»  
Мен ўлдум лолу айта олмадим майли жавоб айлаб.

Хуморим фаҳм этиб ҳижрони ичра ул пари билди,  
Аён айлаб вафо расмини бу дам, кўзига илди,

Қуёш осо хиром айлаб чу қаршу ёнима келди,  
Чиқарди шишаи май доги бир соғар тўла қўйди,  
Ичиб тутди менга юз навъ ноз осо итоб айлаб.

Деди, эй зор, қилмасман сени бирдам йироқ кўздин,  
Бериб васл ичра сансиз бўсалар лаъли лабу юздин,  
Манга ҳосил бўлуб айши тараб беҳад ҳамул юздин  
Ичиб, фарёд этиб туштум аёқига, боруб ўздин,  
Мени йўқ бодаким, лутфи анинг масти хароб айлаб.

Бўлуб васли мұяссар, Чокаро, ул ёрни ботроқ,  
Тараб жомини доги базм аро нўш айлаб ўлтурмоқ,  
Гаҳи ўздин кетиб бехуд тушуб ер узра чун туфроқ,  
Аниким элтқай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,  
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

## **Навоий ғазалига мухаммас**

Фарқ қилмаслар шариат йўлини гумроҳлар,  
Айлабон журму гунаҳ тинмай куну бегоҳлар,  
Тутмас ҳеч парво алардин зуҳду тоатхоҳлар,  
Улки солғай шуъла аъзосиға ўтлур оҳлар,  
Қайда билгай куймакин зарбафт кийтан шоҳлар.

Токи ошиқ бўлмайин ошиқни кўзга ўлмагай,  
Дилбарини кўйида мажнун мисоли ёлмагай.  
Гаҳ-гаҳи лайливашим чашмини ашқин селмагай,  
Бағридин қон томғучи ушшоқ заҳмин билмагай,  
Тифидин қон томғучи бераҳм олий жоҳлар.

Бидъат ишлардин тун-кун айладим парҳезким,  
Восил ўлғайман дебон васлиға ёрим тезким,  
Чун ул ой ҳажрида чекдим ғам ҳалокангизким,  
Шиддатин Фарҳод қилғай фаҳм, йўқ Парвезким  
Дардни хокийлар англар, йўқ фалак даргоҳлар.

Оз қолибдур зиндалик паймонаси ваҳм тўлғали,  
Етди чун умрим гули ғам сарсаридин сўлғали  
Зор жисмимдин ётиб ҳажр ичра жон айрилғали,  
Жону кўнглум кирдилар ғам даштиға гум бўлғали,  
Ман ҳам эттим азм, чун азм эттилар ҳамроҳлар.

Фоқаларға ағниёлар қилмай иҳсон ўлтуур,  
Қайда иҳсон, балки жавр айлаб фаровон ўлтуур,  
Нечани қашшоқлик бирла ғами нон ўлтуур,

Бўлсалар огаҳки, бир ғамгинни ҳижрон ўлтуур,  
Фикр этар ҳолиға ҳижрон дардидин огоҳлар.

Ёр ҳижронида тинмай нолай оҳим недур,  
Файр элидин васлиға етмоқда кўтоҳим недур,  
Андин айру дарду меҳнат унсу ҳамроҳим недур,  
Ваҳ, не билғай ҳажр занжирида дилҳоҳим недур,  
Халқа ургон базм айши даврида дилҳоҳлар.

Ҳусн элига фурқат ичра мубталолар фикри йўқ,  
Ҳам расо аҳлиға, Чокар, норасолар фикри йўқ,  
Порсоу зуҳд элиға ашқиёлар фикри йўқ,  
Эй Навоий, шоҳларға чун гадони фикри йўқ,  
Айлагил сен тенгри даргоҳига шайъанлиллоҳлар.







# МУТРИБА







# C

аломат Парда қизи Мутриба 1894 йилнинг 20 августида Каттақўргоннинг Қаландархона маҳалласида мактабдор мулла оиласида туғилди. 12 ёшида қизлар мактабини битиргач, мустақил мутолаага берилди. Адабиётга меҳр-иштиёқи зўр бўлган ёш Саломат Навоий, Ҳофиз, Бедил каби улуф шоирлар ижодини ўрганди. 14—15 ёшидан бошлаб, устози Ҳакима ёрдамида шеър ёзишга киришди. 16 ёшида уни мусоифир бир муллага узатадилар. Биринчи жаҳон уруши бошланиши биланоқ юрга вабо тарқалди. У Мулла Парда оиласига ҳам оғир кулфат ва мусибатлар келтирди. Болалигидаёқ онадан етим қолган Саломат 1915 йилнинг икки-уч ойи давомида вабо ва очлик туфайли бувиси, отаси, синглиси, ниҳоят, эридан ажралиб, уч гўдаги билан ёлғиз қолди. У эрта саҳардан кеч оқшомгacha бировларнинг хизматини қилиб қаноат ва машаққат билан кун кечирди.

Жаҳон уруши туфайли келган оғат ва касалликлар, қимматчилик ва мусибатлар халқнинг кўзини очди, уни золимларга қарши курашга отлантириди. Уруш машакқатларини бошидан кечирган шоира ҳам ундан кимлар манфаатдор эканлигини зийраклик билан сеза олди:

Аввалда отни олди, кейин мардикор солди,  
Ким қилмади қабули, не-не балога қолди...  
Тушти эл ичра ғавро, жамъ бўлди шаҳру саҳро,  
Еғдурди ўқ ҳаводин, бир неча ўлди андо.  
Қамалди қанча одам, минг-минг десам эрур кам,  
Қетди шу кетганича, бедому бедарак ҳам.  
Ҳар кимда бўлса пул кўп, қолди алар қутулуб,  
Бечора камбағаллар кетти бари сотилуб.

(«Эй дўстлар, на бўлди»).

Умуман оғир шароит Мутрибани ҳаётга танқидий муносабатда бўлишга ўргатди.

Халқни биринчи жаҳон урушининг мاشаққатларидан, феодал-колониал тузумниңг азоб-уқубатларидан озод этган Улуғ Октябрь барча меҳнаткашлар қатори Саломат опа оиласига ҳам баҳт ва шодлик келтирди. Энди унинг ижодида янги оҳанглар жаранглай бошлайди.

Инсоний муҳаббатни улуғловчи асарлари билан адабиёт майдонига кириб келган шоира ижодида кейинчалик ғоят катта социал-сиёсий масалалар асосий ўринни эгаллайди. Давримиз билан ҳамнафас бўлиб ижод қилиб келган кекса санъаткор Мутрибанинг шеърлари жўшқинлиги, замонавийлиги, халқ оғзаки адабиётига яқин содда ва маънодор услуби билан диққатга сазовордир.

Мутриба 1964 йил 7 февралда вафот этган.



## УСТОЗИМ ҲАҚИМА ТАЪРИФИДА

K

иши билгайму йўл бир раҳнамосиз,  
Очилмас ғунча булбулсиз, навосиз.

Тутуб илкимни бир пири камолий,  
Киритди боғи ашъор ичра олий.

Ёғар қалбимга кўп мазмуни ашъор,  
Терар завқим дури ашъори шаҳвор.

Менга назм гуллари шўх-шўх боқарди,  
Шеър мазмунига маъно тақарди.

Безаб мазмун вазну қофиялар,  
Тўлуб илҳом ила кўнглум қучалар.

У пири шоира—устоз Ҳакима,  
Анга шогирди содиқман камина.

Анидек кўрмадим бир нуктадони,  
Эди гўёки донишманд юноний.

Ёши саксонга етган олим эрди,  
Менга кўп илму фанлар ёд берди.

Ёзиб бир шеър менга ул яхши атвор,  
Васият айлади такрор бисёр:

— Аё жоним қизим, бўлгил саломат,  
Жаҳонда кўрмагил бир зарра офат.

Умидим бул эрур, эй роҳати жон,  
Давомат ёд этгайсиз бу хизмат.

Ишончим йўқ дигар, эй нуктадоним,  
Анисим, мунисим ҳам роздоним.

Унутманг ҳеч бир вақт, эй намоён,  
Будур матлаб, аё фарзанди жоним.

Эрурман сизга доим дўсти жоний,  
Туролмасман сизи кўрмасдан оне.

Болам, ҳолим энди сизга аёндур,  
Ҳамиша сиз эдингиз меҳрибоне,

Болам деб жон фидо қилдим туну кун,  
Бериб таълим рамузу илм ҳамчун.

Суханвар олимим, эй қадди райҳон,  
Илм бобида тенг сизга Фалотун.

Болам, кўнглил эрур хуршиди ховар.  
Жаҳон моли тасаддуқ садқаи сар.

Яшанг оламда кўп, эй моҳи тобон  
Рамузманди ақлли тоза гавҳар.

Мени дилхастани кўнглум қилиб шод,  
Қилурсиз ҳар замон хонамни обод.

Ажойиб хулқи хуш дўсту анисим,  
Ҳакима рози сиздин, эй паризод,—

Дебон ул пиразоли яхши кирдор,  
Васиятлар қилибон менга бисёр.

Юмуб кўз кетди оламдин хиромон,  
Ёши саксонга етган нек атвор.

## МУХАММАСЛАР

\* \* \*

Бир кун бориб эрдим басабаб кулбаи дилбар,  
Ногоҳ фалак шеваси тушди менга яксар .  
Тонг пайти эди, ҳар ён очилган гули анбар,  
Шўх-шўҳ боқишиб, ер юзини этди муаттар,  
Гул олдида сайр айлади ул шўхи суманбар.

Гулзор сари боргач ўшал дурри ягона,  
Мендин эшиитингиз яна бир тарзи фасона,  
Узди неча гул шохидин ул шўхи замона,  
Гул-гул ёнибон уй сарига бўлди равона,  
Гулзор юзи акси била бўлди мунаввар.

Ногоҳ кўзум тушди парирўға ўшал дам,  
Бошимга бало — ишқ ғами солди туман ғам,  
Оҳ урдуму кўнглумга тўлуб қайфу дамо-дам,  
Ҳасрат била жисмимни тутуб ҳар дами мотам,  
Гул ғунчасидек бўлди бу кўнглум басе абтар.

Ким ишқ балосига агар бўлса гирифтор,  
Хоҳ ўлса ва ё қуйса, на парвойи сари бор,  
Бир золими бераҳм, анга ким бўлса агар ёр,  
Бир кўрмак ила бой бериб кўнглини, бўлур зор,  
Бўлди бир ажаб хислат анга вожиби акбар.

Кўрмаклиги мумкин эмас ул чеҳра парини,  
Юз мартаба ҳам сўз деб киши олмас маони,  
Тушса ҳавас бул сўз била кўрмоққаки они,  
Мутрибани бул ғамга дучор айлади яъни,  
Жонимға жафо берди, сўзум айлангиз бовар.

1914 йил.

\* \* \*

Кўруб жонон жамолини бўлубман ошиқи зори,  
Кўнгулни титратур ул нозанинни зулфи зуннори,  
Кўзумга заррача илмам жаҳонни молу динори,  
Менидек бўлмасун ҳеч ким биронни маҳви дийдори,  
Хаёлимдан нари кетмас ўшал барнони кирдори.

Жамолин кўрса ҳар ким бўлгуси, албатта, девона,  
Тушуб кўқдин, бўлур чўлпон унинг ҳуснига парвона,  
Туролмай рўбарўсида, қамар бўлгуси ҳайронা,  
Агар чиқса, хиром айлаб, боқиб мастона-мастона,  
Муқаррар солғуси хуршидни кўп ташвиша руҳсори.

Жаҳонда кўрмади ҳеч кимса ул ҳурилиқо янглиғ,  
Ва лекин кўрса ҳам бўлган эмасдур муддао янглиғ,  
Дегайлар ҳур пайкарлар:— Бу дури бебаҳо янглиғ,  
Юзи гул, сочи сунбул, қомати зеварнамо янглиғ,  
Латофатда баробар келмас анга даҳр гулзори.

Сиёсат тийғи бирла қатл этарга айласа фармон,  
Шаҳид айларга ҳозирдур ики жоду кўзи ҳар он,  
Ики шамширдур ушшоқ элини қилғали қурбон —  
Қоши бир-бирига пайваста, қаламдек қайрилиб  
тушгон,  
Ваё райҳони жаннат раста-растада айни осори.

Қани Лайли билан Ширин, кўрубон лофи чашм этса,  
Паридек саф чекиб оллида, ногаҳ лофи чашм этса,  
Хижолатдин боқолмас ҳеч бириси, лофи чашм этса,

Хўтан оҳулари шарманда бўлғай, лофи чашм этса,  
Қародур ҳажр шомидин муқаррар чашми хуммори.

Сочар нур зарра-зарра ҳар тарафга ул маҳи тобон,  
Кими бошига тушса зарраси, бўлғай у саргардон,  
На мушкулдур, эшитмас, ишқ әли гар йигласа  
чандон,

Тузуб атрофида саф-саф, мисоли лашкари хоқон,  
Қилурға қатли мужгони, чекиб тиғ чашми хунхори.

Насиб этгаймукин менга ўшал дилдор зулфини,  
Қўнгул сайдини ром этган ўшал айёр зулфини,  
Ўқур зоҳид әли кофир ики зуннор зулфини,  
Сабо тарқатса ногаҳ субҳи дамда ёр зулфини,  
Муаттар айлагай рўйи заминни мушки тотори.

Ниқоб очиб чиқар бўлса чаман сори саёҳатда,  
Туролмас ҳеч киши тоқат этиб, албатта, роҳатда,  
Қизил гул бош эгиб ҳайрон ўлур айни малоҳатда,  
Хижолат айлагай тўтию қумрини фасоҳатда,  
Такаллумда ўтар қанду асалдин шаҳди гуфтори.

Гўзаллар подшоси муниси мендек гадо бўлмас,  
Қўрунглар, лаълу зумрад қайди бўлса, бебаҳо  
бўлмас,  
Кими гавҳаршунос ўлса, бу гавҳардин жудо бўлмас,  
Фалотун таъбурким, васфини айтсам адо бўлмас,  
Расодур зеҳни-ю, одобда хуш ҳар феълу атвори.

Бўлуб ҳижрон чўлида тинмайин овора Мажнундек,  
Куюб рашк оташига кўзларим гирёна Мажнундек,  
Магар фурқат аро тўлгаймукин паймона Мажнундек,  
Тирикман токи онинг ишқида девона Мажнундек,  
Эрурман ҳолатим етгунча Лайлони харидори.

Қўнгулни ҳозир этсун, шеърими дилдор ўқуғанда,  
Менинг ҳолимни ёзғанму, дебон ҳар ён ўқуғанда,  
Фидо қил ёр учун жон, ул кўзи хуммор, ўқуғанда,  
Мени ҳам ёд этиб, шод айла, бир такрор ўқуғанда,  
Агар лаззатли бўлса, Мутрибанинг ёзган ашъори.

1914 йил.

## (МАРСИЯ)

Шод бўлмай бил жаҳондин минг алам кўрган бошим,  
Зор йиғлаб, ҳасрату армон билан тўлган бошим,  
Ҳар замон юз минг балога мубтало бўлган бошим,  
Марсия айтиб, ёзиб, ғам бирла кўмулган бошим.  
Ўлмагимга ҳар куни юз минг ризо берган бошим.

Фунчадек боғи жаҳонда лаҳза дам очилмайин,  
Қумридек йиғлаб мудом, бир дам фароғат қилмайин,  
Мен нечук бундай балога эмди рози бўлмайин,  
Куйдиму ёндин, кабоб ўлдум, vale шод ўлмайин,  
Тақдиримга тан бериб, ғам бирла кўз юмган бошим.

Бул жаҳони бевафодин кўрмадим ҳечроҳате,  
Йиғлабон келдим анодин қайси кун, қай соате,  
Ғуссаи кулфат била мотамда ўтдим муддате,  
Очмадим ёруқ жаҳондин кўз, кўролмай фурсате,  
Келди-кетди бир ғариб жоним фано бўлган бошим.

Қавму қардошим ва бир ғамхор ёrim йўқ мени,  
Арзу аҳволим сўрар пушту паноҳим йўқ мени,  
Мунисим, сирдош рози меҳрибоним йўқ мени,  
Мисли бир девонадурман ҳеч хаёлим йўқ мени,  
Уч гўдакнинг ҳолидин ҳайрону саргардон бошим.

Турмуш этдим ул азиз дилдору ғамхорим билан,  
Неча вақт даврон сурубон юрмадим ёrim билан,  
Зору нолон ёш қолдим неча сафири билан.

Энг азиз арзандалардин айрилибман ғам билан,  
Минг туман ҳасратда соғлиқдин жудо бўлган бошим.

Во, мани ҳасратларим асло жаҳонға сифмагай,  
Оҳ урсам дуд димоғимдин самоға сифмагай,  
Нолишимдин нола айлаб, най навоға сифмагай,  
Лоладек бағрим қаро қондур, ёзувга сифмагай,  
Зор йиглаб ўлмайин, марсиялар ёзган бошим.

Бердилар таълим менга мен билмаган ҳар кордин,  
Илму одобу ҳунар, фаҳм этмаган асрордин,  
Ҳар улуғ олим ва комил шоири ахрордин,  
Хушсуханлик, хушқаламлик ҳамда хушатвордин,  
Ҳеч бири баҳтимга ёри бермади, нолон бошим.

Ул отам бирла онам фарзандга беҳад зор бўлуб,  
Мен туғулганда азиз жонларидин беҳроқ кўруб,  
Неча орзулар била тарбият айлаб, еткурууб,  
Доимо бўлсун саломат, деб Саломат от қўюб,  
Ҳар ҳунардин боҳабар, баҳтдин йироқ қолган бошим.

Қани ул ота-онам, аҳволим кўрса бул замон,  
Ғамдин озод айласа, қандоқ ўтар ҳолинг, дебон,  
Зор йиглаб, арзи ҳолим айласам бир-бир баён,  
Шунча арзанда азизлардин қолибман бағри қон,  
Ғурбат ичра нотавон, дилхаста қон ютган бошим.

Вой, юз минг войким, ўтсам бу оламдин бадард,  
Ушбу фоний дунёдин ғам-ғусса тортиб беадад,  
Келмагай асло анодин Мутрибадек зору фард,  
Мунча ҳасратлар, ғаму кулфатлар ўткардим беҳад,  
Шоира ночор айтур, бир ғариб нолон бошим.

1915 йил.

\* \* \*

Ранжимак беҳудадур дунё ғамидин, эй кўнгул,  
Ҳар нечук дардлар билан сен бўлмагил хотир малул.

Рутбай олийда эрдингмуки олмишдур магар,  
Гийна қилмоқ баҳт ишига оқила лозим дагул.

Қайси гулшанни кўрурсан: очилур—бўлғай хазон,  
Турмағай очилди ғунча, доимо ҳеч қайси гул.

Ўйлама вайронаю ҳар манзили ободни,  
Сел ўтуб, обод манзиллар бўлур бирпасда чўл.

Қайда шунча одамийлар йўқ алардин бир асар,  
Ким бу фоний дунёдин кетди тутубон ҳамма йўл.

Умр бир гавҳар эрур, ҳар дам ғанимат бил ани,  
Мутриба, ғамлар абасдур, асли сўз маъноси бул.

1916 йил.

\* \* \*

Эй дўстлар, на бўлди аҳволи Каттақўрғон,  
Тирқираб жумла халқи, ҳар қайда бўлди сарсон.

Зулм айлабон Николай, тарқатди элға фармон,  
Шаҳар ва қишлоқ қолмай, йиғдурди отни чандон.

Аввалда отни олди, кейин мардикор солди,  
Ким қилмади қабули, не-не балога қолди...

Тўпланди эл бариси, қолмай ёшу қариси,  
Бермоқчи бўлди қайси, қилмай қабул нечаси.

Тушди эл ичра ғавғо, жамъ бўлди шаҳру саҳро,  
Ёғдурди ўқ ҳаводин, бир неча ўлди андо.

Қамалда қанча одам, минг-минг десам эрур кам,  
Кетди, шу кетганича, бедому бедарак ҳам.

Ҳар кимда бўлса пул кўп, қолди алар қутулуб,  
Бечора камбағаллар кетди бари сотилуб.

Бирни отасин олди, бирни боласин олди,  
Гўдаклари хору зор, йиғлаб онаси қолди.

Менман деган амалдор, қўргондадур ҳукмдор,  
Кетганларни асрарин, ўзинг, эй парвардигор.

Мутриба бўлди ношод, эл дардини этиб ёд,  
Қачон келур баҳтли кун, қачон бўлармиз озод?!

1916 йил.

## **БИБИ ХАЛИФАЛАРГА**

Аё эй, каттақўрғонлик «азизлар»,  
Ҳама «аҳли илм», эй «ёру дўстлар»,

Ёзай мен «офарин, таҳсин» этибон,  
Сизларни кирдикорингиз битибон.

Ажаб расму ажаб оиндасизлар,  
Ажаб феълу ажаб қонундасизлар.

Азо ё тўй, мавруд бўлса қайдга,  
Китобларни олиб борурсиз анда.

На бир сўз маънисин, лафзини билмай,  
Ўқурсизлар хато, мағзини билмай.

Азо бўлса гўяндалик қилурсиз,  
Мусибатни яна чандон этурсиз.

Борурсиз, айтди, деб маврудга бирдан,  
Ки хоҳи саккизу ўн жамъ бирлан.

Бўлур мавруд эгаси турфа ҳайрон,  
Нечук туҳфа топай, деб фикр этибон.

Бирига берса гар, бириси қолиб,  
Бечора соҳиби хайр кўп ўёлиб.

Агар кўйлак дока бўлса-да, боҳам  
Кувониб, нафъимиз, деб шоду хуррам,

Дебон, оллоҳу акбар, кўтарурсиз,  
Неча зилла билан хушнуд борурсиз,

Уёлмай ҳаммадин анда ўтуруб,  
Санаб тақсим этарсиз, пулни қўюб.

Яна сизлар эмиш биби халифа,  
Авомга раҳбар ўлмоқмиш вазифа!..

Аё Мутриба, чўзма, бас қил энди,  
Кетар лаззат, узолса сўз, бил энди.

1917 йил.

## **МАРДИ МАЙДОН БҮЛ, БОЛАМ?**

(*Ўғлум Абдулла Умаровга*)

Эй, ҳаёт бўстонига битган бало—офат фашист!  
Соф кўнгулларга ғам, дарду алам, кулфат фашист!

Барча инсонларни йўқ қилмоқчимушсан, нобакор,  
Қайт бу феълингдан, ажал етмасдан, эй бадбаҳт  
фашист!

Оч бўрилар қилмагай оламда ҳеч бир бўйла иш,  
Қилмагаймиз энди сенга раҳму ҳеч шафқат, фашист!

Қалблар нафратга тўлди, барча қўзғалди бугун,  
Ер юзида қолмагай энди вабо муртад фашист!

Мақсудим, Мутриба, ёвлар қолмасун оламда ҳеч,  
Токи қайта солмасун дунё аро ваҳшат фашист!

Ўғлум Абдулла, ҳамиша марди майдон бўл, болам,  
Мардсан, мардона юр, ур то қўттармай қад фашист!

## ДАВРИМИЗ БАХТЛИ ЭРУР

(Каттақўрғон шарафига)

Каттақўрғон, дилда армонлар билан ётган эдинг,  
Қайгу ботқоғида то тиззангача ботган эдинг,  
Сувсаган, сув ичмаган гуллар каби сўлган эдинг,  
Барча илму ҳам саноатдин кейин қолган эдинг,  
Қул каби сармоядорлар сени пулга сотдилар.  
Мустабидлар хор этиб, кулфат, азобга отдилар.

Бошингга юз минг бало ёмғур каби ёғар эди,  
Қўзларингни ёшидин қонли ариқ оқар эди,  
Ул чаёнлар ҳар томондин заҳр уруб чоқар эди,  
Ушбу аҳволинг кўруб, ҳеч ким сенга боқармуди?  
Хотирингдин чиқмасун, бир ким сенга боққан эмас,  
Доду фарёдингга золимлар қулоқ осган эмас.

Каттақўрғон, кўрмадингму бегу хонлар найдади,  
Камбағал бечораларни кўзга асло илмади,  
Эртадин то кечгача ишлатди, раҳми келмади,  
Кўп ситамларни қилиб, инсоф қилишни билмади,  
Кел, бугун ҳушёр бўл, вақтни қўлингдин бермагил,  
Нозу неъмат, шону шавкатни ўзингдин уzmагил.

Бор эди мингларча гектар ер экишни кўрмаган,  
Қанча конлар бор эди, ҳеч ким уларни билмаган;  
Айшу ишратдин бўлакни муттаҳамлар қилмаган,  
Қанча меҳнат қилса эл ҳеч бир сафосин сурмаган,  
Кўз очиб, халқлар, бу ерларни гулистон айлади,  
Яъни оқ олтун экибон, боғу бўстон айлади.

**Бу совет даври қоронғу кечәни ойдин қилиб,  
Илму урфон нури бирла еримизни яшнатиб,  
Халқимизнинг довруғи мазлум элларга етиб,  
Орзу айлаб, бахтли турмуш бўлса, деб, бизга насиб,  
Офарин, партиямиз, сен халқимизнинг раҳбари,  
Олқиши айлар, бўл омон, деб ҳаққинга ёшу қари.**

**Мутриба, ханжар қаламлар бирла шеър ёзгил мудом,  
Қимки виждонсиз эрур, қилма аларни эҳтиром,  
Тузни қадрин билмаган хоинлара йўқдур таом,  
Халқимиз — олижаноб, меҳнаткашу, олий мақом,  
Партия, ҳар бир ишинг ҳақ, дилга марғуб, жонажон,  
Чехрамиз шундан мусаффо бор бўл, эй зўр посbon.**

*1959 йил.*

## **Х О Т И М А**

Ёзиб бир неча хуш ашъори рангин,  
Берибман анга турфа зеб оин.

Ёзибман билганимча неча ашъор,  
Билишсин токи ёшлар дилда не бор.

Үтубдур орзу айлаб яхши онлар,  
Халойиқ ҳам забардаст нуктадонлар.

Улуғ Ленин-ла етдук бу замона,  
Кетиб шуҳратимиз барча жаҳона.

Яшамоқ, давр сурмоқ эрди орзу,  
Етушдук орзуга, йўқ бўлди қайғу.

Яшасун энди Шўромиз замонлар,  
Яшасун бехатар, тинч барча жонлар.

Ҳамиша давр суруб адл ила одам,  
Яшар Ленин замони шоду хуррам.

Борур партиямиз Ленин йўлидин,  
У доюдор, келар ҳар иш қўлидин.

Ҳамадин тинчликдур унга мақсуд,  
Жаҳон обод бўлсун, жумла беҳбуд.

Яшанглар, дўстларим, баҳтли замонда,  
Мени ҳам ёд этинглар ҳар замонда.

Етушдук биз ажойиб бир замона,  
Қолур Мутрибадин ашъор нишона.

1961 йил.







# АБУ АЛИ ибн СИНО







бу Али ибн Сино—(980—1037) буюк табобат олимни, файласуф, тилшунос бўлиш билан бирга, забардаст адиб ҳам эди.

Ибн Синонинг адабий ижоди унинг кечмишини ва орзуумидларини тасвир этади.

Ибн Сино ўз шоирлик санъатидан халқ ўртасида маърифат ёйиш, ҳаёт учун зарур бўлган ғояларни кенг тарқатиш учун фойдаланади. Унинг баъзи бадиий асарлари ўзининг таржимаи ҳоли ва дунёқараши ҳақидаги маълумотларимизни кенгайтиради, тўлдиради.

Ибн Синонинг «Саломон ва Ибсол», «Тайр», «Ҳайй ибн Яқзон», «Юсуф» каби насрый асарлари X—XI асрлардаги Ўрта Осиё прозасининг ажойиб ёдгорликларидир.

Асарнинг аввали дўстлик, ҳақиқатга эришиш ҳақида насиҳатлардан иборат. Буларда мутафаккир инсонларни бир-бири билан аҳил, дўст бўлиб яшашга, дўстликнинг қадрига етишга, унинг тўла маъносини яхшилаб тушуниб, уқиб олишга чақиради. Шунингдек, кишиларни камтар, яхши хулқли, тили билан дили бир бўлишга, икки юзламачи бўлмасликка даъват этади.

Бу ерда Ибн Синонинг арабча ёзилган адабий мероси таржимасидан намуна тарзида «Тайр» ҳамда «Саломон ва Ибсол» қиссалари берилди.



## ТАЙР ҚИССАСИ

D

илимдаги қайғуларимнинг бир озини әшитадиган биродар топилармикин?! У меҳрибонлик қилиб, ҳасратимни тингласа, оғиримни енгиллаштирган, дардимга малҳам топган бўларди...

Агар дўстлик савдо-сотиқقا ўхшаб, эҳтиёжга қараб ахтарилса, зарурат туғилмаган чоғда дўстни назарга илмай, ташлаб кетилса, бу қандай дўстлик бўлди энди!

Дўстинг бошингга мушкул тушгандагина ҳолингдан хабар олгани келиб, бошқа вақтда бегонадай юрса, зарурат туғилгандагина эслаб, бошқа маҳалда сира эсламаса, ўйлаб кўр, шу ҳам дўстлик бўладими ахир!

Ахир, худонинг ўзи яқинлаштирган меҳр-шафқатли дўстлар ҳам бор-ку! Улар ҳақиқатга мулоҳаза билан қарайдилар; дилларида шак-шубҳа ғубори бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси бир-бирига ҳолисанлиллоҳ дўст, аҳил, уларни шундай олижаноб дўстлик бирлаштирган.

Эй, биродарлар! Ҳақиқатни очинглар, тўғри йўлдан юринглар. Бир-бирингиздан билим ўрганиб, камол топишингиз учун дил пардасини очиб ташланглар.

Эй, биродарлар! Қирпилар бошини ичига тортгани каби, сиз ҳам бошингизни ичингизга тортинг. Ботинингизни юзага чиқаринг, зоҳирингизни эса, ичингизга олинг. Худо ҳаққи, ботинингиз равshan кўриниб турибди-ю, лекин зоҳирингиз яширин.

Эй, биродарлар! Илонга ўхшаб пўст ташлаб, қуртлар сингари судралиб юринглар. Қуроли думида бўлган чаёндек, ҳушёр бўлиб туринглар, чунки, шайтон одамни орқадан келиб алдай олмаса, ҳеч бир алдай олмайди.

Ажал заҳрини ютинглар, яшаяжаксиз, ўлимни севинглар, тирик бўлажаксиз. Қўнадиган уя тутмай учиб юринглар, чунки қушларнинг овланадиган жойлари уялардир. Агар қанот йўқлиги учишингизга монелик қилса, қанот ўғирланглар, мақсадга етасиз. Энг катта фазилат учишга моҳир бўлишdir.

Қизитилган тошларни ютадиган түяқуш бўлинглар, катта-катта суякларни ютиб юборадиган илондек, олов ичидагидил юрадиган самандардек, кундузи ёруғликка чиқмайдиган кўршапалакдек бўлинглар. Паррандаларнинг энг яхшиси кўршапалаклардир.

Эй, биродарлар! Одамларнинг ботири мушкулотдан қўрқмайди. Қамолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг қўрқоғидир.

Биродарлар! Фаришта ёмонлик билан машғул бўлса ёки ҳайвонлар хунук иш қилса, бунга ажабланиш керак эмас. Балки инсон вужуди ақл билан мунаввар бўла туриб, шаҳватга берилса-ю, инсонлигини йўқотиб, виж-дондан кечса, бунга ажабланиш керак бўлади. Қасамёд қилиб айтаманки, одамнинг фариштаси шаҳватни даф қилишда шак-шубҳасиз событ қадамдир. Унинг оёқлари жимога юрмайди. Агар кишидаги инсонийлик, ёмонлик оҳанрабоси бўлмиш шаҳватни қайтаришга ожизлик қилса, ундаи одам ҳайвондан ҳам паст туради.

\* \* \*

Энди сўз бошига қайтаман. (Буни) мен (Ибн Сино) айтипман:

Бир гуруҳ овчилар тузоқлар қўйиб, тўрлар ёйдилар. Кейин дон сепиб, ўзлари кўкатлар орасига яшириндилар. Бу вақтда мен паррандалар галаси орасида эдим. Шунда овчилар бизни кўриб, қушларга ўхшаб сайраб чақирдилар. Бундай қарасак, у ерда жуда кўп дон ва ўзимизга ўхшаш қушлар бор экан. Буни кўрганда кўнглимизда ҳеч қандай шубҳа туғилмади.

Апил-тапил шу қушлар томонга боришга шошилдик ва боришимиз билан ҳаммамиз тузоққа илиндик. Шу пайтда бўйнимизни ҳалқа бўйди, қанотларимизни тўрлар ўради, оёқларимизга эса, тузоқ тушди. Қутулишга қанча уринмайлик, ҳаракатимиз зое кетди, қайтага тўрга баттарроқ ўралиб, ҳалок бўлишимизга кўзимиз етди.

Ҳаммамиз ўзимиз билан ўзимиз овора бўлиб, биро-

дарларимизга мадад беришгина эмас, уларга қайрилиб қарашни ҳам унтибмиз. Кейин ҳаммамиз қутулиш чорасини топиш ҳақида бош қотирдик. Шу қадар ўйга чўмиб кетибмизки, ҳатто тузоққа илинганимиз ҳам ёдимиздан кўтарилибди. Шу алфозда бир оз кўнишиб, тўрқафас ичидага қолиб кетдик.

Бир маҳал қарасам, бир гала қушлар кўринди. Улар бошу қанотларини тўрдан халос қилиб, учиб келишар, аммо оёқларида эса ҳамон тузоқ осилиб турар эди. Бу тузоқ учиб қочишга халал бермас, шунга қарамай, учиб қутулиш осон ҳам эмасди, осуда ҳаёт кечириш ҳам мушкул эди. Ана шу ҳол унуган нарсамни ёдимга туширди. Шу билан бирга, кўнишиб қолган нарсанинг ёмонлигини ҳам кўз олдимда намоён қилди. Тузоқдан бўшайман, деб уринавериб, тавбамга таяндим, ҳатто ҳасрат-надоматдан куйиб ўлаёздим.

Кейин, зора, ўша қушлар менга яқинроқ келиб, бу фалокатдан халос бўлиш йўлини кўрсатсалар, деган умидда тўрқафас ичидаги туриб, уларни чақирдим.

Улар овчиларнинг ҳийлаларини билишиб, яқин келишга ботинмай қочдилар. Кейин мен уларга қадимги дўстлигимиз ва ҳаммамиз бир гуруҳданлигимизни айтиб ёлвордим; бир маҳалги аҳду паймонимизни эслатдим. Шундан кейингина, улар менинг олдимга келишиди.

Улардан ҳол-аҳвол сўрадим. Улар ҳам мен дучор бўлган фалокатга гирифтор бўлганликларини, кейин қутулишдан умид узиб, шу азоб-уқубатга кўнишиб қолганикларини гапириб беришди. Кейин улар менга ёрдам кўрсатдилар; бўйнимдан тузоқ, қанотларимдан тўр олиниб, қафас эшиги ланг очилди.

Шунда улар менга:

— Қани, қочиб қол,— дейишиди.

Мен бошу қанотимни қутқариб, сўнг улардан оёқларимдан тузоқни олиб ташлашларини илтимос қилдим. Улар: «Агар биз шундай ишга қодир бўлганимизда, аввал, ўз оёғимиздаги тузоқни олиб ташлаган бўлардик, касал табиб касални даволай олармиди!»— дейишиди.

Мен оёғимдаги тузоқ билан учмоқчи бўлдим. Улар менга шундай дейишиди:

— Олдингда жуда кўп буқъалар бор. Агар биз улардан тез-тез учиб ўтмасак, балоий азимдан қутулолмаймиз. Бизнинг кетимииздан уч, сени қутқарамиз ва сенга тўғри йўлни кўрсатиб юборамиз.

Серўт, серҳосил водий, йўғ-э, аксинча, қурғоқ, хароб водийдаги юксак тоғ оралиғидан учдик. Водий орқамизда қолиб, ҳалиги тоғ чўққисига етдик. Бирдан олдинга қарасак, яна саккиста баланд тоғ намоён бўлди, уларнинг чўққилари кўз илғамас эди..

Шунда орамиздагилардан бири: «Бу тоғлардан жадал ўтиб олмасак балога гирифтор бўламиз»,— деди.

Шундан кейин биз тез учиб, олти чўққидан ўтиб, етингчисига етдик. Бу тоғ чегарасидан ўткач, баъзи қушлар: «Эвоҳ, ҳеч тоқат қилиб бўлмаяпти, дам оласизларми, йўқми?! Учавериб тинка-мадоримиз қуриди. Душман олисда қолиб кетди: бир оз дам олсак, яхши бўларди. Ахир, тўхтовесиз учгандан кўра дам олиб учсак, тезроқ нажот топамиз-ку»,— дейишиди.

Шундай қилиб, ўша тоғ чўққисига бориб қўндинк. Бундай қарасак, кўз олдимизда ям-яшил мевазор, сувга сероб, обод боғлар турибди. Қулоқларимизга ашула, мунгли нағмалар эшитилди; мушку анбардан кўра хушбўйроқ ислар димоғимизга урилди.

Биз боғнинг меваларидан едик, сувларидан ичдик ва то дармонга киргунимизча шу ерда қолдик. Шунда бир қуш деди: «Жадаллаб қолайлик, чунки хотиржамлик фафлатда қолдирса, эҳтиёткорлик халос этади. Ундан сўнг, мен сизларга айтсан, шубҳадек мустаҳкам қўргон йўқ.Faфлат босиб, бу жойда узоқ туриб қолдик. Душманимиз орқамиздан ахтариб келяпти. Гарчи бу жойда туриш биз учун қулай бўлса-да, лекин саломат қолишимиз мушкул. Шунинг учун, келинглар, бу букъани ташлаб, тезроқ кетайлик».

Шундай қилиб, ҳаммамиз учишга чоғландик. У ердан учиб, саккизинчи тоққа етиб бордик. Бундай қарасам, чўққиси осмон бағрини ёриб кирган баланд тоғ, унинг теварагида қушлар учиди юрибди. Мен умримда бундай хушнаво, гўзал, дилкаш қушларни учратмаган эдим.

Уларнинг ёнига қўнганимиздан кейин, биз илгари ҳеч қаерда кўрмаган ва ҳатто эшитмаган лутф-эҳсон ва меҳрибончиликни кўрдик, улар бизга самимий ёрдам кўрсатишди. Биз умр бўйи уринсак ҳам, борингки, умримизга неча бор умр қўшиб берилган тақдирда ҳам, улар бизга қилган ёрдамининг кичик бир улушкини эплай олмасдик. Улар билан танишгач, бошимизга тушган фалокатларни сўзлаб бердик. Улардан бири деди:

— Мана шу төғнинг орқасида бир шаҳар бор. Ўша ерда буюк подшо истиқомат қиласи. Ҳар бир зулмдийда унга сифинса, муножот қиласа, унинг қудрат ва мадади билан мушкули осон бўлади, дарду фалокатлардан қутулади.

Биз буюк подшо шаҳрига йўл олдик. Ниҳоят, қасри олдига етиб, ижозатига мунтазир бўлиб турдик. Киришга рухсат берилди. Бизни саройга олиб кирдилар.

Биз кирган саройнинг кенглиги-ю, гўзаллигини тавсифлаб бериш қийин. У саройдан ўтганимиздан кейин, кенг ва ярақлаган бир сарой дарвозаси очилди. Бунга кўзимиз тушганида, олдинги кўрган саройимиз анча тор, кичкина туюлди. Ниҳоят, подшо ҳузурига етдик. Парда кўтарилиб, подшо жамолини кўриб, ҳаммамиз беҳуш бўлиб қолдик. Ҳайтовур, унинг ўзи дардимиздан огоҳ бўлиб, ўз лутфи билан ҳушимишга келтирди. Ниҳоят, у билан гаплашишга журъат этдик ўз саргузаштимизни гапириб бердик. Саргузаштимизни тинглагач, у деди:

— Оёқларингиздаги тузоқни қўйган кишидан бўлак ҳеч ким еча олмайди. Мен унга бир элчи юбораман. Элчи сизларни тузоқдан қутқаришни овчидан илтимос қилаади. Гап тамом, хотиржам бўлиб қайтаверинглар.

Ана шундан сўнг биз элчи билан бирга йўлга тушдик. Биродарларимиз подшонинг ҳусну жамоли ва унинг даргоҳи ҳақида ҳикоя қилиб беришимни талаб қилдилар. Мен унинг жамолини қисқача таърифлаб бераман: у шундай бир подшоки, қачон сен кўнглингга заволсиз жамолни, нуқсонсиз камолни келтирсанг, унинг жамолу камолини кўрган бўласан. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир камолат унда зоҳир, ҳар бир нуқсон, ҳатто мажозий маънода бўлса ҳам, ундан йироқ. Кимки унга хизмат қиласа, у энг олий баҳтга эга бўлади. Кимки ундан узоқлашса, дунё ва охиратда зиён кўради.

Ҳикоямни эшитиб биродарларим менга шундай дедилар:

— Сен ақлдан озиб қолибсан. Худо ҳаққи, сен эмас, балки ақлинг учган экан, сен овланмаган, ақлу ҳушинг овлангандекан. Кишилар қачон учгандекан қуш қачон гапирган! Худди мижозингда сафро ғалаба қилганга ўҳшайди. Энди девпечакни қайнатиб ич, тез-тез сучук сувли ҳаммомга тушиб тур, нибуфар ёғини ҳидла. Кейин лазиз таомлар егин, жинсий алоқа ҳамда уйқусизликдан сақлан, камроқ фикр юрит. Илгари оқиллигини қўрганмиз,

ақл-идрөк ва заковатингга қойил бўлганмиз. Энди бу аҳволингни кўриб, биз сендан ранжидик. Сенинг аҳволингга нуқсон етганини кўриб, кўнглимиз паришон бўлди.

Уларнинг гаплари қанча кўп бўлса, фойдаси шунча оз эди. Сўзнинг энг ёмони амалга ошмай, зое кетганидир. Тангридан мадад, одамлардан узр сўрайман. Золимлар келгусида қандай жазога учрашлари маълум.



## САЛОМОН ВА ИБСОЛ

Қадим замонда бир ака-ука бўлиб, каттасининг исми Саломон, кичигиники Ибсол эди. Саломон укасини ўз фарзандидай тарбиялади. Боланинг хатти-ҳаракати унга маъқул тушиб, барча фанлардан таълим берди. Бола балогатга етгач, шайтон Саломоннинг хотинини Ибсолга хуштор қилиб қўйди; ишқ ўтида ўртанган янга тоқат қила олмади. Ниҳоят, Саломонга деди:

— Уканг Ибсол жуда олижаноб бола, у сенга фарзандингдек яқин. Фоятда хушфеъл, одобли бола бўлиб етишди. Уни болаларимизга қўшиб қўйсак, уларга одоб ва яхши хулқ ўргатсан...

Саломонга хотинининг гапи маъқул тушди:

— Хўп, сен айтгандек бўлсин,— деди у. Кейин Ибсолни чақириб:

— Ҳар пайшанба ва жума кунлари қасримизга келиб тур,— деб тайинлади.

Ибсол бунда бирор шумлик бўлса керак деб, чўчиди ва акасига шундай деди:

— Эй, ака, мен қаёқда-ю, бола тарбиялаш қаёқда? Мен бу ишни эплай олмайман. Болаларингга ўзинг бош бўлиб, тарбиясига назорат қилиб турсанг, яхшироқ бўларди. Жуда зарур бўлганда, уларнинг ҳолидан хабар олиб турсам бошқа гап.

Саломон укасининг бу гапини эшитиб, унга:

— Гапларинг дурусткую-я, лекин янганг сени кўрса курсанд бўлади,— деди,— очиқ чеҳра билан қасрга кириб юрсанг, қўлидан келганча яхшилик қилади: сенга кийим-кечак, яхши-яхши совғалар беради. Ўзинг ҳам

ўлгудай тортичоқ, бағритош бола экансан-да. Ахир, янганг меҳр қўйиб, сени ўз бағрида катта қилди, ёшлигингдан ўз боласидай тарбиялади. Сен ҳам энди қўлингдан келадиган ёрдамингни аямай, уни хурсанд қилгин-да.

Ибсол қасрга киришга мажбур бўлди. Янгаси унинг бошидан тилла сочиб кутиб олди ва навозишлар кўрсатиб, Ибсолга гавҳар ва дурлар қадалган, қават-қават ипакли либослар кийдирди. Шундан сўнг шайтон хотиннинг болага муҳаббатини янада алгангалатиб юборди.

Хотин ўзини Ибсолга яхши кўрсатиб, самимилигига уни ишонтироқчи бўлди, ҳирсини яширди, зўрма-зўраки бўлса ҳам, ўзини вазмин тутишга уринди. У кўнглида шубҳа уйғонмасин, уйимда бемалол юрсин, деган мақсадда шундай қилди.

Хотин Ибсолни бир неча марта синааб кўрди, кўнгли бир оз таскин топгач, унга:

— Эй, Ибсол!— деди,— тангрининг тақдир қилгани бўлади, мен сени севишим тақдирни азалдан маълум. Тақдирдан қочиб қутуладиган одам ёки қочадиган жой борми ўзи?

Ибсол бу гапларни эшитиб, ҳайрон бўлиб бош чайқади. Нима қилишини билмай, хоҳишим нимага жазм қиласкин, деб бошини қуи солиб турди, қўлини тангри чирайли қилиб яратган ва шундай ташвишга тушишига сабаб бўлган юзига қўйиб, хаёл сурди.

Кейин деди: «Агар бунинг талабига бўйсунмасам, хотинлар мендан бурунги ростгўйларга макр қилгандек, бу хотин ҳам менга макр қилиши мумкин, борди-ю, тангрим ва акам раъйига қарши иш қилиб, бу хотиннинг айтганига кўнсан ва унга ширин сўзлар десам, одамлик қиёфам қолармикан? Эй, тангрим, ўзинг йўл кўрсат, ишимга ўзинг күшойиш бер!»

Ноиложликтан Ибсол янгаси ҳузурига киришга рози бўлди, «Тақдир шу экан, энди пешанамга нима ёзилган бўлса, шу бўлади,— деди ўзича Ибсол.— Зора тангрим, тасалли берса, ёки дардимга кўмаклашса, эй тангрим, сен хотинларнинг устимдан ҳукмронлик қилишига йўл қўйма!»— деб илтижо қилди.

Ибсолнинг кириб-чиқиб юришга рози бўлиши хотин макрининг тугунини янада маҳкамроқ боғлади. Жимги на турган янга севинчдан ёшланган кўзларини ундан олди. Хотиннинг бу ҳолати Ибсолга таъсир этди. Лекин у

буни ҳеч кимга айтмай, ичига ютди. Шундан кейин Ибсол хотин хузурига бир неча марта кириб юрди. Лекин хотин анча вақтгача сабр қилди, сабр косаси тўлса ҳам дами ичида юрди. Бу билан хотин гўё тасалли топгандай бўлар, Ибсол бўлса, унинг индамай юрганига шукур қиласади.

Кўп ўтмай хотиннинг қалби ўртаниб, Ибсолга тушган ишқи бутун вужудини қамраб олди. Кейин хотин пайт пойлаб, Ибсолнинг бўйнига қўл ташлади. Ибсол эса хотинни жеркиб, тескари қараб олди. Йигитнинг бу қилиғидан чўчиган хотин, ўзини оқламоқчи бўлиб, қасам ича бошлиди:

— Мақсадим сени синаш эди, йигитликда ўзингни қандай тутишингни билмоқчи эдим. Жуда ҳам ориятли эканингга ишондим. Тангрим номига қасам ичиб айтамки, бундан кейин сени сира хафа қилмайман, мендан ножӯя гап эшитмайсан.

Хотин шундай дерди-ю, лекин у ўз қасамини бузишини ва алдамоқчи эканини яширади.

Кейин хотин Саломон олдига бориб:

— Мен укангни яхшилаб синаб кўрдим,— деди.— Унинг ор-номусли эканига амин бўлсам, синглимни бериб, куёв қилмоқчи, жуда кўп сеп ҳам бермоқчи эдим. Уни синаб, маъқул топдим, энди хўп десанг, синглимни унга никоҳлаб берсам, зора, бу ишим тангримга ҳам хуш келса!..

Хотин синглиси ёнига бориб, у билан кенгашди:

— Ибсол сени яхши кўриб қолса, гоҳо ундан баҳраманд бўлиб туришимга рухсат берасанми? Мен буни айтмайман, ўзи ҳам мени сезмайди. Ростини айтсан, уни яхши кўраман, шунинг учун сени унга бериб, муродимга етмоқчиман. Агар хоҳласанг, шунга рози бўласан, хоҳламасанг, ёпиқлигича қолаверади.

Саломоннинг хотини синглиси билан маслаҳатни пиширди ва унинг ёнидан оғзи қулоғига етиб чиқди-да, қайниси Ибсол олдига бориб:

— Синглим жуда уятчан, эркак нималигини билмайди,— деди,— шунинг учун тун қоронғусида унинг ёнига киришинг керак. Силаб-сийлаб кўнглини овла, то кўни-киб кетмагунча, яъни бир ойгача гапга солма, жавоб ҳам кутма, чунки у бегонасирайди, гапиришга шарм-ҳаёси йўл бермайди.— Хотин Ибсолга шундай деди-ю, (тўйдан сўнг) ўзи синглиси ётоғига бориб ётди.

Ибсол янгасининг гапига ҳайрон қолди. Кўнглида шубҳа туғилди ва дарҳол қаллифи ёнига кирди. «Қаллиғи» ўзини тўхтата олмай уни бағрига босди.

Ибсол ҳангуманг бўлиб:

— Хой!— деб бақирди, кейин оҳиста гап қотди:— Ҳаёли бўлсанг мендан бурун ҳаракатга тушмасдинг, сен бегона хотин бўлсанг керак.

Шу маҳал осмонни қора булат қоплаган эди. Бирдан кетма-кет чақмоқ чақилди, Ибсол хотиннинг юзини кўрди. Қараса, қучоқлаган қаллиги эмас, янгаси экан; у дарҳол уйдан қочиб, чиқиб кетди.

\* \* \*

Ибсол довюрак йигит эди. У ҳеч кимнинг ақли етмайдиган илмлардан хабардор эди. Душман-қўшинига ҳужум қилгудек бўлса уни ер билан яксон қилмай қўймасди.

Ибсол, янгам зора мени унутса, деган хаёлда бу даргоҳни ташлаб кетмоқчи бўлиб, акасига маслаҳат солди.

— Мағрибдан машриққача бўлган барча ўлкаларни сенга фатҳ этиб берсам, тангри динини у ердаги халқларга ёйсам деган ниятдаман, шунга нима дейсан? Оллоҳ ёр бўлиб, зора ишим ўнгидан келса...— деди.

Ибсолнинг гали акасига маъқул тушиб, унга лашкар тўплаб берди ва жангга рухсат этди.

Ибсол қутб томондаги ўлкаларга юриш қилди. Кейин шарқ томондаги ўлкаларни босиб олмоқчи бўлди. У энг кучли халқлар устидан ҳукмронлик ўрнатмоқчи эди. Сўнгра Қай ўлкасига, кейин Синнинг нариги томонидаги ва Ҳиндистонга ёндош ўлкаларга юриш қилди. Шуларни фатҳ этиб, ниҳоят, акасининг юрти чегарасига етиб келди, у то Рофидайнингча забт этди. Ниҳоят, жўнаган жойи йўлга чиққанида отининг туёғидан пайдо бўлган чуқурчага қайтиб келди. У ўзича: «Эҳтимол, янгам мени унуга таёзгандир...»— деб ўйлади.

Шундай қилиб, Ҳофиқайн ҳукмронларидан бўлмиш Зийқарнайнинг энг аввалгиси шу Ибсол бўлди ва ниҳоят, акасининг олдига қайтди ва Саломонга:

— Эй, ака, фатҳ қилган ўлкаларим сеники, уларнинг менга кераги йўқ,— деди,— бу ўлкаларни мендан олдин

забт қилганларни ҳам биламан; улар ҳам дунёдаги нарсаларни назар-писанд қилмасдилар.

Янгаси Ибсолнинг сафардан қайтиб келганини эшитди ва уни қучоқлаш ниятида қулоч ёзиб, унга пешвоз чиқди. Хотин бу макри билан қайнисига бўлган ишқини яширмоқчи эди; назарида Ибсол бунинг фарқига бормайдигандек эди. Ибсол янгасига:

— Ассалому алайкум, илойим домонинг пок бўлсий, менга яқинлашма! Мен ўша билганинг Ибсолман,— деди.

\* \* \*

Бобил мамлакатидан душман чиқиб, Саломон аскарларини тору мор этди. Шунда Саломон душманинг жазосини бериш учун Ибсолни юборишга қарор қилиб, уни га аскар тўплаб берди.

Шундан кейин янгаси Ибсолдан бутунлай умидини узди ва уни макр тузогига илинтира олмаслигига кўзи етгач, Саломоннинг лашкарбошиларига мол-дунё бериб, уларни қўлга олди. Улар Йбсолни жангда мушкул ахволда қолдириб кетмоқчи ва душман қўлида ҳалок қилмоқчи бўлишди. Лашкарбошилар Саломоннинг хотини буюрганича иш қилдилар. Ҳайрият, худо бир асраб қолди. Бўлмаса, Ибсол душман қиличи остида қиймалangan бўларди. Разил лашкарбошилар Ибсолни жанг майдонига ташлаб қочиши. Лекин улар фафлатда қолиши; шу қилганларига не-не балоларни кўришмади.

Беҳуш ётган Ибсолнинг олдига ёввойи ҳайвонларнинг энг ғамхўри, оқ кийик келиб қолди. Ибсолга унинг меҳри тушиб, жароҳатини ялади, оғзиға эмчак солиб эмиэди...

\* \* \*

Ибсолнинг акаси Саломон душман қуршовида қолган эди. Унинг ҳокимияти заифлашган, ўзи эса, укаси Ибсолни ўйлайвериб, қайгу-ҳасратда ранги сомон бўлган эди. Ибсол ўзига келгач, ҳар бир одамдан юз берган воқеани, уруш майдонида ўзини ташлаб қочган аскарбoshilarни суриштириди. Аҳволни билиб, уларга қаттиқ ачинди.

... Шундан кейин у, акаси юртига йўл олди, ниҳоят, унга етиб ҳам борди. Ўлка харобага айланәёзган бир пайтда қўққисдан Ибсол келиб қолди. У акаси ёнига кириб деди:

— Мен уканг Ибсол бўламан. Тангрим мени сени фалокатдан қутқариш ва ҳар қандай бало-қазоларни даф қилиш учун, сенга кўмак бергани юборди.

Саломон пароканда бўлган аскарларини йиғди, уларни қурол-яроғ, озиқ-овқат, кийим-кечаклар билан таъминлади. Ибсол акаси шаҳар чеккасига тўплаган аскарлари олдига чиқиб, хитоб қилди:

— Мана мен, хизматингизга тайёр, ўша Ибсол бўламан, худойим асраб, омон қолдим.

Одамлар Ибсолни кўриб дадиллашдилар, душман билан жанг қилишга тўплана бошлидилар ва душманни янчиб ташладилар...

Ибсол жангга қаттиқ киришиб, энг катта ва хавфли душман тўдаларининг улуф подшосини асир тушириди. Кейин Бобилга юриш қилди. Ибсол Бобилни осонгина забт этди. Унинг барча хазиналарини ўлжа олди. Ибсолнинг овозаси оламни тутди.

Ниҳоят, Ибсол акаси қошига қайтиб келди. Келса, янгаси ҳали ҳам ўз макру ҳийласи билан машғул экан. У энди Ибсолни рўйирост алдаш пайига тушди. Қўлидан ҳеч нарса келмагач, ошпаз билан дастёрини чақириб уларга «Энди ҳинд сунбули дорисидан ёки кўкимтир асалдан бир амаллаб Ибсолга ичирасиз», — деб буюрди. Ошпаз билан дастёр унинг бўйруғини бажо келтиридилар. Улар Ибсолга заҳарли дорини ҳатто керагидан ортиқроқ ичириб юборишиди.

Бу иш сабр булоғидан қонган кишиларни ҳам мусибатга тушириди. Бундан ерлар титради, ундаги ҳар бир жон эгаси Ибсолнинг ҳалок бўлишига ачиниб, хотинга ғазаби келди. Ҳатто Ибсолнинг қиличи билан эгалланган юртлардаги одамлар ҳам ҳасрат чекиб, хотиндан нафратландилар. Ростдан ҳам Ибсол ҳар бир инсон назаридан яхши насабли, асилизода, илму маърифатли зот эди.

Шундан сўнг, акаси бутун қулларини озод қилди. Уларни худди ўз қариндош-уруғларидек ҳисоблади...

\* \* \*

Шундай қилиб, тангри Саломонга бир иш билан хо-  
тин макрини ошкор қилди: хотин, ошпаз, дастёр қилган  
кирдикорлар маълум бўлиб қолди. Улар учалови зулм  
қилган кишига нисбатан қандай азобу уқубатлар борли-  
гини билмас эканлар.

Улар укасига нима ичиришган бўлишса, Саломон  
ҳам уларга шуни ичирди. Хотин, ошпаз, дастёр учалови  
ўша заҳотиёқ тил тортмай ўлдилар.





# АРАБ ТИЛИДАГИ ПОЭЗИЯДАН НАМУНАЛАР







## АРАБ ТИЛИДАГИ ПОЭЗИЯДАН НАМУНАЛАР

Х асрда Шарқнинг муҳим илмий ва маданий ўчоғи бўлган Бухорода форс-тожик тилидаги адабиёт билан бир қаторда, араб тилидаги адабиёт ҳам ривожланган эди. Кўпгина шоирлар ўз шеърларини араб тилида ёздилар. Машҳур нишопурлик олим Абу Мансур ас-Саолибийнинг (961—1038) «Йатимат ад-даҳр» («Замонасининг ягона дурданаси») номли тазкирасида X асрда яшаган 47 та бухоролик шоир ҳақида қисқача маълумот ва шеърларидан айрим парчалар келтирилган. Бу шоирлар ўз ижодий фаолиятлари билан ўша давр форс-тожик адабиёти ва умуман Ўрта Осиё халқлари адабиётида муҳим роль ўйнаганлар. Шунинг учун араб тилида ижод этган шоирларни ўрганиш ўзбек адабиёти тарихи учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозиргacha бу шоирлар ҳақида ҳеч қандай маълумот берилган эмас. Мазкур китобда ас-Саолибийнинг «Йатимат ад-даҳр» тазкираси асосида, X асрда Бухорода яшаб, араб тилида ижод этган шоирларнинг айримлари ҳақида қисқача маълумот бериш ва шеърларидан парчалар келтириш лозим топилди.

### АБУ АҲМАД АЛ-ҚОТИБ

Абу Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Қотиб Бухорода туғилган. Отаси Абу Бакр ибн Ҳамид сомонийлар амири Исмоил ибн Аҳмад (900—907) саройида котиблик қилиб, кейинчалик амир Аҳмад ибн Исмоилнинг (907—914) вазири бўлган. Абу Аҳмад амир саройида тарбияланади ва замонасининг энг маълумотли кишиларидан бўлиб ети-

шади. Ўзининг илк шеърларини сомонийлар вазири Абу Абдуллоҳ ал-Жайҳоний (914—922) ва Абул Фазл ал-Балъамийга (922—938) қарши йўналтиради. Бу оқибатда шоир ҳаётини таҳлика остида қолдиради. Абу Аҳмад Маккага ҳаж қилиш баҳонаси остида Бухородан кетади. Бир қанча вақт Бағдодда қолиб кетади. Кейинчалик шоир ўз ватанига қайтиб келади. Лекин унинг бутун молмулки талон-торож қилинганд, ўзи ҳамма лавозимлардан четлатилган эди. Ҳаётнинг машаққатларига бардош беролмаган шоир заҳар ичиб ўлади. Бу ҳодиса, тахминан 940—950 йиллар ўртасида юз берган бўлиши керак.

#### ВАЗИР АЛ-ЖАЙҲОНИЙГА ҚАРШИ ЕЗИЛГАН ҲАЖВЛАР

Кўп онт ичиб айтаман, эшиит, эй, Ибн Жайҳон!  
Эсиз-эсиз бу давлат, сенга бу тахтиравон.  
Эшишиб сўзим, майли, соchlаринг бўлсин тикка,  
Муҳтож эмас эди халқ сендай маҳлук — бошлиққа.  
Адолат ҳукм юритса, этилмас эдинг тайин,  
Шаҳар супуришга ҳам ярамассан бетайин.<sup>1</sup>

#### СОЛИҚ ИИГУВЧИЛАРГА ҚАРШИ

Хирож ёзган девонбеклар доимо «бўлсин омон»,  
Шилиб ҳамёнларимизни, этибдур рангимиз сомон.  
Никоҳ ҳаққин тўлолмасдан ожиз қолган бу танг онда,  
Талаб қилгай яна биздан, падар лаънат, боқимонда.

#### КИТОБ ВА ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

Доимо ахтар ўзингга дилкаш дўст-ёр,  
Йўқса ёринг айлагил китоб ихтиёр.  
Яхши дўстлик қайтарур ёмон ишдин,  
Яхши иш бўлур ҳосил яхши эшдин.  
Бир дўстинг сўзласа илму ҳайъатдин,  
Бошқаси хушнуд этур ширин суҳбатдин.  
Ҳамсуҳбат топмасанг, адаб боғин топ,  
Баҳри-дилинг очади ширин сўз китоб.  
Шеър билан дўст бўлсанг фикринг уйғотар,

<sup>1</sup> Шеърий таржималар А. Ирисовники.

Маъно гулобидин май-қадаҳ тутар.  
Шунда татийсан дўстлик шарбатин,  
Билурсан қаҳқаҳа шодлик хислатин.  
Жиддийлик боғида кайфинг чоғ бўлур,  
Фароғат сурори нур, чироғ бўлур.  
Йигитлик умрининг сози ва нақши  
Одоблик, шод-хуррам бирладир яхши.  
Китобга дўст бўлсанг илм-одоб келур,  
Дўстликдан фароғат, лаззату сурур.

## АБУ-Л-ҲУСАЙН МУҲАММАД АЛ-МУРОДИЙ

Абу-л-Ҳусайн ал-Муродий ўз замонасининг энг машҳур ва фозил кишиларидан бири ва Бухоронинг атоқли шоирларидан бўлиб, тоҷик адабиёти асосчиси Рудакийнинг яқин дўсти ва сұҳбатдоши бўлган.

Ал-Муродийнинг туғилган ва ўлган йиллари маълум эмас. Аммо у X асрнинг 20-йилларида кўзга кўринган шоир бўлгани маълум. Унинг 921—922 йилларда вафот этган ҳарбий қўмондон ас-Суълукийга қарши ёзган ҳажвияси бундан далолат беради.

Абу-л-Ҳусайн асосан Бухорода ҳаёт кечиради, аммо қандай лавозимни ўтагани номаълум. У Рудакий ва ал-Мусъабий каби машҳур шоирлар билан яқин ва дўстлик муносабатида бўлган. Унинг ўлимига қаттиқ қайfurган Рудакий ўзининг машҳур марсиясини ёзади. Марсиядан 20 байт бизгача етиб келган. Бу ал-Муродийнинг ўз замдошлари бўлмиш шоирлар орасида ва ўша давр адабий муҳитида қандай муҳим роль ўйнаганини тасвирлаб берувчи асосий манбадир. Шу марсиядан парча келтирамиз:

Мурд Муроди на ҳамоно кимурд,  
Марги чунон хожа на корест хурд.  
Жони гироми ба падар боз дод,  
Колбади тира ба модар супурд.

Таржимаси:

Муродий ўлди, йўқ у ҳали ҳаёт—  
Бундай хожжанинг вафоти кичик иш эмас.

Қимматли жонини ўз отаси (осмон)га  
қайтариб берди,  
Тира жасадини эса она (ер)га<sup>1</sup> топшириди.

Яна:

Қаҳ набуд ў, ки ба боде парид,  
Об набуд ў, ки ба сармо фусурд,  
Шона набуд ў, ки ба мўй шикаст  
Дона набуд ў, ки базамин фушурд  
Ганжи заре буд дар ин хокдон,  
К-ў ду жаҳонро ба жаве мешмурд.

Таржимаси:

У сомон эмаски шамолга учиб кетса,  
У сув эмаски совуқда музлаб қолса,  
У тароқ эмаски соч (тараганда) синиб кетса,  
У дон эмаски ер остида чириб кетса,  
У бу дунёда олтин тўла хазина эди,  
Унинг олдида икки олам бир тариқчадир.

Ал-Муродий икки тилда (араб ва форс-тожик тилларида) ижод этган «зуллисонайн» шоир эди. Ас-Саолибий берган маълумотларга қараганда, у жуда кўп шеърлар ёзган ва унинг асалари девонга тўпланган. Афсуски, бизгача унинг 27 байт араб тилида ва икки байт форс-тожик тилида ёзган шеъри етиб келган, холос.

Лашкарбоши ас-Суълукӣ ўлими сабабли ёзган ҳажвиясидан:<sup>2</sup>

Унинг қабиҳ жони ҳалок бўлди ахир,  
У ўлимга энг муносиб киши эди.  
Асли туғилиши хатолик бўлган,  
Кишини ҳалок этиб, ўлим (ҳеч) хато  
қилгани йўқ.

<sup>1</sup> Рудакий исмоилийлар мазҳабига эргашиб, ер ва осмон ҳақида бутпарастлар каби фикр юритган, яъни осмонни ота, ерни она деб атаган.

<sup>2</sup> Одатда ўлган кишига бағишлаб марсия ёзилар эди, ал-Муродий эса ҳажвия ёзган.

Шаробхор киши устидан кулиб ёзган мисраълар:

Худди сўфитўрғай (сув), ичгандай  
ичаётган (анави) текинхўр сизларга  
хуш келадими?

Агар ўз ёнидаги саноч (оғзи боғланган)  
ипга кўзи тушса, у шунга ҳам маст бўлади.

## АБУ ТАЙИБ АЛ-МУСЪАБИЙ

Абу Тайиб Муҳаммад ибн Ҳотим ал-Мусъабий Бухоронинг X аср биринчи ярмидаги кўзга кўрингган шоирларидан ва давлат арбобларидан бири, Рудакийнинг яқин дўсти ва сўхбатдоши эди. Шоир ҳаётига оид жуда қисқа маълумот сақланиб қолган.

Ал-Мусъабий машҳур котиб бўлиб, узоқ вақт Наср ибн Аҳмад саройида муншийлар девонининг бошлиғи лавозимида ишлайди. 938 йилда вазирлик мартабасига кўтарилади, лекин бир неча ойдан кейин амир томонидан қатл эттирилади. Бунга, шубҳасиз, шоир билан амир Наср ибн Аҳмад ўртасидаги келишмовчилик сабаб бўлиши керак.

Ал-Мусъабий «зуллисонайн» шоир бўлган. Унинг араб тилидаги шеърларидан бир неча байт «Йатимат ад-даҳр»да ва тожик тилидаги бир шеъри Байҳақийнинг «Масъуд тарихи» китобида сақланиб қолган:

Ўз вақтида халос қил баҳтинг тақдир қўлидан,  
Айшингни тез суриб қол, ўтган кунинг ғанимат,  
Сендан бўлсин мурувват яхши билан ёмонга,  
Қайтиб келур не қилсанг, шудир асли ҳақиқат.

Байҳақий китобидан олинган шеър: таржимаси:

Дунё, сен фисқу фасод ва қаллоблик дўконисан,  
Адолатсиз, вафосизсан, беомонлик имконисан.  
Кўринишда мисоли ой, эшитмакка қуёш янглиғ,  
Ўғирлик бобида бургуту шунқорнинг ёмонисан.  
Таъмда сен заҳар янглиғ, эшитмакда ажойиб куй,  
Елиб қолсанг шамолдай, чун тифнинг олмоссимонисан.  
Қиморнинг хуш сабурисан, Тибетнинг<sup>1</sup> мушкисан дилкаш,

<sup>1</sup> Қимор, Тибет — жой номлари.

Насимда мисли анбарсан — ҳижозийсан, яманийсан.  
Сиртдан хушрўй, гўзал чеҳра берилган бир ажид зийнат,  
Ичдан боқса мегажинсан, палидликнинг қобонисан.  
Бирорга яхши боққайсан, бирорга бор қабоқ-қошининг,  
Бирорга жаннат, ўзгага жаҳаннамнинг хумдонисан.  
Сен ўзингсан Эрам бори нозу неъмат тўлиб-тошган,  
Бирорларни раво кўрмай, бирорларнинг жон-жонисан.  
Мусибатсан чунон оғир, фужурлар ҳам тўлиб-тошган,  
Турган-битганларнинг ёлғон, кazzобликларнинг конисан.  
Сен туфайли-ку шатранждада шоҳу мотлар, кетиб дона,  
Вазифасин бажармай йўқ қилиб келган жаҳонийсан.  
Закийлар камбағал недин, нечун бой аблайи одам?  
Товус, дарроҷ яшар қисқа, калхат, илон замонисан.  
Нечунким ғалча бир одам умр кўргай ошиқ юздин?  
Ўшал бир мард арабга олтмиш уч берган нодонисан<sup>1</sup>.  
Нечун сен тарбият этдинг, агар бўлса киши нокас,  
Ажаб, нокас билан бадхулқ кишиларнинг майдонисан.  
Ҳама бефарқ қараашларга айб бизда аввал бошдан,  
Хасислик бобиғининг танҳо ажаб товур маконисан.

## АБУ-Л-ФАЗЛ АС-СУҚКАРИЙ АЛ-МАРВАЗИЙ

Абу-л-Фазл Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Зайд ал-Марвазий марвлиқ бўлиб, бу шаҳарнинг машҳур шоир ва зариф кишиларидан бири эди. Унинг таржимаи ҳолига оид маълумотларга эга эмасмиз. Ас-Саолибий бу шоирнинг шеърлари жонга ором берувчи, ҳикматли сўз ва мақолларга бой бўлганини ёзади. «Йатимат ад-даҳр»даги парчалар орасида ал-Марвазийнинг бир маснавийси диққатга сазовордир. Унда ўша вақтдаги форс-тожик тилида ёзилган халқ мақоллари араб тилига таржима қилинган. Бу мақолларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам Ўрта Осиё ва эрон халқлари орасида кенг қўлланади. Шу шеърни келтирамиз:

Қимки қуёшни жаҳл билан бекитмоқчи  
бўлса, хато қиласди,  
«Қуёшни чойшаб билан ёпиб бўлмайди».  
Кечанинг энг яхши сифати шуки,

<sup>1</sup> Бу ерда 63 ёшида вафот этган Муҳаммад пайғамбар кўзда тутиляпти.

«Кечада ҳомиладор, (аммо) нима туғишини  
білмайды»<sup>1</sup>

Сезир кишилар ҳақидаги форс мақолларидан:

«Кийим бүёкчи қўлида гаровдадир». Туя ҳашаротларни ёқтирумайди, Аммо (туя) тирик экан, Улар барибир унинг бурнида (яшайверади). Эшак балчиққа юмалаб истаган нарсасига эришди ва меҳнатдан халос бўлди. Биз қадимги шартлашган шартларда турамиз: «Йиртилган саноч ҳам, йиқилган карвон ҳам бўлмайди»...

Эчки фақат овқат билан семиради, Эчки мулойим гап билан семирмайди. Денгиз суви тошиб ётгани кўриниб турса ҳам, Ит ундан тили билан ичади<sup>2</sup>. Менинг насиҳатларимдан шубҳаланма, Сенга «мушукни қопга солиб сотаётганим йўқ»<sup>3</sup>. Кимнинг уйида таоми бўлмаса, Унинг одамлар орасида ҳурмати бўлмайди. Айтишларича: «кимки таклиф қилинмай дастурхонга келса, у ўзини камситган бўлади».

## АБУ МУҲАММАД АЛ-МАТРОНИЙ

Шоирнинг тўла номи Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Али ибн Матрон ал-Матронийдир. Бу шоир шошлиқ(тошкентлик) бўлиб, Хасрнинг бизгача етиб келган ягона тошкентлик шоиридир.

Ал-Матроний таржимаи ҳолига оид тўлароқ маълумотга эга эмасмиз. «Иатимат ад-даҳр» тазкирасида берилган маълумотларга қараганда, «Ибн Матрон саҳоватли (киши) ва гўзал мартаба эгаси эди, марказга (Бухорога) мақтовлар билан келар ва яхши инъомлар билан қайтиб кетар эди. У алоқа ходими вазифасини адо этиб.

<sup>1</sup> Яъни эрталаб нима бўлишини билмайди.

<sup>2</sup> Денгиз суви туганмас бўлса ҳам, ит ҳасислик қилиб ундан тили билан ичади.

<sup>3</sup> «Мушукни қопга солиб сотаётганим йўқ», мақоли бирорни алдамаётганини исботлаш учун ишлатилади.

шу иши билан қаноатланар ва ўз тирикчилигини ўтказар эди. Унинг шеърлари девонга тўпланган бўлиб, улар латиф сўзларга бойдир»... «У ўзида насиҳатгўйлик, жонга ором бериш ва хушмуомалалик санъатларини мужас-самлаштирган киши эди. Ўз шеърлари билан кишини қандай завқлантируса, насрий асарлари билан ҳам шундай завқлантирар эди. Ўзининг жиддийлиги билан қандай хурсанд қилса, ҳазиллари билан ҳам шундай хурсанд қиласади».

Бизгача ал-Матронийнинг фақат 112 байт шеъри етиб келган. Булар қасида ва ҳажвий шеърлардан олинган парчалар, турли темалардаги васфиј, ишқий ва май ҳақида ёзилган шеърлардир.

#### ҚАРИЛИКДАН ШИКОЯТ

Бошимда (қарилекдан) хабар берувчи оқ мўйлар пайдо бўлди ва ҳаётимдаги гуллаган ёшлиқ ўтиб кетди. Мўйсафидликнинг эрта тонги шуъласи (оқ соч) ёшлигим қарғаларига (қора сочга) учиб кетиш жойи бўлиб қолди. Бу худди эрта тонг шуъласи порлаганда Қора қушлар ўз уясини ташлаб кетишига ўхшаш нарсадир. Бу соч оқининг кўриниши нурли бўлса ҳам, у қарилек бўлгани учун, келтирадиган хабари зулматдир. Илгари унинг (соchnинг) қораси кўзни равшан қиласар ва дилга даво бўлар эди. Ажабки, қора ранг нур сочиб туради, оқ ранг эса нур сочишдан бош тортади. Кўзлари оғриқдан қизариб қолган гўзаллар менинг икки чаккамдаги осилиб турган нурга назар ташласалар, Тўсатдан қарилек нурига рўбарў бўладилар ва бу нурни (табиий) нур гумон қиладилар. Улар табиий рангга дуч келсалар, бу қалбаки рангдан юз ўгирадилар.

\* \* \*

Ошиқ уйқусизлиги туфайли кечани узун.  
деб фараз қиласи, кеча эса ўзининг маълум  
меъёрдаги узунилигида ҳаракат этади.  
(Маъшуқадан) жудоликда ўтган муҳаббат  
кечаси бир йилга тенгдир, аммо (маҳбубга)  
етишганда унинг қисқалиги бир мудрашга  
тенгдир.

\* \* \*

У шундай хипчаки, унинг ярми бон дарахти  
новдаси каби ингичка, қолган ярми эса  
тўла сағр ва гўшти сондир.  
У мулойимликни, (чиройли) рангни, келишган  
қоматни, (кишини) ҳалок этувчи қараашларни  
ва ўқ бўлиб отилувчи найзани эслатади.

\* \* \*

Ваҳший буғулар ўзини унга қурбон  
қилган ва одамлар орасидан чиққан  
бир кийик менинг танамни қурилди  
ва узоқ даволашдан бош тортди.  
(Агар) у кийик боласи қора кўзлари  
 билан менга назар ташласа, менинг  
қалбим қорачигида ўтлаб юради.  
Ёшлик унда гўзаллик ўтини ёқиб  
туради, бу ўт эса чирой шуъласи  
 билан баробардир.

#### БИР ОЧҚУЗ ҲАҚИДА

Бизнинг Абу Толибнинг ошқозон каби оғзи бор.  
У нимани чайнаса — ютмай ҳазм қиласи.

#### ҚАНДАЙДИР ИШЕҚМАС ДАНГАСА ҲАҚИДА

Абу Хотим ўз вақтини ишга эмас, балки  
ишдан ишга ўтишга сарфлайди.  
Агар у бирор ерда тўхтаса, у ердан  
жилиши яқин, бирор: у бир

ерда тўхтади деса, сен унинг йўлга  
тушишини кутавер.

У шундай бир йигитки, кечани ҳеч вақт  
қорни тўқ ҳолда ўтказмайди ва ўз нонини  
сиркага ботирмаса емайди.

У ҳамма ишни осон деб билади, аммо  
(ҳеч) бирининг уддасидан чиқмайди.

Унинг тадбирлари эса кучли ва бош  
эгмайдиган ҳоким бўлишидан далолат беради.

## АБУ-Л-ҲАСАН АЛ-ЛАҲҲОМ

Бухоронинг араб тилида ижод этган шоирлари ора-  
сида энг машҳури, сатирик шоир Абу-Л-Ҳасан ибн Али  
ибн ал-Ҳасан ал-Лаҳҳомдир.

Ас-Саолибий тазкирасида ал-Лаҳҳом учун анча ўрин  
ажратилган бўлса ҳам, шоирнинг таржимаи ҳоли ҳақида  
етарли маълумот йўқ.

Ал-Лаҳҳом сомонийлар амири Нуҳ ибн Наср (943—  
954) замонида Бухорога келиб қолади ва амир Мансур  
ибн Нуҳ (961—976) подшоҳлигининг охиригача, 30 йил-  
га яқин бу ерда яшайди. Шоирнинг баъзи бир шеърлари-  
дан маълум бўлишича, у Хоразм ва Термизда ҳам бўл-  
ган. Вазирларга қарши ёзган ҳажвий шеърлари туфайли  
Буст шаҳрига сургун ҳам қилинган. Тахминан 980 йил-  
ларда вафот этган.

Ал-Лаҳҳом сатирасидан бирорта давлат арбоби омон  
қолмаган. Ҳасрдаги шоирлар орасида сатира жанрида  
ал-Лаҳҳомга тенглашадиган шоир бўлмаган. Француз  
шарқшунос олими Барбье де Менар ал-Лаҳҳомни «Со-  
монийлар даврида Мовароуннаҳрдан чиқсан Ювенал»  
деб атаган эди. Ал-Лаҳҳом билан шоир ал-Матроний  
ўртасида кучли шеърий рақобат бўлгани маълум. Бу ик-  
ки шоир бир-бирларини жуда ўткир сатирик шеърлари  
билан ҳажв қилганлар.

## ВАЗИР ҲОКИМ АЛ-ЖАЛИЛ ҲАҚИДА

Бекорчиликдан сўнг (подшоҳ) атрофида  
айланиб юрувчи мулозимларга бошлиқ  
бўлиб олдинг ва кибрликдан (чопонинг)

этагини судраб юра бошладинг.  
Эй одамларни оёқ ости қилиб юрувчи  
зот, ал-Мусъабийнинг<sup>1</sup> бўшаб қолган  
уйига назар солсанг-чи!

#### ВАЗИР ИБН УЗАЙР ҲАҚИДА

Муҳаммад ибн Узайр таоми (шундайки), у  
бузилган меъданни тузатади:  
Буқротнинг гиёхи ва у билан қўшилган  
оддий дорилари  
Келган кишилар ададига қараб майдаги  
қилиб ушатилган озгина юмалоқ нон,  
(Майдаги) нонлар ҳам кишилар ададига  
қараб (бурдаланган), бир луқма ҳам  
ортиқча (нон) кўрмайсан.  
Бу (одам) юртига қадам қўйған ёшлар  
учун энг фойдали (иш) рўза тутиш деб  
ўйлайман.

#### ВАЗИР АБУ ЖАҲФАР АЛ-УТБИ ҲАҚИДА

Бу ал-Утбийнинг ахлоқи ўзгариб,  
сўкишдан бошқани билмайдиган  
бўлиб қолди.  
Доимо калтаклаш ва ҳақоратлашдан  
бошқа (нарсани билмайди), ичади да  
айиққа айланиб кетади.  
Унга раббимдан минг лаънатлар (ёғилсин).

#### ЯНА ВАЗИР ИБН УЗАЙР ҲАҚИДА

Мен энг шум бир қушни учратдим ва  
(шундан кейин) энг оғир ҳаёт кечира бошладим,  
Тамом оғатларга гирифторма бўлдим ва ҳамма  
хайрли  
ишлиардан четлашдим.  
Энг шум қушлар олиб келадиган наҳсликлар  
сенинг тепангда учсин!

<sup>1</sup> Юқорида маълумот берилган шоир ва вазир Абу Тайиб ал-Мусъабий.

Сен яратилишда чўчқа эдинг, ахлоқинг  
 билан эшакка айландинг.

Кўйлагинг (ичида) нима олиб юрганингни  
 фақат менгина биламан...<sup>1</sup>

Абу-л-Фазл ал-Қошоний деган бир давлат арбоби ҳа-  
 шаматли уй қуради ва мағуррланиб, уйни кўрсатиш учун  
 ал-Лаҳомни олиб боради. Шунда шоир қўйидаги  
 шеърни айтади:

Қачон кўраман бунда бойўғли сайрашини,  
 Хотин-халажнинг додин, йиғисин-ҳўнграшини?  
 Қачон мотом тутилгай тентак чолга бу уйда,  
 Одамсиз бўш кўрарман уйнинг ичи-тошини?  
 Яхши гапга қулогинг бермай келдинг, Абу-л-Фазл,  
 Эшит, эй ит, эй маймун, тўнғиз, бойқуш сўзимни.

#### ФАҚИРЛИҚДАН ШИҚОЯТ

Уч кун бўлди ноним йўқ, ўхшаб қолдим меровга,  
 Жулдур чопондин ўзга нарсам йўқдир гаровга.

\* \* \*

#### АБУЛ ҚОСИМ АБДУЛЛОҲ ИБН АБДУРАҲМОН АД-ДИНАВАРИЙ

Ас-Саолибий бу шоирни «Хурсоннинг кўзга кўринган  
 адаб, бош котиб ва машҳур кишиларидан бири эди» деб  
 ёзади.

У адабиётга оид ўтиздан ортиқ асарнинг муаллифи  
 ва жуда кўп шеърлар ёзган шоирдир.

Ад-Динаварий келиб чиқиши жиҳатдан Динавар шаҳ-  
 ридан бўлиб, Х асрнинг 80-йилларида ўзига бошпана  
 истаб, Бухорога келиб қолади ва умрининг охиригача  
 шу ерда яшайди. Бу шоир ҳақида ал-Кутубийнинг «Фавот  
 ал-вафаёт» номли китобида ҳам қисман маълумот бор.

«Йатимат ад-даҳр»га ад-Динаварийнинг қасида, сати-  
 ра ва васфий шеърлардан иборат 93 байт шеъри кири-  
 тилган.

<sup>1</sup> Охириги байтда шоир вазирни пардасиз сўзлар билан сўккани  
 учун тушириб қолдиридик.

## БЕҲИ, ОЛМА, АНОР ВА ОЗАРИОН ҲАҚИДА ВАСФ

Меҳржонда саҳар чоги юбордим меваю гуллар,  
Анинг атрини исқаб, ошиқ ўлсин, яйрасин диллар,  
Муаттар, кўқ ипак парда ичида сақламиш курра,  
Алар келганда қошингга ёрилгай шул замон тиллар.  
Балофат боғидан чиқмиш ечиб ул эски кўйлакни,  
Очиб зарпардаи шохин гўзал кўкси-ла бир хиллар.<sup>1</sup>  
Раъно юзли, сариқ холли<sup>2</sup>, ичи гавҳарга лиқ тўлган<sup>3</sup>  
Аламлар боғида чиқмас ани кўрса асал боллар.  
Карамли қўли бирла мушк-анбар тўлдириб андоқ,  
Қуёш тутмиш қадаҳларни сочиб атрофга бўй еллар.  
Қабул эт тортиғим дарҳол, кўп ўрнида кўр оз бўлса,  
Аларни лаззатин тотгач, тушар ёдингга манзиллар.  
Май ич, кайфингни чоғ этгил, муғаниилар томон  
шошгил,  
Қувват йиғ то қиёмат кун давом этсин умр йиллар.

## КИТОБ ҲАҚИДА<sup>4</sup>

Азизим айладинг маҳрум мени жонона дилдордин,  
Йўқолди шодлигим бирдан аюргил нолай зордин.  
Ажойиб қиссалар айтиб оларди қайфу ҳасратни,  
Муҳибимни кўролмасдан ўлиб бўлдим-ку, хуммордин.  
Бирор чоғ гар Абу Хотим<sup>5</sup>, Язидий<sup>6</sup> ҳам Қурайб<sup>7</sup> ўғли  
Агар аҳволидин сўрсам, такаллум айлар афкордин.  
Шикоят айламиш ҳар гал сенинг бедод дастингдин,  
«Қачон етгай халос вақти?»— садо чиққай у ночордин  
Туну кун менга ҳамдарду овунчоғим эди дилкаш,  
Худо хайрингни берсинким, юбор тезда бирор ёрдин.

## БУРГА ҲАҚИДА ВАСФ

Қитиқлайдиган оёқлари ва букри беллари билан  
улар бирдан менинг кўрпамга ҳужум қилдилар.

<sup>1</sup> Бу ерда беҳини айтмоқчи.

<sup>2</sup> Олмани айтмоқчи.

<sup>3</sup> Бу ерда анор назарда тутилади.

<sup>4</sup> Шоир бу шेърни китобини сўраб олиб, қайтариб бермаган  
бир дўстига ёзган.

<sup>5</sup> Абу Хотим ас-Сижистоний (864 йилда ўлган) — араб олимни ва  
машҳур филологи.

<sup>6</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Язидий (922—923 йилда ўлган) —  
адабиётшунос ва шоир.

<sup>7</sup> Абу Саид Абдулмалик ибн Қурайб (740—825 ёки 831) — араб  
филологи.

Ўз хартумлари билан менинг баданимда худди китоблардаги қизил нуқталар каби нуқталар қолдиридилар.

## АБУ-Л-ҲАСАН АЛ-ИФРИҚИЙ

Абу-л-Ҳасан Мұхаммад ибн Аҳмад ал-Ифриқий ал-Мутайим замонасиининг машҳур олими ва шоири бўлган Ас-Саолибий маълумотларига кўра, ал-Ифриқий «Китоб аш-шеър ан-нудамо» («Суҳбатдошлар шеърлари тўплами»), «Китоб ал-интисоф лил Мутанаббий» («Ал-Мутанаббий фалабалари китоби») каби асарларнинг муаллифи-дир. У табобат ва астрономия илмлари билан ҳам шуғулланган. Жуда катта шеърлар тўплами ҳам бўлган. Шоир X аср иккинчи ярмида яшаган, (992—993 йили) Бухорада ас-Саолибий у билан учрашган).

Ал-Ифриқийнинг илмий асарлари ва девони бизгача етиб келмаган, фақат айрим шеърларигина сақланиб қолган. Бу парчаларда шоир ўзининг Бухорда ниҳоятда оғир ҳаёт кечирганини тасвирлайди ва амир, вазир ҳамда бошқа амалдорларни қаттиқ ҳажв қиласди, уларнинг афт-башарасини очиб ташлайди, динга қарши очиқдан-очиқ фикрлар айтади.

Завжам мени койирди намоз тарк этгонимга,  
«Йўқол кўздан, талоқсан», дедим дарҳол хонимга,  
Худонинг номи бирла қасам ичгумки андоқ,  
Фақир бўлиб ибодат қилмасман раҳмонимга.  
Шайх ал-Жалилу<sup>1</sup>, Фонқ<sup>2</sup>, Тош, Бектошу ҳам  
Кунбош,

Наср ибн Молик<sup>3</sup> этсин ибодат раббонимга.  
Дунёларга кўмилган, олтинларга чўмилган,  
Соҳиби иқлим ўлган сифинсин айтгонимга.  
Машриқ итоат этган қасри бўлгандан Нуҳда<sup>4</sup>,  
Ҳайрон қолма тиловот этса гар яздонимга.  
Нечун намоз ўқирман, бўлмаса менда давлат,  
Манзил, улов, либослар бу йўлни тутганимда.  
Олтин камар йўқ менда, на бир гўзал чўри, қул,  
Қарич ерим бўлмаса шунча қон ютганимга.

<sup>1</sup> Шайх ал-Жалил — Сомонийлар вазири Абу-л-Ҳусайн ал-Утбий (977—986).

<sup>2</sup> Фонқ — юрик феодал, Хуросон ноиби.

<sup>3</sup> Тош, Бектош, Кунбош ва Наср ибн Молик — X аср иккинчи ярмидаги юрик феодал ва лашкарбошилар.

<sup>4</sup> Нуҳ ибн Мансур — сомонийлар амири (976—997).

Мунофиқлик қиласман ибодат этсам анга,  
Бердим намозларимни ҳў айтиб ўтганимга.  
Қим қисса менга таъна, койиса ўзи аҳмоқ,  
Айтганларим кифоя намоздан қайтганимга.  
Ўлгунимча тангрининг ибодатин қиласадим,  
Аҳволим енгил этса, қийноқ солмай жонимга.  
Фақир киши намози-ниёзи бўлмаган гап,  
Таги пуч, асли ёлғон ўхшайди битгонимга.

### АБУ МАНСУР АЛ-БУШАНЖИЙ

Шоир таржимаи ҳолига оид ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Унинг нисбаси кўрсатишича, асли бушанжлик бўлиб, бошпана қидириб Бухорога келиб қолган. «Иатимат ад-даҳр» туфайли бизгача етиб келган шеърларининг ҳаммаси X асрнинг иккинчи ярмидаги сомоний вазирлари ва бошқа амалдорларга қарши қаратилган ҳажвий парчалардир.

Абу Али, Абу Жаъфар ва кечә ҳалок бўлган Юсуф<sup>1</sup>,  
Бу уч (зотки), улардан менга бир динор ҳам,  
бир фақир ҳам фойда йўқ.  
Шунинг учун мен улардан тупроқ остида ётган  
(киши) ҳалокати учун қайғурмайман.

\* \* \*

Авваллари нодонлик қилиб Юсуф,  
Ал-Балъамий ва бошқалар учун  
замондан нолиб юрган эканмиз.  
У энди бизга ўзининг ал-Гифорини юборди  
ва ўз қули ҳамда Узайраси учун биз билан  
душманлик қила бошлади.  
Мана у ўз Ибн Исоси ва унинг қатъияти  
билан нодон Ибн Абу Зайд<sup>2</sup> ва унинг хулқи  
билан бизга ғамхўрлик қилмоқда.  
Биз улар даврида тақдирдан норози эдик,  
энди эса бизга (қандайдир) чўлоқ ва  
кўрлар ҳокимлик қилмоқда.

<sup>1</sup> Абу Али ал-Балъамий (960—974), Абу Жаъфар ал-Утбий (956—959), Абу Мансур Юсуф (959—960)— вазирлар.

<sup>2</sup> Абдуллоҳ ибн Узайр (986—987), Абу Али ибн Исо ад-Домғоний (987—992), Абу Аҳмад ибн Абу Зайд (987)— вазирлар.

## МУНДАРИЖА

|   |     |
|---|-----|
| Хакима . . . . .                            | 7   |
| Нодим . . . . .                             | 21  |
| Ниёзий . . . . .                            | 53  |
| Рожий . . . . .                             | 93  |
| Мутриб Хонахароб . . . . .                  | 113 |
| Сиддиқий . . . . .                          | 129 |
| Табибий . . . . .                           | 145 |
| Девоний . . . . .                           | 191 |
| Анбар отин . . . . .                        | 229 |
| Фақирий . . . . .                           | 239 |
| Чокар . . . . .                             | 267 |
| Мутриба . . . . .                           | 297 |
| Ибн Сино . . . . .                          | 319 |
| Араб тилидаги поэзиядан намуналар . . . . . | 335 |

*На узбекском языке*

## УЗБЕКСКАЯ ЛИТЕРАТУРА

том V

*Книга вторая*

Редактор *Ҳабиб Пўлатов*

Рассом *А. Ошайко*. Расмлар редактори *П. Хапилин*

Техн. редакторлар *Л. Парниҳұжасев* ва *М. Мирқосимов*

Корректор *Ш. Зухриддинов*

Босмахонага берилди 7/VI 1967 й. Босишга рухсат этилди 20/I 1968 й. Формати 84×108/<sub>16</sub> Босма л. 11,0. Шартли босма л. 18,48. Нашр. 9,32 л. Тиражи 15 000. Фафур Фулом номидаги бадиий адабиёт нашрёти, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома № 34-67.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг 3-босмахонасида босилди. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. 1968 йил. Заказ № 532. Баҳоси 73 т.